

Лаҳзалар чақмоқдай тезлашди бу дам...

Муассислар:
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Таҳрир ҳайъати:
**Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Сирожиддин САЙИД
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ
Фаррух ЖАББОРОВ**

Жамоатчилик кенгаши:
**Қаҳрамон ҚУРОНБОВ
Азамат УМАРОВ
Аҳмад ОТАБОВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Сербиддин ИСМОИЛОВ**

Бош муҳаррир:
Нодир ЖОНУЗОҚ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Нурилла ЧОРИ

Масъул котиб:
Ориф ТОЛИБ

Масъул муҳаррир:
Элёр МУРОД

Муҳаррир:
Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Бадий муҳаррирлар:
**Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:
Рустам НАЗАРМАТ

Манзилмиз:
Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳқўчаси, 16-“а” уй.
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz
www.yoshlikjurnali.uz
Тел/факс: (0371) 227-0-227,
245-0-552

Навбатчи муҳаррир: О. Мадвалиев
Босишга 16.02.2017 йилда руҳсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8.
Нашиёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда
“YOSHLIK”дан олинди” деб изоҳланиши шарт.
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Буюртма № 18. Адади 4150 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Бир соат – олтмиш дақиқа, бир кун – йигирма тўрт соат, бир ҳафта етти кунлигини яхши биламиз. Аммо баъзан бир соат бир кунга чўзилгандай туюлса, гоҳо бир ой бир ҳафтадай тез ўтиб кетади. Демак, вақт дегани чиндан ҳам нисбий экан-да. Физика дарсида ўқиб, аммо охиригача англашга қийналганимиз нисбийлик назарияси, эҳтимол, шудир.

Кўпчиликнинг эътирофига кўра, сўнгги ойларида юртимизда вақт суръати ниҳоятда тезлашиб кетди. Кунлар, ҳафталар, ойлари “оёқни қўлга олиб” чопаетгандай. Аслида-ку, биламиз, вақт ўша-ўша, жойида турибди: бир соат – олтмиш дақиқа, бир кун – йигирма тўрт соат... Унда бу шиддатнинг боиси нима? Боиси – ўзимиз тезлашдик, юрак зарбларимиз тезроқ ура бошлади, имиллаб юрсак даврдан ортда қолиб кетишимиз аён бўлиб қолди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир чиқиши, ҳар бир қарори бу суръатга жадаллик, куч бағишламоқда. Тезроқ дунёнинг энг илғор давлатлари сафига қўшилишимизга, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлашга ундамоқда. Бу жараёнда ҳал қилувчи куч давлат идоралари эмас, балки халқнинг ўзи эканига урғу қаратмоқда.

Шу кунларда кўп гувоҳ бўлягмиз, ўзларига кўрсатилаётган эҳтиромдан қувониб, қўллари дуодан бўшамаётган нурунийларимиз: “Эҳ, эсизгина, қанийди, мўъжиза рўй бериб, йигирма-ўттиз йилга ёшариб қолсайдим... Роса ишлайдиган, ғайратингни кўрсатадиган замон келди-да ўзиям!” дейишяпти ҳайрат аралаш. Ҳа, бу қувонч, ҳайратда озгина армон ҳисси ҳам бор. Бу – давр талабларига “лаббай” деб жавоб бериб, элу юрт хизматида бўлмолаётганлик армони. Аслида-ку, нурунийларимизнинг Ватанимизга тинчлик, юрт дастурхонига қут-барака тилаб дуо қилиб туришлари – энг улуғ хизмат!

Модомики, қизғин давримиз туфайли бугун қарияларнинг ҳам қалб кўридаги чўғлар яллиғланаётган экан, биз ёшларнинг юрагимиз ёниб, кўзларимиздан учқун сачраб туриши шарт эмасми?! Ҳар бир ҳужайраимизгача уйғониб, ўзимизни улуғ мақсадларга чоғлашимиз керак эмасми?! Оталаримиз, боболаримиз орзу қилаётган ёшлик имкониятларидан тўла фойдаланишимиз лозим эмасми?! Ҳа, шундай. Худди шундай. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб чалинган бедорлик кўнғироғи бугун янада қаттиқроқ жарангламоқда, одимларимиз давр қадамларига мос бўлишини талаб этмоқда.

*Лаҳзалар чақмоқдай тезлашди бу дам,
Кунлар чопаяпти югурик орда.
Қуёшдан илдамроқ юролмасанг ҳам,
Ҳаққинг йўқ ундан ҳеч қолишга орда.*

*Юлдузлар эргашгай сенга муқаррар,
Ой каби отлансанг зиё ҳарбига –
Юрагинг зарбини тўғрилласанг гар
Келажак авлоднинг юрак зарбига!*

Ҳа, шундай: давр билан ҳамқадам бўлишнинг йўли шу – юрак зарбимизни келажак авлодларнинг юрак зарбига тўғрилаш. Ана шунда маррага ёруғ юз билан қадам кўямиз. Ана шунда, бир кун ортимизга ўгириларканмиз, кўнглимизда армон ҳисси бўлмайди...

МУНДАРИЖА


44

33



10

19



64



№ 1 (308), 2017 й.

- АДАБИЙ ГУРУНГ**
- 10 Болаларга яхшилик қилишдан ортиқ саодат йўқ
- НАЗМ**
- 16 Маъмуд Тоир
Тинчлик тили – тонгги тилаклар
- 36 Талант Бек
Ойнинг ойдин ёғдуларида
- НАСР**
- 19 Асад Дилмурод
Оқбадан париваш нигоҳи
- 53 Умид Али
Икки қутб,
Илҳом париси
- МУЛОҲАЗА**
- 26 Зухриддин Исомиддинов
Не қилайин сенинг била, эй тил...
- ТЕХНОЛОГИЯ**
- 30 Тил ўрганишга кўмаклашувчи
5 та бепул мобил дастур
- ҚЎЛЁЗМА**
- 32 Сайёр
- НИГОҲ**
- 33 Темирчининг заргар ўғли
- МАКТУБОТ**
- 38 Хусан Мақсуд
Иқрорлар ёхуд бутунлик истаги
- НЕВАРАКУЛЧА**
- 42 Рустам Назар
Ўзлигингдан тонма ҳеч
- ТАВСИЯ**
- 44 Абдуқайом Йўлдош
Тоб ташламас асарлар
- ХОТИРА**
- 52 Шахло Қурбонова
Иродадан яралган жон
- ЭЛ ХАЗИНАСИ**
- 56 Навои луғати
- ЖАҲОН ҲИКОЯСИ**
- 57 Ярослав Ҳашек
Гемерда романтика қолмади
- ГУЛДАСТА**
- 60 Гулзорой Абдувосиева
Бобо қуёш сийлаган замин
- ТАҚВИМ**
- 61 Адабий тақвим
- САБОҚ**
- 62 Агар ўрганишни истамасанг...
Бернард Шоу ҳикматларидан
- 64 **АНА ШУНАҚА**

“Йўлбарс юрагини еган аёл”

Очерк



Жонажон Ватанимиз, олижаноб халқимизнинг ишончини қозониш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун фақат тинимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус кўрсатиб яшаш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ғафур ШЕРМУҲАММАД

1973 йили туғилган.

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Ёзувчи, драматург.

Бир қатор пьесалари мамлакатимиз театрларида сахналаштирилган.

Адабий асарлари асосида “Чавандоз”, “Аросат”, “Таъзиядаги тўй”, “Алданган аёл”, “Қудуқ”, “Барақасини берсин” каби фильмлар суратга олинган. “Саман той” китоби чоп этилган.

Нақл қилишларича, қадимда баъзи қорақалпоқ аёллари йўлбарснинг юрагига бошқоронғи бўлишаркан. Бўлажак ота бундан хурсанд бўлиб, қудратли йиртқични овлаш учун тўқайга йўл оларкан. Чунки йўлбарснинг юрагини тановул қилган онадан мард, баҳодир фарзандлар туғиларкан.

Бу бир ривоят, албатта. Бироқ асрлар давомида тилдан-тилга кўчиб яшаб келаётган афсона ва эртақларда ана шу нақл бот-бот тилга олинади. Халқ ўзининг севикли фарзандларини “йўлбарснинг юрагини еган онанинг зурриёди” дея алқашга одатланган.

Мўйноқ шаҳрида Манзура исмли бир аёл яшайди. Гарчи у ўтмишда яшаб ўтган момолари сингари ботир фарзандларни дунёга келтирмаган бўлса-да, одамлар уни “йўлбарснинг юрагини еган аёл” деб эъзозлашади. Манзура ўзининг метиндек мустаҳкам иродаси, тўрт мучаси соғ одамларга ҳам ибрат бўладиган матонати билан ана шундай эътирофга сазовар бўлган.

* * *

Мен Қорақалпоғистоннинг деярли барча шаҳар ва туманларида, чекка овулларида бўлганман. Содда, самимий одамлари билан дилдан суҳбатлашиб, уларга меҳрим ортган. Ҳатто бир гал сир-синаотларга қоришиб ётган Устюрт саҳросида уч-тўрт кун кезиш ҳам насиб қилган. Чек-чегарасиз кенгликнинг улуғворлиги мени лол қолдирган. Офтоб нурларида жилваланиб ётган Борсақелмас туз конининг эртақмонанд манзарасини ҳайрат билан томоша қилганман. Миллион йиллар бурун юз берган қудратли тектоник эврилиш натижасида пайдо бўлган Чинк жарликларидаги ғаройиб шакллар менга чексиз завқ бағишлаган. Судачье кўли бўйидаги баланд тепаликда туриб саҳрода қуёш ботишини кузатган пайтларимни ҳамон энтиқиш билан эслаيمان. Ўша лаҳзаларда Устюрт саҳроси тил билан таърифлаб бўлмас даражада гўзал қиёфага кирган эди.

Қорақалпоғистон – улуғвор юрт. Унинг бағридаги бепоеъ йўллардан юрган сари кишининг руҳи кўтарилиб, шавқи ошади.

Очиғи, қорақалпоқ заминини шунча кезиб, айнан Мўйноққа йўлим тушмаган экан. Мўйноқ ҳақида гап кетганда беихтиёр кўз ўнгингизда қуриган Орол денгизи, қумлар орасида занг босиб ётган кемалар манзараси намоён бўлади. Бу овлоқ масканни ўз кўзингиз билан кўргингиз келади. Мен ҳам ҳар гал қорақалпоқ сафарига отланаётганимда Мўйноққа ҳам боришни кўнгилга тугиб қўярдим. Аммо йўл узоқлиги, вақт тифизлиги боис ният-ниятлигича қолиб кетарди. У ерда умргузаронлик қилаётган Манзура Ерниязованинг жасорати ҳақида эшитганимдан сўнг

Бир пайтлар Орол сувларида сузиб юрган турфа хил балиқлар, денгиз қушлари, соҳилдаги тўқайларда яшаган ёввойи ҳайвонларнинг қотирилган жасади гўё сизга мўлтираб термилиб турибди... Уларнинг хира тортган кўзларида аллақандай савол қотиб қолганга ўхшайди. Бу сўроққа жавоб бера олмаслигингни ўйлаб эзиласан...

қарорим қатъийлашди. Ниҳоят, кузак охирлаган кезларда бу орзумиз ҳам ушаладиган бўлди.

Шанба куни тонг салқинида Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Муродбой Низанов билан бирга йўлга тушдик. Нукусдан Мўйноққача масофа қарийб икки юз эллик чақирим. Бунинг устига, кечқурун пойтахтга қайтишим лозим. Шошилишимиз керак.

Машинамиз шаҳар ва овуллар оралаб ўтган кенг, равон “Буюк ипак йўли”да бир маромда елиб боряпти. Атрофни қизиқиш билан кузатаман. Ҳар қадамда тараққиёт, янгилиниш нафаси сезилади: янги қурилган кўркем бинолар, бир текис саф тортган намунали уй-жойлар... Орада заминни баҳмал тусга бўяб улгурган ғалла майсалари кўзга ташланиб қолади. Шўр босган далаларга яхоб суви беришга тараддуд бошланган. Қорақалпоқ деҳқонлари ердан ҳосил олиш учун нечоғлик заҳмат чекишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қўнғирот шаҳрига етгач, ўнгга бурилган йўл бўйлаб кетдик. Яна юз чақиримдан зиёд юришимиз керак. Онда-сонда учраб турган экинзор далалар ортда қолиб, саксовул, туранғил каби саҳройи бута ва дарахтлар қуюқ ўсган чўл ҳудуди бошланди. Баъзан қирғовуллар узун думини ликиллатиб йўрғалаганча йўлимизни кесиб ўтади. Синчиклаб қаралса, ана шу оний лаҳзалик кузатувдаёқ бу қушнинг қанчалик чиройли эканини пайқаш қийин эмас. Айниқса, нар қирғовулнинг қора, қизғиш, сиёҳранг патлари ўзига ярашган.

– Қирғовулни чўлнинг кўрки дейишади, – деди Муродбой оға. – Кейинги пайтларда бу жониворлар анча кўпайиб қолди.

– Шоқол, тулки дегандай, кушандалари ҳам етарли бўлса керак?

– Қирғовул айёр қуш. Уларга осонликча тутқич бермайди. Жўжаларини ҳимоя қилишни ҳам билади.

“Бўрини йўқласанг қулоғи кўринади” деганларидек, худди шу пайт йўл четигаги улкан саксовул тагида малларанг тулки биз томонга ҳушёрлик билан қараб турганига кўзимиз тушди.

Чўл манзараси тароватли эди. Томоша қилган сайин кишининг баҳри-дили очилади. Одатда, одам бирор манзилга илк бор қадам қўйганида таассуротлари шунақа қуюқ бўлади.

Кун чошгоҳга чамалаганда Мўйноққа кириб бордик. Одмигина шаҳарча экан. Кўчаларда одам сийрак, машиналар кўп эмас. Қачонлар-

дир денгиз пўртаналарининг шовқинига қоришиб ётган бу манзил бугун анча сокин тортиб қолгандек. Балки менга шундай туюлгандир.

Дастлаб Орол денгизи ўрнида пайдо бўлган барханларни, унинг бағрида қумга қоришиб ётган кемалар қолдиқларини томоша қилдик. Уфққа туташиб кетган бу кенгликлар ўрнида бир пайтлар мовий денгиз мавжланиб турган.

Мўйноқ ўлкашунослик музейига кириб, жафокаш Оролнинг ўтмишидан ҳикоя қиладиган ашёларни бирма-бир кўздан кечирдик. Қурум босган лангар ва қайиқлар, чириб улгурган тўр ва қармоқлар... Девордаги суратларда эса поёнсиз денгизда саф тортиб сузиб бораётган кемалар флотилияси, балиқ тутаётган одамлар, тўлқинлар узра чарх ураётган оқчарлоқлар ва яна қанчадан-қанча ҳолатлар тасвирланган. Бир пайтлар Орол сувларида сузиб юрган турфа хил балиқлар, денгиз қушлари, соҳилдаги тўқайларда яшаган ёввойи ҳайвонларнинг қотирилган жасади гўё сизга мўлтираб термилиб турибди... Уларнинг хира тортган кўзларида аллақандай савол қотиб қолганга ўхшайди. Бу сўроққа жавоб бера олмаслигини ўйлаб эзиласан...

Туман ҳокимлигидан чиқиб келаётган ёш йигит билан саломлашиб, муддаомизни айтдик. У бизни ҳокимлик биносининг орқа тарафидаги ҳовлига бошлади. Пештоқига “Қорақалпоқ чевари Манзура” МЧЖ ёрлиғи осилган бино олдида ёшгина, истарали аёл бизга пешвоз чиқди. Танишдик: Манзура Ерняязова!

Ичкарига кирдик. Кенг-мўл хона жиҳозлари одатдаги хонадон манзарасини эслатади. Гилам, кўрпачалар ёзилиб, ўртада хонтахта қўйилган. Устида турли хил чизмалар, нақшлар, мато қийқимлари, журналлар сочилиб ётибди. Тўрдаги деворга ҳар хил дипломлар, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар осиб қўйилган. Хуллас, шинамгина хона.

Нариги томондаги каттагина залда бир гала қизлар компьютерлаштирилган замонавий тикув машиналарида матога бежирим нақшларни дарж этишяпти. Бир чеккада янги тикилган костюм-шимлар, келинлик либослари тахлаб қўйилган.

– Столда ўтириб ишлашни соғлиғим кўтармайди, – деди Манзура. – Шунинг учун бу хонани ўзимга мослаб жиҳозлаб олганман. Кун бўйи шу ерда ўтириб ишлайман.

Манзура самимий, киришимли аёл экан. Бир зумда суҳбатимиз қовушиб кетди.



– Мўйноққа биринчи марта келишингиз бўлса керак? – дея сўради у мендан.

– Ҳа.

– Музейга кирдингизми?

– Ҳозир ўша ердан келаяпмиз, – деди Муродбой оға.

– Орол кетгани билан ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Одамлар умид билан яшяпти. Туриш-турмушимиз ҳам баъзилар ўйлаганчалик ёмон эмас. Балки қачонлардир денгиз ҳам ортига қайтар...

Мен Манзура Ерняязовани юриш-туриши ва гап-сўзларидан дардмандлик аломатлари яққол сезилиб турадиган, кўрган одамнинг юрагини эзадиган яримжон аёл бўлса керак деб ўйлагандим. Ўзимча унга далда беришга, кўнглини кўтаришга чоғланиб келган эдим. Аммо қаршимда ҳаётдан кўнгли тўқ, шижоатли бир аёл жилмайиб турарди. Хиёл оқсоқланиб қадам босишини ва кўйлагининг ўнг енги шалвираб осилиб туришини ҳисобга олмаганда, унинг ногиронлигига ишониб қийин.

Бу орада қизлардан бири чаққонлик билан хонтахтага дастурхон ёзиб, қатлама нон, қўлбола сариёғ, асал, турли ширинликлар келтириб қўйди.

– Овиз тегинг, – деб Манзура бизни дастурхонга манзират қилиб, чап қўлда қайноқ сутчой қуйиб узатди. Эрталаб чой ҳам ичмай йўлга чиққан эдик. Иштаҳа билан нонушта қилдик. Иссиқ қатламага сариёғ суртиб еб, устидан сутчой ичганда танангиз роҳатланар экан. Қорақалпоқлар жуда меҳмондўст, бироқ ортиқча мулозамат қилишга одатланмаган. Топган-тутганини олдингизга чиқариб қўяди-да, бемалол суҳбатлашиб ўтираверади. Бизнинг ҳам суҳбатимиз дастурхон устида кўр олди.

– Корхонамизда ҳозирча 15 нафар хотин-қиз ишлайди, – деди Манзура. – Худо хоҳласа, келажакда каттароқ иморат қуриб, росмана текстил фабрикаси очмоқчимиз. Шундан кейин янаям кўпроқ қизларни ишга оламиз.

– Асосан нималарни тикасизлар? – сўрадим мен.

– Мактаб ўқувчилари учун костюм-шим, кофта-юбка, улар кўкрагига тақадиган мактаб нишонлари... Яқин орада коллеж ўқувчилари учун форма тикишни ўзлаштирамиз. Туманимиздаги шифохона ва боғчаларга ҳам буюртма бўйича махсус кийим-кечаклар, тўшаклар тикиб берамиз. Кейин, турмушга чиқаётган қизлар келинлик либосларига, кашта ва нақшларга буюртма беришади. Санайверсам, қиладиган ишимиз кўп. Қизларимиз жуда чевар. Ҳаммасига улгуради.

– Улар қанча маош олишади? – сўради Муродбой Низанов.

– Ўрта ҳисобда ойига етти-саккиз юз мингдан. Буюртма кўпайганда ундан ҳам кўпроқ...

– Мўйноқ шароитида бу жуда яхши-ку.

– Гапингиз тўғри, – деди Манзура. – Мўйноқ – овлоқ туман. Катта шаҳарлар бу ердан анча узоқ. Қизларимизнинг иш топиши осон эмас. Шунинг учун корхонамизга ишга киришга ҳавасмандлар кўп. Доим уларга “Мижозлар билан яхши муомала қилиб, ҳурматини жойига қўйинглар, чунки улар туфайли ишлаб, маош оляпсизлар”, деб уқтираман. Бу ерга келган одамлар ишимиздан рози бўлиб, раҳмат айтиб кетиши керак.

Орага жимлик чўкди. Асосий мавзудан гап очишнинг мавриди етган эди. Мен тарадудланиб ҳамроҳимга қарадим.

– Нима демоқчи эканингизни сезиб турибман, – деди Манзура сокин оҳангда. – Шу пайтгача бошқалар ҳам мендан шу ҳақда сўрашган... Майли, сизга ҳаммасини бир бошдан гаптириб бераман. Хуллас, мен 1981 йили Мўйноқда туғилганман. Шу ерда вояга етдим. Мактабда яхши ўқирдим. Ёшлигимдан журналист бўлишни орзу қилардим. Тўқсон олтинчи йили туманимизда очилган лицейга мени суҳбат асосида қабул қиладиган бўлишди. Кутилмаганда қаттиқ касал бўлиб, беш ой тўшакка миҳланиб қолдим. Лицейда аллақачон ўқиш бошланиб кетган эди. Тузалганимдан сўнг у ерга қайтиб боришга ғурурим йўл қўймади. Кейинги йилдан бизнес-мактабда ўқий бошладим. Институтга тайёргарлик кўраётганимда яна соғлиғим панд берди. Журналист бўлиш ҳақидаги орзуларим ушалмай қолиб кетди. Ўзи, болалагимдан кўп касал бўлардим...

Манзура ўн тўққиз ёшида қўшни Қўнғирот туманига келин бўлиб тушди. Эри “Нукус – Қўнғирот” йўналишида қатнайдиغان йўловчи поездида вагон кузатувчиси бўлиб ишларди. Дастлаб ҳаммаси жойида эди. Манзура уйда ёлғиз ўтиришдан зерикиб, кўпинча эри билан поездда Нукусга йўл олар, шу баҳона шаҳарни томоша қилиб, рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиб қайтарди. Шу тариқа орадан беш йил ўтди. Гарчи улар фарзанд кўришмаган бўлса-да, бир-бирини авайлаб яшарди. Лекин ҳаёт бир маромда кечмайди. Тақдир баъзан инсонни кутилмаган синовларга, оғир машаққатларга дуч қилиши мумкин.

2004 йилнинг 17 июль куни Манзуранинг ҳаётида даҳшатли фалокат юз берди. Ўша куни ҳам одатдагидек шаҳарга отланган эди. Перронда тезлик олаётган поездга шошилинич чиқа туриб бир зум ҳушёрликни унутди. Аёл кишининг станция узра янграган аянчли фарёдини поезд шовқини босиб кетди...

Манзура кўзини очганида бошдан-охир оппоқ тусда бўялган аллақандай хонада ётарди. Аъзойи-баданини чидаб бўлмас оғриқ қамраб олган, қимирлашга ҳам мажоли йўқ. Шуури карахтлашиб қолгани боис ҳеч нарсани эслай олмас эди.

– Ўшанда поезд ғилдираги ўнг қўлим билан ўнг оёғимни юлиб кетган экан, – дея хотирлайди Манзура. – Мени зудлик билан Қўнғирот шаҳридаги шифохонага олиб боришган. Бахтимга, Аҳмед оға исмли ажойиб жарроҳ бор экан, шу одам мени операция қилиб, ҳаётимни сақлаб



қолибди. Операциядан кейин роппа-роса ўн кун ҳаёт ва ўлим орасида осилиб, беҳуш ётган эканман. Кўпчилик врачлар мендан умидини узиб қўйишган. Эримга “Тараддудингни кўравер, хотининг барибир ўлади”, дейишган.

Ҳаётдан насибам узилмаган экан, омон қолдим. Бироз ўзимга келиб, юз берган воқеаларни идрок эта бошлагач, Аҳмед оғага раҳмат айтдим. “Сен менга эмас, юрагинга раҳмат айт, юрагинг жудаям бақувват экан, – деди у киши. – Йўқса, бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмасди”. Балки шундайдир. Лекин мен Аҳмед оғадан умрбод миннатдорман. У киши мени даволаб, ҳаётга қайтарди. Тушқунликка тушган пайтларимда далда бериб, кўнглимни кўтарди. Шу инсоннинг шарофати билан ўзимни ҳар томонлама тиклаб олдим. Ҳаётда шундай ажойиб инсонлар борлигини ўйласам, кўнглим ёришади.

Беш ой деганда шифохонадан чиқдим. Лекин қийинчиликлар ҳали олдинда экан. Ахир, йигирма уч ёшимда ногирон бўлиб қолганман. Кун бўйи ҳеч иш қилмай тўшакка михланиб ўтириш аёл киши учун жуда оғир экан. Рўзғор ишини қилиш у ёқда турсин, ўзим кўмакка муҳтожман. Эрим билан қайнонам навбатманавбат овқатлантириб қўйишади. Уларга тирик товон бўлиб қолганимни ўйлаб сиқиламан.

Ўйлаб-ўйлаб ортиқ бу аҳволда яшаб бўлмаслигини тушундим. Эрим билан очиқчасига гаплашиб олишга қарор қилдим. “Эркак кишига меҳр керак, – дедим унга. – Мен бу аҳволда сизга ғамхўрлик қилолмайман. Энди тақдирга тан бериб, ажрашганимиз маъқул”. У аввалига кўнмади. Пешонамизга ёзилганига рози бўлиб, бирга яшайверамиз, ўзим сенга ғамхўрлик қиламан, деди. Лекин мен қарор қабул қилиб бўлган эдим...

Ҳаличага баъзилар бу иши учун ундан домангир бўлишади. “Эринг номардлик қилди”, дейишади. Аслида унақа эмас. Ахир, у киши мени ташлаб кетгани йўқ, ўзим шуни истадим. Мен-ку эҳтиётсизлигим туфайли шу аҳволга тушдим. Лекин унинг айби нима? Бир умр яримжон аёл билан яшаб, қийналиб ўтиши керакмиди? Икковимиз беш йил бахтли яшадик. Ана шу ҳаётимиздан бир умрга татийдиган ширин хотиралар қолди. Менга шунинг ўзи кифоя...

Манзура келинлик уйи билан хайрлашиб, тўркинига қайтиб келди.

Бу ёғига иродасини қўлга олиб, осойишта ҳаёт кечиришни кўнглига туккан эди. Шу ниятда вужудидаги кемтикликка ҳам ўзини кўник-

тирди. Барибир осон эмас экан! Аслида, уйда ҳамма нарса бадастир. Шўрлик онаизор эртаю кеч атрофида парвона. Лекин юрагини аллақандай ноаён хижиллик тарк этмайди. Бот-бот “Менга нима етишмаяпти?” дея ўзини саволга тутлади. Аниқ жавоб йўқ. Манзура икки йил ана шундай маҳзун ҳиссиётларга берилиб, руҳан қийналиб яшади.

Ҳарқалай, бу орада бир қадар кучга кириб, қўлтиқтаёқда юришни ўрганиб олди. 2007 йили яқинларининг маслаҳати билан банкдан 600 минг сўм кредит олиб, бозордан битта соғин сигир харид қилди. Уни парваришлаб, сут-қатиғини кўни-қўшниларга сотиш билан андармон бўлди.

Бир кун кечқурун Манзура онасининг қуроқ кўрпача тикиб ўтирганига кўзи тушиб қолди. Унинг чаққон ҳаракатларини анча вақт



Ҳеч қачон аҳволимдан шикоят қилган ёки бировдан ёрдам сўраган эмасман. Ўзим танимаган-билмаган одамларнинг мен учун жон куйдириб, шунча пул тўплаганини эшитганимда йиғидан ўзимни тиёлмадим.

Уларнинг кўрсатган меҳр-оқибати менга қаттиқ таъсир қилди.

кузатиб ўтирди. Негадир шу чоққача ўзи бирор марта қуроқ тикиб кўрмаган экан. Беихтиёр кўнглида шу ишга ҳавас уйғонди. Эртаси кунёқ қўлига игна-ип олди. Лекин бир қўлда тикишнинг турган-битгани азоб экан. У матонинг бир учини оёғи билан босиб, иккинчи учини тишлаб, чап қўлда тикарди. Ана шундай машаққат билан кечгача иккита қуроқ кўрпачани тикиб қўйибди. Шунга яраша қуроқлари анча бежирим чиқди. Онаси унинг ишини кўриб хайрон қолди.

Шундан сўнг Манзура бу машғулотга бутунлай берилиб кетди. Аввалига қуроқларни шунчаки эрмак учун тика бошлаган эди. Кутилмаганда унга харидорлар пайдо бўлди. Қўни-қўшнилари, турмушга чиқаётган қизлар уйга келиб, буюртма берадиган бўлишди.

– Нега соғ пайтимда шу ишлар билан шуғулланмаган эканман, деб ўзимдан хафа бўлардим, – дея эслайди Манзура. – Кейинроқ онам билан дугоналаримга кўйлақлар тикиб бера бошладим. Мақтанишга йўйманг-ку, кўйлақларим ҳам хушбичим эди. Мен уларни бир қўлда бўлса-да, кунт билан тикардим. Шунинг учун бўлса керак, кўйлақларимга талабгорлар кўпайиб қолди.

Манзуранинг ҳаётига мазмун кирди. Эртадан-кечгача уйда ўтириб тикиш тикар, мато кўтариб келган қиз-жувонлар уйдан аримасди. Тез орада Мўйноқда яшайдиган иккинчи гуруҳ ногирони Муҳаббат исмли аёлни ҳам “бекор ўтирманг”, деб ёнига олди. Иккаласи завқ билан ишлар, кўпинча тонггача тикиш хонасида қолиб кетишарди.

Манзура табиатан куйинчак аёл. Қолаверса, бошига тушгандан кейин ногирон аёлга ҳаётда қанчалик қийинлигини англади. Уларни имконияти даражасида иш билан таъминлаш орқали ёрдам бериш мумкин, деган қарорга келди. Мўйноқда бошқа ногирон хотин-қизлар ҳам йўқ эмас. Ўзи яшайдиган маҳалла кўмитасида

маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган Роза Боймановага шу ҳақда гапирди.

– Гапиргизда жон бор, – деди Роза опа. – Яқинда Мўйноққа Ойзода Нуримбетова келади. У билан гаплашамиз.

– Ойзода Нуримбетова ким?

– Нукуслик таниқли модельер-дизайнер. Қорақалпоқ миллий либослари бўйича катта мутахассис. Нукусда “Чевар қўллар” деган шахсий корхона очган. Туманимизда уйда ўтирган аёлларни ишга жалб этиш бўйича бир ҳафталик семинар ўтказди.

Шундан сўнг Манзура нукуслик дизайнерни сабрсизлик билан кута бошлади. Ниҳоят, Ойзода келди. Манзура уни чорлаб одам юборди. Бироқ меҳмон ҳадеганда келавермади. Ноилож ўзи у ерга бориб, уйига бошлаб келди.

Ойзода Нуримбетова қахрамонимизнинг ишлари билан танишгач, беихтиёр йиғлаб юборди.

– Мени кечир, дугонажон, сени нотўғри тушунибман, – деди у ҳаяжонини босолмай. – Ногирон ҳолингга шунча ишларни қилибсан. Матонатингга қойил қолдим.

Шундан сўнг иккаласи қалин дўст бўлиб қолишди. Ойзода ундан ёрдами ва маслаҳатини аямади. У бир гал Мўйноққа келганида Манзурани туман ҳокимлигига бошлаб борди.

– Мен яқинда шахсий корхонамни ётиб, бошқа иш бошламоқчиман, – деди у ҳокимга. – Агар сиз Манзурага бирорта бино ажратиб берсангиз, корхонамдаги тикув дастгоҳларини унга совға қиламан.

Ҳоким ҳам бўш ётган уч хонали бинони таъмирлаб, Манзуранинг ихтиёрига берди. Тез орада бу ерга Нукусдан замонавий тўқимачилик дастгоҳларини олиб келишди. Манзура улкан контейнерларга жойланган дастгоҳларни кўриб, дафъатан кўзларига ишонмади. Шундай қимматбаҳо, ноёб ускуналарни бир ногирон аёлга беминнат тухфа қилиш унча-мунча одамнинг кўлидан келмайди. У Ойзоданинг тантилигига тан берди.

Энг қизиғи, тўқув дастгоҳларини эшикдан ичкарига олиб киришнинг имкони бўлмади. Шунинг учун бинонинг томини очишга тўғри келди.

– Ойзода Нуримбетова ажойиб модельер-рассом, – дея суҳбатимизга аралашди Муродбой Низанов. – Хитойдан тўқимачилик дастгоҳларини келтириб, қадимий либосларни тикишни йўлга қўйди. У “Қорақалпоқфильм” киностудиясида суратга олинган “Меҳригиёҳ” фильми



учун миллий костюмлар тикиб берган эди. Кейинроқ “Ойзода корхонасини ёпиб, дастгоҳларини сотиб юборибди”, деган гапни эшитиб хафа бўлдим. Қўнгироқ қилиб, уни уришдим.

– Дастгоҳларни сотмадим, – деди у қулиб. – Мўйноқлик бир ногирон аёлга совға қилдим.

– Ногирон бўлса, уларни қандай ишлатади? – дедим ажабланиб.

– Ўша аёл жисмонан ногирон бўлгани билан унча-мунча соғлардан зиёд. Мўйноққа йўлингиз тушса, у билан гаплашинг, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Шундан сўнг Муродбой оға аzza-базза Мўйноққа йўл олади. Матонатли аёлнинг ҳаёти билан танишиб, амалга ошираётган ишларини кўргач, унга меҳри тушади. Манзура Ерниязова ҳақида “Йўлбарс юрагини еган аёл” номли ҳужжатли фильм сценарийсини ёзади. Шу кунларда ана шу фильмни суратга олишга тайёргарлик кўриляётган экан.

Манзуранинг бугун Қорақалпоғистонда кўпчилик яхши танийди. 2014 йили “Ташаббус” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иккинчи ўринга сазовар бўлган. Ўша йили Президент фармонида биноан “Жасорат” медали билан тақдирланган. Чиндан ҳам, унинг ҳар бир кунини, амалга ошираётган ишлари жасорат намунасидир. Кейинги йили эса Нукусда ўтказилган “Ардоқлов” тановида “Йилнинг энг яхши хўнараманди” йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

Манзура сунъий протез оёқда юришга одатланган. Бу мосламани унга текинга беришганди. Бироқ, очиғи, сифати унчалик яхши эмас эди. Ҳаракатланишда анчагина ноқулайликлар туғдирарди. Лекин у шунисига ҳам шукр қилиб яшаб келаётганди. Икки-уч йил бурун Бахтиёр исмли бир йигит Манзуранинг ҳаётидан хабар топиб, интернетда унга хорижда ишлаб чиқарилган юқори сифатли протез оёқ харид қилишда кўмак бериш борасида акция бошлабди. Шу мақсадда банкда Манзуранинг номида махсус ҳисоб рақами ҳам очишибди. Унинг ўзи эса бундан беҳабар. Саховатпеша фермерлар, тадбиркорлар, оддий инсонлар баҳоли қудрат кўмак беришибди. Ҳатто хорижда ишлаётган юртдошларимиз ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмабди. Франциядан Ойгул исмли аёл 3 миллион сўм, Америкада ишлаётган Гулзода Нурибегова 3700 АҚШ дол-



лари миқдоридаги пулни унинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришибди. Қисқа вақт ичида 36 миллион сўм пул тўпланибди.

– Тўғриси, бунини кутмаган эдим, – дейди Манзура. – Ҳеч қачон аҳволимдан шикоят қилган ёки бировдан ёрдам сўраган эмасман. Ўзим танимаган-билмаган одамларнинг мен учун жон куйдириб, шунча пул тўплаганини эшитганимда йиғидан ўзимни тиёлмадим.

Уларнинг кўрсатган меҳр-оқибати менга қаттиқ таъсир қилди.

Манзура яхши инсонларнинг шарофати билан қулай ва сифатли протез мосламасига эга бўлиб, катта бир ташвишдан қутулди.

– Битта протез 36 миллион сўм турса, ўз оёғимизнинг баҳоси қанча экан? – дейди у ўйчан қиёфада. – Менимча, инсоннинг атиги битта бармоғи ҳам дунёнинг бор бойлигидан устун туради. Худо одамзодни мукамал қилиб яратган. Ҳар биримиз ўзимизни авайлаб яшашимиз керак. Кексалар бекорга “Тўрт мучанг соғ бўлсин” деб дуо қилишмайди. Мен эҳтиётсизлигим туфайли шу аҳволга тушдим. Шунинг учун ўзимдан хафа бўламан.

Манзура Ерниязова билан анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Самимий, фикрлайдиган аёл эканлиги гап-сўзларидан сезилиб турибди. Бирор марта ҳаётидан, бошига тушган синовлардан нолимади. Ҳолбуки, ҳамон саломатлигида муаммолар етарли. Озгина юрса толиқиб қолади. Туғма буйрак хасталиги тез-тез безовта қилади. Вақти-вақти билан Нукусдаги ногиронлар реабилитация марказида даволанишига тўғри келади. Лекин у ҳаётни борича қабул қилишга, қийинчиликларни енгиб яшашга одатланган. Иш билан овунади. Чевар қизлари билан янги режалар, ғояларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Янги бичимлар устида бош қотиради. Бу машғулот ҳаётининг мазмунига айланиб қолган. Бир сўз билан айтганда, бу матонатли аёлнинг машаққатлар ила кечаётган ҳаёти жуда кўпчилигимиз учун ибрат бўла олади. Манзура Ерниязова билан хайрлашаётганимизда шу фикрлар кўнглимдан кечди.

Мўйноқдан илиқ таассуротлар билан ортга қайтдик.

Нукус – Мўйноқ – Тошкент

Болаларга яхшилик

қилишдан ортиқ саодат йўқ

– Анвар ака, ҳар бир соҳада, айниқса, ижодда истеъдоднинг аҳамияти беқиёс, деймиз. Сизнингча, истеъдод инсонга туғма бериладиган илоҳий тухфами ёки кейин шаклландиган кўникмами? Истеъдодни тоблаш учун ёш ижодкор нималарга эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблайсиз?

– Истеъдод қондан қонга ўтадиган, айрим инсонларга бўнак сифатида бериладиган тақдирлов бўлса керак, деб юраман ўзимча. Балки, бирон-бир мақсадга тиришқоқланиб интилавериш, ўта меҳнатсеварлик орқали юксак малакага эришса бўлар; туғма истеъдод эгаси эса, ҳатто ялқовликда ҳам, эътиборни тортувчи қирралари билан бўлак ялқовлардан яққол ажралиб тураверади. Кишидаги истеъдод, асосан, заҳматлардан чўчимасликда, узлуксиз изланишларда, билимдонлар билан суҳбатлашувларда, баҳсларда, фаолиятдаги домий беллашувларда кун сайин тобланаверади. Парваришлаб борилмаган истеъдод экилганича қаровсиз қолиб кетган кўчатни эслатади.

– Ижодкорнинг характери унинг услубини белгилайди, деган гап бор. Демак, ёзувчи ёки шоир ўз табиатига содиқ қолиши, уни турли таъсирлардан асраб-авайлаши орқали, айтиши мумкинки, ўзига хос услубини шакллантиради. Шундоқ бўлса ҳам, барча ижодкорларнинг шахсиятида қайси жиҳатлар мужассам бўлиши шарт деб ҳисоблайсиз?

– Ола-була рангга бўялган мушук йўлбарсга айланолмайди. Биз ижодда, кимларгадир ҳавас қилиб, тақлид қилиб, ўзимизни бошқача кўрсатишга нечоғли уринмайлик, у ёки бу воқеликка муносабат билдиришда, барибир, кимлигимиз очилиб қолаверади. Ўзлигимиздан қолмаганимиз яхши. Сиз ҳақсиз – менлигига содиқ адибнинг ижод услуби, асосан, унинг характери ҳудудида шаклланади, озми-кўп ўзига хослик айнан шу жараёнда ҳосил бўла боради.

Ижодкор шахсиятида қандай жиҳатлар мужассам бўлиши кераклигига келсак, биринчи навбатда, қайси юртнинг фуқароси, қайси миллатнинг фарзанди эканлигини ҳаётда ҳам, ижодда ҳам куну тун ҳис қилиб

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон билан суҳбат

туриши шарт. Бадий адабиётдан ташқари, аввало, ўз элатининг кечмишига, маданий-маънавий меросига, буюк алломаларига, доврўкли арбобу саркардаларига оид тарихий асарлар билан имкон қадар кўпроқ танишиб бориши беҳад фойдалидир. Жаҳонни таниш ўзлигини танишдан бошлангани маъқул. Оддий одамлар билан кўпроқ бирга бўлиш адиб учун маҳорат академияси вазифасини ўташига шубҳам йўқ.





Шундагина, унинг ёзганлари ўзбекнинг оғайнисига айланади. Халқ тилидаги гўзалликларни, ибораларидаги теранликларни, писандаларидаги ўткирликларни ҳеч бир “имло луғати”дан, ҳеч бир “изоҳли луғат”дан, ҳеч бир илмий-маърифий асардан топиб бўлмайди. Уларни расмиётчилик соя солмагучи чапанича суҳбатлардан, улфатона чақчақлашувлардангина “ўмариш” мумкин.

– Самимият – адиб учун энг муҳим фазилатлардан бири, дейишади. Сиз ижоддаги самимиятни қандай тушунасиз?

– Ижоддаги самимият – ўз қурбинг даражасидан баландроққа сакрашга чиранмасликда, ўзингда йўқ нарсани бордек кўрсатишга уринмасликда намоён бўлади, чамаси.

– “Ажинаси бор йўллар” китобингиз айнан самимияти, рост ифодалари билан ўқувчини ром қилади. Шахсан ўзим ҳам китобнинг айрим жойларини яйраб кулиб, айрим жойларини йиглаб ўқидим. Асарда нафақат баъзи бировларни, ўзингизни ҳам аямагансиз. Ҳолбуки, биз ўқиган кўплаб мемуарларда муаллиф фақат ўзининг ютуқлари, ижобий фазилатлари ҳақидагина тўхталади. Сизнинг асарингизда эса

“Бобурнома”га хос тўғрисиўлик, мардона руҳни кўрамиз. Ўзингиз ҳақингизда бундай рост, очиқ китоб ёзишга сизни нима ундади? Агар имкони бўлганда, ана шу умр саҳифаларининг қаерларини ўзгартирган, қайта ёзган бўлардингиз?

– Бу асарда мени борини борича ёзишга ундаган асосий омил китобхонларни сирдош ошналарим деб тасаввур қилганим бўлса, ажабмас. Иложи бўлганида, яъни китобни ортиқча семиртириб юборишдан чўчимаганимда, энг аввало, ўтган умрим мобайнида менга холисона яхшилик қилган минг-минглаб кишилар тўғрисида бирма-бир тўхталган, зиғирдеккина муруват кўрсатганларни ҳам алоҳида ташаккурлар билан тилга олиб ўтган бўлардим. Кўлами, аҳамияти нечоғли эканидан қатъи назар, ҳар қандай яхшилик мукофотга лойиқдир.

– “Мукофот” деган гапингизни эшитиб, бир нарсга ёдимга тушиб қолди. Ижодкор дўстларимизнинг айтишича, Тошкент давлат педагогика университетида бўлган ижодий учрашувда кўп йиллар олдин Ёзувчилар уюшмасида масъул вазифаларда ишлаган ардоқли адибимиз Носир Фозилов сиз ҳақингизда сўзлаб, Анваржоннинг қайсарлик томонлари ҳам бор, уни икки-уч марта адабий мукофотга, бир марта ёшлар ташкилоти мукофотига лойиқ топганимизда, нимагадир, олмайман деб туриб олган эди, деган экан. Нима сабабдан олишни истамагансиз?

– Нега истамас эканман? Аслида, ичимда хоҳлаб турганман. Фақат, бунақа мукофотларни ўнчача китобим босилиб, анчагина танилиб бўлганидан кейин эмас, нашриётларга йўлим очилишида фойдаси тегадиган пайтларда, яъни иккинчи ёки учинчи китобим чиққанидаёқ беришлари керак эди, деб ўзимча аразлаганман, холос.

– Очигини айтсам, баландпарвозроқ жавобни эшитсам керак, деб тургандим. Кутилмаганда, уста Гулматдек тўғриси уни айтиб қўя қолдингиз. Дарвоқе, сиз кашф этган уста Гулмат, Кулкул афанди “девон”лари ўқувчилар орасида машҳур. Ҳатто адабиёт тарихида шундай мумтоз шоирлар ўтган экан-да, деб ўйловчи соддароқ мухлислар ҳам топилиб турганини биламиз. Бундай гаройиб асарларнинг туғилишига илқаввал нима сабабчи бўлган? Бундай ёндашув, услубнинг сизга берган қулайлиги, анъанавий ҳажвиётдан кўра устунлиги нимада? Ва яна бир савол – сизнинг

тасаввурингиздаги Гулмат ва Кулкул асосан нимаси билан бир-бирдан ажралиб туради?

– Гулматнинг туғилишига буюк Абдулла Қодирийнинг Калвак махзум, Тошпўлат тажанг ҳақидаги ичкакузди ҳажвлари сабаб бўлган. Шунақа чапанилар шоир бўлишга интилса, қанақа шеърлар тўқиган бўлардийкин, деб ўйладим-у, беихтиёр ёза бошладим. Бир-иккитасини бармоқ вазнида битдим. Нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Ўйлаб кўрсам, Калвак махзумга замондош бўлган “эскича шоир”га ғазал жанри кўпроқ ярашаркан. Арузга унча эпим бўлмаса ҳам, таваккалига ёзавердим. Гулмат қаҳқаҳаларининг анъанавий ҳажвиётдан фарқи, қулай томони (устун томони демаганимиз тузук) шунда эдики, ўн тўққизинчи асрнинг охирлари, йигирманчи асрнинг бошроғида яшаб ўтгандек таассурот уйғотувчи бу ясама шоир тилидан ўша саксонинчи йилларнинг қолипига сиғмайдиган анча-мунча тигдор сўзларни айтиш имконияти туғилганди. Цензурачилар улардан баъзиларини газета-журнал саҳифаларидан олиб ташласа-да, бу қадим замондаги гаплар-ку, деган баҳона билан ноширлар бир қисмини чоп этиб туришарди. Кейин, Гулматнинг невараси Кулкул афанди пайдо бўлди. Икковининг орасидаги асосий фарқ шуки, Кулкул афанди бувасидан кўра бирмунча замонавий.

– Ҳажвий шеърларингиз мумтоз адибларимиз ифодасига, тилига яқин услубда ёзилган. Бунинг сабабларини ҳозиргина айтдингиз. Бу усул ҳажвий адабиётимизда урфга айланди. Ҳатто қизиқчилар, аскиячилар ҳам шу йўлга ўтиб, одамларни қулдирган пайтлар бўлди. Бундай шеърлар бармоқ вазнида ёзилса, таъсир кучини йўқотадими?

– Бу ҳажвчининг маҳорати даражасига боғлиқ. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “Матмуса” туркумидаги ҳангомалари бармоқ вазнида битилган бўлишига қарамай, Гулматдан кўра машҳурроқ бўлиб кетди.

– Кичкинтойларга аталган бири фалсафий, бири юмористик шеърлар, болаларбоп ғазаллар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар – ижодингизнинг йирик бўғинлари. Катталар учун ҳам турли жанрда жозибадор асарлар битгансиз. Албатта, уларнинг ҳар бири сиз учун ниҳоятда қадрли. Аммо, шундай бўлса ҳам, айтинг-чи, агар сизга шулардан фақат бири билан шуғулланиш талаби қўйилганида, қайси бирини танлаган бўлардингиз?

– Сира иккиланиб ўтирмай, болалар шеър-иятини танлардим, албатта. Болаларга қўлдан келганча яхшилик қилиб яшашдан ортиқроқ саодат йўқ мен учун.

– Болаларга ёзиш ўта масъулиятли иш экани кўп бор айтилган. Чунки, эгри гоёли асар болаларнинг мурғак онгини бир умрга мажруҳ қилиб қўйиши мумкин. Шу боис, кичкинтой китобхонларга аталган шеър, ҳикоя, қиссалар қизиқарли бўлиши билан бирга, уларнинг моҳиятига улкан умуминсоний, эзгу гоёлар жо қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, сўрамоқчиман – ёш ўқувчиларга тақдим этилаётган асарга каттароқ фалсафий маъно юклашда унинг зерикарли, “огир” бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун адиб нималарга эътибор бериши, нималарга риоя қилиши лозим?

– Болага атаб ёзилаётган асарни овқат деб фараз қилсак, ўта иссиқ бўлса, оғизни куйдиради; ўта совуқ бўлса, ичакни шамоллатади. Аммо, икковидан ҳам хавфлироғи – буткул бемазаси, битта тузи паст асар болани китобдан умрбод безитиб ташлаши ҳеч гагмас. Шу боис, болаларга ёзаётганда, адиб ўзини уларга ўйинчоқ ясаётгандек тутиб, уларда бу нарсага қандай қилиб кўпроқ қизиқиш уйғотиш мумкинлигини, фарзандларимизни у нималарга ўргатиши билан алоҳида аҳамият касб эта олишини олдиндан чамалаб турмоғи лозим. Болаларга бағишлаб ёзишда кичкинтойлар тушунчасидан, уларнинг ўзига хос атворидан, одмигинга фикрлашларидан, ширингина, соддагина гаплашувлари доирасидан ортиқча узоқлашиб кетмасликка риоя қилиш талаб этилади. Энг қийини мана шунини уддалашдир. Болаларнинг табиатига ёт китоб болаларга қўшилиб “ўйнолмайди”.

– Китоблари ўнлаб хорижий мамлакатларда чоп этиб келинаётган номдор адибимиз Худойберди Тўхтабоев Ёзувчилар уюшмасида бўлган йиғинда ижодингиз ҳақида тўхталиб, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар катталар адабиётида қандай туб ўзгаришлар ясаган бўлса, Анвар Обиджон болалар адабиётида худди шундай инқилоб қилди, унинг асарларини аллақачон жаҳонга олиб чиқишимиз керак эди, деган гапларни айтди. Сиз ўзингиз таржима масаласига қандай қарайсиз?

– Ўзимдаги камчиликлардан бири – бошқаларнинг асарини таржима қилишга ҳафсалам йўқлиги. Маршакнинг беш-олтита шеърини



ўзбекчага ўгириб, қанча-қанча тотлигина сўзларни, кўркамгина ибораларни бировнинг шеърига ишлатиб юбордим-а, деб ичимда тихирланганим эсимда. Кейинроқ белорус адибаси Ольга Ипатова менинг “Аламазон ва унинг пиёдалари” китобимни, баъзи шеърларимни русчалаштириб, ўзининг бир қиссасини ҳам ўзбек тилига ўгиришимни сўраганида, йўқ деёлмагандим (унинг иши манзур бўлмай, Аламазон ҳақидаги асаримни, пича вақт ўтгач, ўзбекчани сувдек ичворадиган Зоя Тумановага бошқатдан таржима қилдирганман). Шеърларимни ўзбекистонлик, россиялик бир неча қаламкашлар русчага айлантириб кўришган. Очиғи, аксарияти кўнглимга ўтирмаган. Ўлмас Умарбеков (илойим, у кишининг охирати обод бўлсин) Ёзувчилар уюшмаси раиси эканида, мени йўқлатиб, болаларга аталган шеърларингизни русчага сўзма-сўз таржима қилдиринг, ўзим уларни Москвадаги нашриётга топшириб, китобингизни бостириб бераман, деб қолди. Шунда мен “ношукурчиликка ўтиб”, ўзимиздагилардан, москваликлардан тўрт-бештаси шеърларимни енгил-елпигина ўгириб юрибди, сиз айтаётган нашриётидагилар ҳам тўгламимни ўртачароқ таржимонларга бериши мумкин, то ўзимбоп таржимонни топмагунимча шошмай турсак майлими, десам, ҳайронланиб тикилиб қолганди.

Умуман олганда, мен, авваламбор, ўзбек болалари учун ёзаман. Аҳолимизнинг ўн миллиондан зиёдини ташкил этувчи фарзандларимизнинг, лоақал, юзтадан биттасига таниқли бўлиб олсам ҳам катта гап, менга шунинг ўзи етади, шунинг ўзи улкан бахт.

– *Маишхур швед болалар ёзувчиси Астрид Линдгрен 1978 йили “Тинчлик мукофоти”ни олиш чоғидаги нутқида болаларга жисмоний жазо беришининг жиддий оқибатлари ҳақида сўзлагач, Швецияда болаларни уриб жазолаш қонунан тақиқланади. Ёш авлод қалби ва руҳиятини яхши билган адиб сифатида айтинг-чи, бола тарбиясида қаттиққўллик ва эркалатишнинг меъёри, мезони қандай? Бугунги ота-оналар, ўқитувчилар йўл қўядиган энг асосий хатолар нималардан иборат, сизнингча?*

– Болаларнинг бахтли ҳаётини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш бутун дунёнинг, жумладан, мамлакатимиз раҳбариятининг-да диққати марказида бўлиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да болалар ҳақ-ҳуқуқига оид махсус бўлимлар ҳам бор. Декларациялар, қонунлар яхши, аммо ҳаёт бошқа нарса экан – айнан шу масалада ўзини жонкуярдек кўрсатиб келаётган баъзи давлатларнинг аскарлари бугун у ёки бу минтақада болаларнинг устидан аёвсиз бомба ёғдирыпти, уларни етимларга, қочқинларга айлантиряпти. Оламдаги барча болаларни ўз фарзандларининг, ўз ука-сингилларининг ўрнига қўйиб кўра оладиган меҳрли, оққўнгилинсонларни тобора кўпроқ тарбиялаб етиштира олсак эди, айрим зўравонлар бузиши мумкин бўлган қонунларни назорат қилишга тугалай ҳожат қолмаган бўлармиди...

Ўз фарзандларимнинг дастлабки тарбияга муҳтож даврлари менинг Тошкентдан иш топиш учун бир неча йил сарсонланиб юрган, иш топганимдан кейин ҳам, то уйли бўлгунимча, улардан олисда яшаб турган пайтларимга тўғри келгани боис, болани тўғри ўстириш бўйича уқувли оталар қаторига қўшолмайман ўзимни. Шунга қарамай, ушбу соҳа мутахассисларининг фикрлари, намунали оилаларни кўриб-кузатишдан ясаган хулосаларим, қадимий удумларимиз тубида ётган ноёб-ноёб сабоқлардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ота-оналар қаттиққўллик билан ёвузликнинг, эркалатиш билан талтайтиришнинг орасидаги чегарани аниқ ҳис эта олиши бола тарбиясида ўта муҳимдир. Ўйлашимча, биз ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлардан айримларимизнинг энг йирик хатомиз – ҳар бир боланинг феъл-атвориға қараб, ҳар бириға айрича-айрича муносабатда бўла олишни гоҳо тўқис ўринлатолмаймиз.

– *Жамиятимиз катта янгиланишлар, ўзгаришлар ичида яшайпти. Бугун мамлакатимизда адабиётга, китобга қаратаётган эътибор ҳар қандай зиёлини, айниқса, ижодкорни қувонтиради. Мана, яқинда устоз Эркин Воҳидовнинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Учрашув ва тадбирлар ҳозир ҳам ўтказилаяпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китобхонликни кучайтиришга қаратилган фармойиши эълон қилинди. Бундай амалий ҳаракатлар, шубҳасиз, сизни ҳам хурсанд қилгани табиий. Хўш, бу борада қалам аҳли қандай амалий иш қилиши зарур? Бу эзгу жараёнда ёзувчиларнинг иштироки, ҳиссаси қандай бўлмоғи керак?*

– Президентимизнинг суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов юбилейини байрамона нишонлаш тўғрисидаги қарори адабиёт аҳлининг қалбида катта кўтаринкиликни юзага келтирди, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Юракдан чиқариб хизмат қилсанг, бу юртда албатта қадр топасан, деган тушунча ўлкамиздаги ҳар қайси адибнинг бир кучиға ўн куч қўшиши табиийдир. Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг “Ижод” фондини ташкил этиш ташаббуси, аввало, адибларнинг фаолиятини кескин жонлантиришга кенг шароит яратган бўлса, бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китобхонликни кучайтиришга қаратилган фармойиши адабиётнинг халқимиз маънавиятини ўстиришга янада кўпроқ, самаралироқ хизмат қилишини янги, юксак босқичга кўтарди.



Айниқса, кутубхоналарни кўпайтириб, энг зарур китоблар, жумладан, болаларга мўлжалланган адабиётлар билан бойита боришга оид гаплардан бошимиз осмонга етди. Биз бу ғамхўрликларга жавобан юртдошларимизнинг, биринчи галда, ёш авлоднинг Ватан олдидаги муқаддас бурчларини чуқурроқ англаб етишига улуш кўшаверишдан, тинчликни, ҳалол меҳнатни, аҳил-иноқликни қадрлашга чорловчи асарлар яратаверишдан чарчамаслигимиз лозим. Бу жараёнда меҳнаткашларнинг ичига кириб, кўпроқ гурунглашиб турсак, уларнинг кўнглидаги гапларга оҳангдош асарлар яратсак, уларни янги-янги ютуқлар сари руҳлантираверсак, юртимизда амалга оширилаётган бири биридан улуғвор юмушларда ўз ҳиссамиз борлигидан ҳақли равишда фахрланиб юрадиган бўламиз. Ушбу йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб аталиши фақат бошқарув идоралари ходимларига эмас, биз ижодкорларга ҳам тегишлидир, деган фикрдаман.

– Умуман, ижодкорнинг халқ ичида бўлиши нималарда кўринади?

– Бу – адиб ёзган асарнинг мазмунида, моҳиятида намоён бўлади. Юзаки кузатишларга таяниб, бошқа китоблардан олинган таассуротлардан таъсирланиб битилган хонаки асар қуруқ чиқади. Сюжетлардан сюжет, фалсафалардан фалсафа яратиш ҳам осон иш эмас, лекин бадиий асардаги топилмалар, янгича фалсафий талқинлар қанчалик салмоқдор бўлмасин, китобдаги воқеалар реал турмушимизнинг аниқ-тиниқ манзаралари, тирикчиликдаги муаммоларнинг борлиқ майда-чуйда кўринишлари билан чамбарчас боғлана олмаган бўлса, ўқувчи адибнинг маҳоратига унча тан беравермайди. Ўзи чегачилик қилмаган эса-да, жилла қурса, чегачи билан ош-қатиклашиб юрмаган қаламкаш ўз асарига бу касб эгаси образини аралаштирмагани дурустми-кан, дейман-да. Қисқаси, халқнинг ичидан чиқиб келган адибнинг китоби халқнинг ичига осонроқ кириб бора олади.

– Етмишга тўлганингиз муносабати билан турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилляпти. Улардан олаётган таассуротларингиз тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

– Ўзимга, ижодимга қаратилаётган бундай самимий эътибордан хурсандман, албатта. Бу мамлакатимизда қалам аҳли эъзозлаб келинаётганининг яққол мисолларидан бири, деб

ўйлайман. Уюшмамиз раҳбарияти табаррук устозларим, қаламдош қадрдонларим, адабиёт ихлосмандлари иштирокида чиройли тадбир ўтказиб берди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ижодий фаолиятимга бағишланиб, республика миқёсида илмий-амалий анжуман ташкил этилди; пойтахтдагилардан ташқари турли вилоятларда яшовчи таниқли адабиётшунослардан айримлари ҳам ташриф буюришди, уларнинг асарларим ҳақидаги тадқиқотларини алоҳида китоб қилиб чиқаришди. Гоҳо, кўзларимга ишонгим келмайди...

Учрашувлар давом этиб турибди. Шулар ичида, ғойибона тарздаги кутилмаган бир учрашув юрагимни бошқача тўлқинлантирди. Андижон вилоятидаги кўзи ожизлар муассасасига қарашли кутубхонанинг Марғубахон исмли ходими кўнгироқ қилиб, мен ҳозир шаҳримиздаги 24-мактабнинг иккинчи “а” синфи ўқувчилари орасида турибман, телефонимиз радиокарнайга улаб қўйилган, болалар сизни туғилган кунингиз билан қутламоқчи бўлишяпти, деди. Ортиқча ҳаяжонланиб кетганимдан, лол туриб қолдим. Олдин, синф раҳбари Мухтасархон мени табриклаган бўлди, сўнг, ўқувчилардан баъзилари билан савол-жавоб қилдик, баъзилари шеърларимни ёддан ўқиб бера бошлади. Улардан биттаси, қатордан қолишни истамади шекилли, Анвар бобомники деб бошқа шоирнинг шеърини ҳам жаранглатиб ўқиб ташлади. Буни сезмаганга олган бўлсам-да, ўзимнинг болаликдаги қувлигим эсимга тушиб, шунақанги маза қилиб кулдимки!

Бундай тадбирларни уюштираётган ташкилотчилардан, менга чексиз эҳтиром кўрсатиб, қимматли вақтини аямай йиғинларга келаётган мўътабар устозу дўстларимдан, азиз шеърхонлардан жуда-жуда миннатдорман.

– Биздан вақтингизни аямаганингиз учун сизга ҳам раҳмат. Сиз каби атоқли адибларга ҳаваси келадиган, элга манзур ижодкор бўлишни орзу қиладиган ёшлар беҳисоб. Таҳририятимиз эшигини энг кўп тақиллатадиганлар ҳам ана шундай ёш, умидвор қаламкашлар. Уларга қандай тавсияларингиз бор?

– Ўзингизни адиб деб аташдан қўрқманг, ўзгалар сизни адиб деб атамаслигидан қўрқинг!

Ориф ТОЛИБ
суҳбатлашди.



Маҳмуд ТОИР,

Ўзбекистон халқ шоири.

1952 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети(ҳозирги
ЎзМУ)нинг ўзбек
филологияси факультетини
тамомлаган.

“Айт энди, юрагим”,
“Биз нечун учрашдик”,
“Муҳаббат шеваси”,
“Оқиб кетган армонлар”,
“Бармоқлар бодаси”, “Ҳақни
таниб”, “Юз тўртлик”, “Огоҳ
бўл, дунё”, “Отамнинг
ўкинчи”, “Шеърый ҳикмат”,
“Янги Тошкентнома”,
“Бедорларга беринг дунёни”
каби китоблари нашр
этилган.

Тонгги тилаклар

Саҳарларнинг сарин елидан
Яратганнинг саломи келар.
Майсаларнинг майин тилидан
Шабнамларнинг каломи келар.

Поклик эрур тонгнинг тилаги,
Уйгоҳ диллар увол кетмайди.
Тошдан эмас тошнинг юраги,
Туртиб қўйсанг, завол кетмайди.

Қуш билан қуш кўришар тонгда,
Ҳуш билан туш кўришар тонгда,
Худойимнинг хуш нияти бор,
Уйгон, деган бир гўзал бонгда.

Тинчлик тили – тонгги тилаклар,
Дилнинг гули – тонгги тилаклар,
Яхшиларга тонг дийдорининг
Оппоқ йўли – тонги тилаклар.

Тинчлик тили – тонгги тилаклар

Китоб керакдир


Суврат асли нурни сийратдан олур,
Сийрат эса илму ҳикматдан олур,
Одамдан эзгулик, муҳаббат қолур,
Саодат сайлига савоб керакдир,
Кўнгилинг майлига китоб керакдир.

Китоб – дил богида гулнинг рангидир,
Китоб – оташ ичра дилнинг рангидир,
У – қалбнинг камоли, ақл жангидир,
Кўкни кўзлаганга хитоб керакдир,
Ўзни излаганга китоб керакдир.

Ўқиган, уққанга эли эргашигай,
Оқил йўлга чиқса, йўли эргашигай,
Жаннатдай жилмайиб чўли эргашигай,
Савол юз очганда жавоб керакдир,
Жавоб жарангига китоб керакдир.

Китоб бу – осмоннинг ўзига нарвон,
Китоб бу – жаҳоннинг кўзига нарвон,
Тирик тарихларнинг сўзига нарвон,
Тунда талпинганга моҳтоб керакдир,
Кундай қулай десанг, китоб керакдир.

Олам оламлигин билмоқ учун ҳам,
Одам одамлигин билмоқ учун ҳам,
Қилни қирқ тилимга илмоқ учун ҳам,
Тигни тутгувчига шитоб керакдир,
Тугни тутгувчига китоб керакдир.



Даъват

Тонгги тилакларда Тангри тумори,
Гулларнинг ифори – елларнинг ёри,
Айт, кимни тутмайди бу тонг хумори,
Агар тош бўлмасанг тўлгонганмисан,
Аё дўст, уйгон сен, уйгонганмисан?

Кўздан кўзга кўчар нурлар чамани,
Оҳ, тонгги шабнамлар – дурлар чамани,
Кимни мафтун этмас гуллар чамани,
Кўз тикиб, энтикиб, қувонганмисан,
Аё дўст, уйгон сен, уйгонганмисан?

Қумрилар соз тутиб қошингда турар,
Қалдирғоч айвонда, бошингда турар,
Болари гул ўпиб, қандини урар,
Олов бўлганмисан, ҳеч ёнганмисан,
Аё дўст, уйгон сен, уйгонганмисан?


Бараканинг боши тонгдан бошланар,
“Уйгон, болам”, деган бонгдан бошланар,
Ҳалоллик кўнгилдан, онгдан бошланар,
Ҳуш бир ниятингга чулгонганмисан,
Аё дўст, уйгон сен, уйгонганмисан?

Ўзгалар бахтидан баҳра олган эл,
Қувонганни кўрса, қувончлари сел,
Сени тонгдан сафга чорламоқда, кел,
Ўзинг ўзлигингдан ҳеч қонганмисан,
Аё дўст, уйгон сен, уйгонганмисан?

Маъно

Парвоз учун дил керак бўлар,
Овоз учун тил керак бўлар.
Ёқай десанг гулрухсорларга
Ишқ ифорли гул керак бўлар.

Неки керак, боқсанг ўзингда,
Чирогинг ҳам ёқсанг ўзингда,
Ташна диллар дил жомин тутар,
Маъно бўлиб оқсанг сўзингда.



Кор

Тилак тоза бўлса, тошга кор қилар,
Қалам тим қародир, қошга кор қилар.
Меҳрки, кўнгилдан узилмай чиқса,
Кўздаги шашқатор ёшга кор қилар.

Оқибат – умримиз изидаги гул,
Мурувват – кўнглимиз кўзидаги гул.
Яхшилик коридан ким мурод топса,
Дунёга табассум сўзидаги гул.

Саодат сабоси савобнинг кори,
Бекка ҳам беминнат офтобнинг кори,
Бугдой нон йўқ жойда бугдой сўз топсанг,
Баъзан тиллога тенг жавобнинг кори.

Изсиз кетмагайдир дунёда ҳеч кор,
Тўғрини тўғри дер, инкорни инкор.
Вале, ҳар кишига бир кор ярашгай,
Яхшилик ёдида яшаш ифтихор.

Тавба

Илгадим ногаҳон тошлар шивирин,
Дилгир дил, эгилган бошлар шивирин.
Қабогим қалқитиб, кўзимдан оққан,
Юзимни ёндирган ёшлар шивирин.

Бу шивир шамолнинг шаклидан дарак,
Кўнглимнинг ноўрин жаҳлидан дарак.
Тавбалар тизлашиб турарди бунда,
Вужудим кеч топган ақлидан дарак.

Яллолар базмида экан бу дилим,
Хатолар азмида экан бу дилим.
Энди кўзёшидан нажот ахтариб,
Надомат назмида экан бу дилим.

Шеърга сиёҳ бўлди шу кўнгил қони,
Шу қалам учинда кўнгилнинг жони.
Тақрор айтса, тавба қабулмас, эй дил,
Бу тавба умрингнинг сўнги имкони.

Барқарор бахт

Шараф қайдан, шон қайдан келур,
Жони фидо авлод бўлмаса.
Айтгин, одам қандай юксалур,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Юзи ёруғ бир миллат қайда,
Олам билган бу қудрат қайда,
Бу шон-шухрат, бу давлат қайда,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Аждодларнинг охи тоғ бўлган,
Ҳар қунида минг сўроқ бўлган,
Борми, ахир, яйраган, қулган,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Дунёларга бўйлаб бўлурми,
Бахт ҳақида ўйлаб бўлурми,
Тинчлигимиз қуйлаб бўлурми,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Шукур, элим, бахтинг барқарор,
Тинчлигингга жонимиз тумор,
Қайда эди бундай ифтихор,
Ватан озод, обод бўлмаса.

Севги бор оламда нур албат бўлур,
Ҳам дилу қўл кўрки, гул албат бўлур.
Муҳаббат меросдир Одам Атодан,
Ҳар гулнинг булбули – қул албат бўлур.

Ҳар кўнгил бир олам, ўз тоғи бордир,
Ҳар кўнгил бир олам, ўз боғи бордир.
Қирсанг, дарвозасин аста чертиб қўй,
Бесўроқ таширфнинг сўроғи бордир.

Йўқлаб келса турналар, кўзларим хумор бўлар,
Қурей-қурейлаб ўтса, сўзларим тумор бўлар.
Соғинчларим самода қанот қоқар гўёки,
Умр берса бу дийдор ҳар баҳор такрор бўлар.

Куйган дил

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Куйиб кетганми ул, сиқим қул кўрдик.
Мартаба, дедилар, келдию кетди,
Ўшал мартабани биз бир пул кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Куйиб куйдирганми, бир булбул кўрдик.
Ногоҳ боғ оралаб келар эди ул,
Биз гулнинг қўлида даста гул кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Мутлақ абгор эди, ситам, сил кўрдик.
Қалб кўзинг кўрмаса, дунё тангу тор,
Кўнгилга сизмаган ажиб қил кўрдик.

Куйган кўнгилларда куйган дил кўрдик,
Чехрами ё офтоб, нур – бутқул кўрдик.
Бу иймон нуридир, дедилар бизга,
Ўзи синиқ эди, Ҳаққа қул кўрдик.

Тилим айтар: Маҳмуд, ҳикмат дилингдадир,
Дилим айтар: Маҳмуд, ҳикмат элингдадир.

Қаноат қонингда қатра топилгай,
Шукур қил, нафсингга эшик ёпилгай.

Кўз юмиб кўрганнинг дилингникидир,
Агар ҳикмат топсанг элингникидир.

Унутсанг арзийди унутгувчини,
Соғинч сил қилади лек кутгувчини.

Оқбадан париваш нигоҳи

Ҳикоя



Асад ДИЛМУРОД,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими.

1947 йили туғилган.

Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Осмоннинг бир парчаси”,
“Тош бургут”, “Сирли зина”,
“Шердор”, “Мулк”, “Гириҳ”,
“Тоғлар, сукут сақламанг”,
“Оқ аждар сайёраси”,
“Мезон буржи” қиссалари,
“Афросиёб сукунати”,
“Кўчки” каби китоблари
нашр этилган.
“Маҳмуд Торобий”, “Фано
даштидаги қуш”, “Пахлавон
Муҳаммад” сингари
романлар муаллифи.

Археологик қўриқхона саналмиш қадимий Афросиёб харо-
базорини кечаю кундуз қўриқловчи афсунгар: сочлари тўлин ой
шуъласидек шокила-шокила оқбадан париваш!..

Юраги тиг тилгандек симиллаб санчаётган Зарина ёнида тиз-
залаган ёлғиз ўғли – Арслон буржи остида туғилган Севинчакнинг
бўй-басти ва марҳум эри Ҳикмат Розикнинг даҳлиз деворида
осувли рангли суратига термила-термила қоронғилик қаърида сон-
сиз нигоҳи сокин чақнаётган сукунатни шу тахлит сифатлар эди.

– Нақадар ҳимматлисан, эй мушфиқ аёл!..

Ҳарир либосли оқбадан париваш нимадан-дир чўчиётгандай ийманиб аста шивирлади, дилбар мусиқадай ёқимли овози сокин ҳавода бир зум титрангач, Севинчак дилида акс садо берди.

Кучли дори таъсирида ярим тунда Зарина ниҳоят мизғиди, лекин ҳар хил кўрқинчли тушлар кўриб, уйқусида ҳам ҳаловати бўлмади, ажабки, негадир нуқул, Анушбий дили занглаган кас, дея алаҳлар ва ютқа лаблари қуруқшаб қарғанар эди. Тонг бўзармай суяги бешбаттар оғирлашиб уйғонди, лекин ҳеч бир тушини эслолмади.

– Доим шу одамга тиш қайрайсиз, сабаби нимада? – Қандайдир шубҳага кўмилган Севинчак маъюсланиб ғудранди. – Бир марта у қўли эгри муттаҳам дегандингиз, нима, отам қўлёмасини ўша ўғирлаганми?

Зарина ғашлик оғушида беҳол титранди, ахир, кўнглида қанчадан-қанча аламу армон, қайғу-ҳасрат ва надомат тоғдек уйилиб ётибди. Лекин улардан бирортасини сиртига чиқаришни истамас, аниқроғи, бундай қилишдан беҳад чўчир эди. Шу боис ҳозир Севинчакнинг саволлари жавобидан атай тийилди ва уни чалғитиш мақсадида Афросиёб тақдири беҳисоб ўткир нигоҳ ва бийрон тил соҳиби бўлган сукунат, яъни бадани симоб тусли малак тақдирига чамбарчас боғлиқ эканини майдалаб изоҳлашга киришди.

Севинчак отаси Ҳикмат Розик қўлёмаси масаласида Заринани, юрак хуружи тутиб қолмасин деган ўйда, бошқа қистовга олмади, қолаверса, онаси кўзларига қараб ичидагини андак билган, аниқроғи, оқбадан париваш нигоҳи орқали кўнглини ўқиган эди. Қайта-қайта уни овутиб ва доим таниқли олим эканини айтиб мақтанувчи Анушбийни лаънатлаб, ишга жўнаган заҳоти пойига оқбадан париваш пойандоз бўлиб тўшалди. Ҳайбатли қиёфага кирган сирли хилқат бутун Афросиёб, айниқса, оташпарастлар ибодатхонаси ҳамда жоме масжиди қолдиғи пешиди чарх ураётганди. Тез орада докторлик ёқлайдиган Анушбий назоратидаги мазкур нуқтада ҳозир яқинда ҳарбий хизматдан қайтган ва оддий ишчиликка ёлланган Муслим ёлғиз эриниб тер тўкаётганди. Қисқа салому алиқдан кейин Севинчак ҳам энг шимарди ва ёғоч дастали нозик куракча учини шўрлаган девор биқинига авайлаб ботирди ва ўша заҳоти бутун вужуди қулоққа айланди.

Эй ўғлон, қутлуғ тонгда Йўлбарс буржидан келган ваҳийга кўра, ҳозир руҳларимиз бирлашур!..

Оқбадан париваш Севинчак атрофида ипак каби эшилиб ва хушнуд нозланиб паймонаю патак эди. Муҳими, фалақдан ҳарорат ҳамда қувват ўзлаштирган сеҳрловчи мулойим овози ҳар бир қарич такрон ер, яъни ўзаро туташ букри дўнгликлар, эски пойдевор тошлари, парча-пуриш сополу гишт синиқларидан бир маромда томчилаб сизаётганди.

Севинчак сал илгари Зарина таъкидлаган жиддий эътирофни хотирлаган заҳоти ғалати орзиқди, жазирама иссиқда чатнаб оловланган қуруқ шоху шабба мисоли оловланган руҳи оқбадан париваш руҳига чирмашди. Сўнг ногаҳон туғилган нигоҳ илғамас дарё жисмини қайгадир оқизиб кетди ва ажиб сафар мобайнида аллаким "Самовий йўлбарс доимий мададкоринг" деган гапни муттасил уқтириб турди.

Севинчак сесканиб кўзларини очганда мўйлаби сабзалаган ва кўзлари ўтли чайиргина бўзбола эди; кўкрак қафасида жасур ҳайвон юраги потирлаб тепаётганди ва шовқину суронга тўла Сиёб бозорида бемалол ҳаммоллик қилиб юрарди. Зилдек қотни аравага ортаётганда бир тўда харидорни оғзига қаратиб сайраётган Анушбий эътиборини тортди. Рапида бетли бу одам доғули мойфуруш сифатида танилгани ва тошу тарозидан кўрқмай уриши ҳақида тарқалган турли ғийбатларни эсловдики, тагин руҳи оқбадан париваш руҳи билан бирлашди ва ўша заҳоти яралган жўшқин дарё вужудини Афросиёб қўриқхонаси сари элтиб ташлади...

Севинчак атиги бир неча сонияда қарийб ўттиз асрлик масофа бўйлаб сайр қилиб қайтганига ажабсинар ва миясида нуқул азизу авлиёлар олдида икки дунё бир қадам нақли ғимирлар эди. Сўнг Йўлбарс буржи йўллайдиган ваҳий ва оқбадан париваш афсуни асосида кечадиган ажиб саёҳатга эҳтиёжи муттасил ортаверди ва етти иқлим божига татийдиган каромат илму амалини тугал эгаллаган кимсага эврила борди. Ажиб ҳолатга ипсиз боғлангани сайин гуллаб-яшнаган даврини муттасил тушларида кўрадиган, муҳими, илгари Зарина ва Ҳикмат Розик астойдил суйган Афросиёб қучоғига янада зориқиб талғинар эди. Қадим заминга қадам босгач, волидаи меҳрибони беҳад оғир бетоблиги, падари бузруквори ёруғ дунёдан тобад кечиб кетганини эзилиб ўйларди-да, жами шодлигу ғамини бўлишишга тайёр назокатли оқбадан париваш нигоҳи орқали тева-ракка разм соларди.

– Эй Афросиёб, сен буюк армонсан!..

Тасодифан волидасини топган етимдай хаприкадиган Севинчак наъраси кўксидаги самовий йўлбарс юраги тубидан бутун Афросиёб хароботини уйғонишга ундаб отила чиқар, мовий бўшлиқни тебратгач, ой ва юдузлар ошенини кучар эди. Навбатдаги иш кунини ҳам шу йўсин бошлагани учун ҳимматли оқбадан париваш олқишини қозонди, хушламай қимирлаётган Муслимдан эса нордон дакки эшитди. Салдан кейин у патаклаган сочлари чангини қоқиб, кўҳна тарих сиймосида чандиқ бўлган бу маконни қайтиб елкаминг чуқури кўрсин тарзида кесатиб жуфтакни ростлади. Севинчак оғриниб кескин кўл силтаган эдики, рўпарада Анушбий кайфияти созлигида ҳамиша замона Тўмариси деб эркалайдиган сарв қоматли ва хушсуврат малак Комила бўйлади.

– Опажон, яқинда сукунат афсуни ёрдамида ҳали Искандар Зулқарнайн кўшини топтамаган навқирон Афросиёбни зиёрат қилдим ва сизни Зардушт ҳайкали ёнида кўрдим!..

– Аввалги ҳаётимда ҳайкалтарош бўлганман!

– Нақадар омадлисиз, опажон!..

– Барчамиз кечмиш адосимиз, аммо у бизга асло зор эмас! – Комила мулойим кулди ва кафтидаги тупроқни ўтди. – Отангиз Ҳикмат Розик асарларига шу фикр сингдирилган!

– Раҳматли тақдирдан қониқмай ўтган!..

Севинчак ногаҳоний хитобида Ҳикмат Розик археология жабҳасида жуда эрта танилгани, алоҳида мавқе эгаллагани ва кейин омади чаппа қайтганини назарда тутганди. Чиндан ҳам, у йигирма бешга тўлмай Афросиёб кечмишига доир долзарб мавзуда диссертация қоралаганди. Аммо негадир бирдан астрология йўналиши дилига чўғ ташлаб, ўйламай-нетмай химояни ортга сурди-ю, фалак буржлари билан тақдирлар ўртасида мавжуд алоқадорлик ҳамда бу жараён самаралари устида тадқиқот ўткази бошлади ва такрорий умр категорияси бўйича алоҳида назария яратди.

Ҳикмат Розик моддияту руҳоният доимий равишда ўзаро бирдам эканини аниқ далиллар воситасида қатъий исботлади ва натижада давридан анча ўзишга эришди. Бироқ куйиб-пишиб илгари сурган муҳим нуқтаи назари йўқдан бору бордан йўқ бўлмас ақидаси асосида суяги қотган зеҳни пўстак қитмир зотлар, жумладан, ўзини дангал бўлажак даҳога менгзовчи Анушбий зарбасига учради.

Ҳалиги ақидани оғишмай ёқлайдиган нуфузли намояндалар пинжиги суқулишни чўтлаган Анушбий тинмай Ҳикмат Розик учун чоқ қазийверди ва охири у мудҳиш хатар ташийдиган ёт мафкура лайчаси деган мазмунда махфий органга юмалоқ хат йўллади. Натижада жонини қақшатиб, тинкаи мадорини қуритувчи тергов бошланди. Тинтув чоғида китоблари орасидан Авесто ва Қуръони Карим топилгач, бир йўла шўрига шўрва тўкилди: фирқалик хужжати топиши ва қўлга киритган шухрати тепасидан мағзавага эврилиб ағдарилди. Ўлиги тайга ўрмонида кўмилгани ва почта бу ҳақда мавҳум мужда етказгани, айниқса, аламли эди.

Қабри қайдалиги номаълум Ҳикмат Розик қамалган кунига қадар кўп маблағини келажак учун муносиб мерос бўлишга ярайдиган бой кутубхона яратишга сарфлаганди. Севинчак ҳамиша бўш вақтини деразасидан оқбадан париваш мўралаб кўядиган ана шу кутубхонада кечирар ва баъзан кечалари айлана жавондек қадрли диванда ухлар эди. Жавонда эъзозлаб сақланадиган ва Ҳикмат Розик имзо чеккан кўкиш муқовали қалин рисола жону дили ва юпанчи эди. Кўп олимларни ҳайрат ва ғазабга солган мазкур жилдда гўё ибтидоий даврдан то ҳозиргача Афросиёб билан бирга неча бор ўлган ва тирилган сукунат яшириниб олганди. Айни пайтда тасаввуф ва астрология таълимотлари, хусусан, такрорий умр категорияси, комил ва жоҳил руҳлар, ўзаро ўхшаш воқеалар, қайта кечадиган умрлар, шодлик ва мусибат тушунчалари моҳиятини шарҳларди, қолаверса, нақд миллиард хаёл қучолмас галактика чегаралари бўйлаб сочилган беҳисоб сайёралар ҳам сукунат иродасига бўйсунуши ва уларда ердаги барча нарсанинг эгизаги мавжуд бўлиши тўғрисида ноёб маълумотлар тортиқ қилар эди...

Севинчак диаметри миллион километрли қуёшдан миллион баробар йирик қайсидир номаълум юлдузда қиёфадоши яшаётгани, Атлантика ёхуд Ҳинд уммонлари чайқалиб ётгани, Ниагара шовваси пишқираётгани, Эльбрус тоғи юксалиб тургани, Аму ёки Сир дарёлари шарқираб оқаётганини тахминлаб беихтиёр жилмайди. Яна бир карра кўҳна дунё мўъжизалар ўчоғи эканини чамалар экан, Афросиёбнинг белига белбоғ мисоли ўралган иланг-биланг йўлни чангитиб оҳиста елаётган зарғалдоқ тусли енгил машина узун-қисқа сигнал чалди ва ҳадемай ибодатхона билан жоме масжиди қолдиғи биқинида илкис қалқиб тўхтади.

Тойчоқдек безатилган темир уловдан имиллаб тушган олтмиш ёшлардаги барваста қоматли киши – археология институти бўлим мудири Анушбий ичи бураб оғриётгандек безовта бўлаётганди. Негадир теварагига таҳликали аланглар, жавдираб тепакалини силар, ёқасига туфлар ва кўксини чангаллаб тўрсаяр эди. Сўнг локланган туфлисини чангга беламаслик учун шошилмай илгарилаб, Афросиёб хилватларида хуфя истиқомат қиладиган жодугардан куйиниб нолиди.

– Сукунатни айтяпсиз-да, устоз! – Комила улкан жаҳоншумул сирни фош этаётгандек ҳаяжонланди. – Марҳум Ҳикмат Розик астрология илмига доир мақоласида уни оқбадан париваш деб таърифлаган!.

– Ойим қиз, агар хотирам алдамаса, дастлаб бу иборани Зарина истеъмолга киритган! Қуриб кетсин, сукунат жуда ёвуз ва қадимда қонга беланган қўллари билан мени ҳозир бўғаётир!

– Йўғ-е! – деди Комила ташвишланиб.

– Қачондир Ҳикмат Розик илгари сурган астрологик мотивларни яксон қилиб ташловдим. Кейин билсам, у ҳақ экан! Энди эса самовий сайёралар иродасига кўра тақдирлар такрорланиши ҳодисасига ишонаман ва бугун ўзим иккинчи ёки учинчи умримни яшаётганимга аминман!.

– Илгари мойфуруш эдингиз ва бошқа касбдаям ишлагансиз! – Севинчак сендақа буқаламун нокаслар уруғига қирон келсин маъносидатишларини ғичирлатди ва ҳужум бошлади. – Энди эса олимсиз, йўқ, олим эмас, хашаки косибсиз!.

– Ўв галварс, миянгнинг қатиғи ачиб қопти-ку!

Севинчакнинг учирқлари ойнадек тиниқ ёз осмонини титратган қалдиروقдай таъсир қилгани боис Анушбий ўлардай довдиради ва ўта забун аҳволини яшириш пайида беўхшов ҳиринглади. Назарида ҳозир қаршисида ашаддий рақиб ўқрайиб турарди. Чиндан ҳам, Зарина олти ойлигида етимхонадан олиб тарбиялаган ва ўрис тугроғи ютган эри Ҳикмат Розикнинг фамилиясига ўтказган бу турқи совуқ разилдан ҳар балони кутиш мумкин. Лекин ўзи асранди фарзанд эканини ҳалигача билмайди. Қурмагур Зарина қўлзма можаросини юрагига сиғдирилмай оғзидан гуллаган кўринади. Ваҳоланки, Москвадан фан номзоди бўлиб қайтгач, агар жонингдан умид қилсанг тилингни тишлайсан, тарзида захрини сочар

экан, пойига йиқилганча барисини дилида нариги дунёга олиб кетишга қаттиқ ваъда берган ва манови сўтакни ҳамиша қўллаб юришини ўтиниб сўраган эди...

– Агар камолга етишни истасанг, бетимга бунақа сагчима!.

Тўнини бутунлай тескари кийган Анушбий талаффузида мен она сутидай покман ва тангри таоло иноятига биноан осмонни ушлаб турган устунман қабилидаги маъно пинҳон эди. Айни пайтда тўрсайганча Севинчакни чаёнга менгазади ва бу худбин мени чақмай мен уни чақишим мақсадга мувофиқдир, деб қўйди ичида...

Севинчак кўҳна дунёда рости ёлғон ўзаро қоришиб кетганини тарозига солаётганда оқбадан париваш қўриқхона узра ҳарир сочларини майин-майин ёйиб ташлаган эди. Ҳаял кечмай Йўлбарс буржидан куёш нуридан қолишмас тиниқ шуъла пирпираб ёғилгач, жўшқин руҳини Севинчак ва Анушбий руҳига пайвандлади. Бехосдан туғилган нигоҳ илғамас дарё осуда пишқирди ва кўпириб тоша-тоша мозий қатламлари сари интилди.

Севинчак энди беҳад олис ғуборли масофани ўзидек беихтиёр жодуланган Анушбий ҳамроҳлигида босиб ўтди ва бирламчи ҳаёти учун хос муҳим давр иссиғу совуғига аралашиб кетди. Энди у фақат қорин ғамида ҳаммоллик билан шуғулланувчи соддагина ўсмир эмасди, аксинча, мушт уриб тоғни талқон айлаш ва ҳар қандай хушрўй санамни изида куз япроғи мисоли сарғайтиришга қодир баҳодир бўлиб, Спитамен қўшинида мардона хизмат қилар ва навқирон Афросиёб сари қилич яланғочлаб келган фотиҳ Искандар калласини сагчадек узиш учун қасам ичган эди. Мудом зийракликни қўлдан бермай, охири сарой котиби Анушбий шаҳарни ташқарига боғлайдиган махфий ер ости йўли тарҳини босқинчи саркардага еткизгани ва ундан беқиёс сийлов олишга эришганини аниқлади.

Спитамен фармонида кўра, Анушбий қаттол дор сиртмоғида типирчилаб узилган пайтда ғаним қўшинидаги илғор қисмлар ер ости йўлидан навқирон Афросиёб ичкарасига кириб улгурган эди. Жасур ҳимоячи аскарлар ёнида Севинчак шердек ўктамона савашди ва охири дайди камон ўқидан яраланиб инграб йиқилди. Жасадлар орасида беҳол ётаркан, бетига ногоҳ оқбадан париваш нафаси урилди ва дарҳол руҳлари ўзаро қовушди. Жисму жонини ажиб инқилоб чулғанган дамда негадир Анушбий исмли мурдорга бошқа

сира ишим тушмаса керак деб шивирлар, айна пайтда олис масофани тагин бирга босиб ўтаётганини сезиб турар эди...

Севинчак ақлу идроки, онг-шуури ва қалбини ўраб-чирмаган афсундан қутулганда Афросиёбни ботаётган қуёш тафти чулғаганди. Негадир Комила кўринмади: уйига жўнаган бўлса керак. Арпаси хом ўрилгандек тўрсайган Анушбий машина моторини чуқалаб овора эди. Гоҳо чор атрофга тулкидек ҳадиксираб боқарди ва тангасимон кўзларини бирламчи ҳаёти давридаги мудҳиш гуноҳи учун дорга тортилган пайтда борлигини титратган талваса қамрар эди.

Севинчак пихини ёрган Анушбий яқин орада бажарган қинғирлик олис кечмишда хуфя адо этган манфур қилмиши олдида урвоқ ҳам эмаслигини чамалаб хитланди. Мунофиқ банда гуллаб-яшнаган Афросиёб харобазорга дўниши учун замин яратгани, бугун эса уни кавлаб ярасини янгилаётганини ўйлагани сайин анордек эзилди ва ҳовлилари дарвозасидан масту аласт каби довдираб кирди. Ошхонада кечки овқатга уннаётган Зарина кўтчиб қизарган ранг-рўйига тикиларкан, Афросиёбда ғаламис Анушбий билан тўқнашгани ва ўртада жиддий нохушлик кечганини тахминлади.

Зарина тобора диққати ошаётган Севинчакни қорнингни тўқла ва ҳордиқ ёзгин деб даҳлизга чорлади. Имиллаб дастурхон тузаётиб, девордаги Ҳикмат Розик суратига беихтиёр қаради-ю, илкис кўксидан нимадир портлаб, шуури ойсиз кечадек қоронғилашиб, қирмизи патгилам тўшалган саҳнга шалвираб қулади. Шошлинч ёрдам машинаси касалхонага етказганда ҳадемай жони узиладигандек беҳол ингранар ва гоҳо мени хиёнат юҳо янглиғ ютмоқда, деб алахлар эди.

Сочлари қировлаган даволовчи врач кучайтирилган режим хонаси эшиги олдида уйқу-сираб, онаси аҳволи анча яхшилангани ҳақида хабар берганда тун яримлаган эди. Кўнгли анча жойига тушиб, енгил тортган бўлса ҳам уйга қайтмади, тонг қуёшини шу ерда оқбадан париваш суҳбатини тинглаб бедор қаршилади. Энди дарҳол онаси ёнига кириши, илиқ сўзлар айтиб уни юпатиши, умр эгови саналмиш икир-чикирлар ва ғийбатларни унутишга чақириши лозим. Сўнг гурунг орасида албатта Ҳикмат Розик қўлёзмаси тақдирини эзғилаб суриштиради, негаки, беҳад мўътабар мерос саналган ўша хазинани, чиндан ҳам, Анушбий ўмарганми ёки

худодан тонган бошқа ярамас нусхами – аниқ билиши ва кейин гуноҳқорни жазолашу ҳумордан чиқиш тадбирини кўриши лозим.

Севинчак мақсадини айтиб ҳар қанча ёлборса ҳам, навбатчи ҳамшира сира эримади ва қовоқ уйиб йўлини тўсди, негаки, оддий пала-тага ўтказилган заҳоти онаси тагин ақлу ҳушини йўқотганди, агар ҳаловати бузилса баттар оғирлашиб қолиши мумкин эди.

– Укажон, кейинча психиатр текширсин. Қаттиқ ботмасин-у, ўзини сал анақароқ тутуди. Айтимлари қизик: Афросиёб улкан андух ва армон қаърига дафн этилган сирли майит эмиш! Тоабад уни буюк гувоҳ сифатида афсунгар сукунат кўриқлармиш, ёпирай!..

Ниҳоят сўйлашдан тийилган ҳамшира одамзод феълү атворини тушуниш қийин маъносидан ингичка қошларини чимирди ва хизмат столи ойнаси тагидан юпқагина кўкиш конверт олиб узатди. Кўнглига буткул қил сиғмай қолган Севинчак конвертни очмай шартта буклади-ю, енгил калта кўйлаги чўнтагига тиқиб қўйди. Онаси битган мактубни тинчроқ жойда ўтириб, хотиржам ўқиш муддаосида эди. Аммо ҳардамхаёл бўлиб қолгани сабабли беш-ўн қадам босмай ниятини унутди. Оқбадан париваш толим-толим ҳарир сочларини бўйнига ўраб эркаланаётган дамда Анушбий ибодатхона ва жоме масжиди қолдиғи олдида бесўнақай қўлларини белига тираганча Комила зиммасига муҳим вазифа юклаётган эди. Ёзги жазирамадан сақланиш учун тикланган омонат шийпондаги қўлбола столга ёзилган пушти дастурхонни иштаҳа кўзгайдиган турфа нозу неъмат бегадани ва бу ризқу насиба бирор ажиб ҳодиса даракчисига ўхшарди..

– Хўш десак, ўтоға¹ атрофини кенгроқ очиш керак! Казо-казо қадимшунос олимлар жамоаси Тошканди азимдан келиб, унинг ҳақиқий илмий баҳосини бериш иштиёқида!..

Қачондир абжир югурдаклар тайёрлаган ғўла-саржин қатори пайғамбар Зардушт ўртага ташлаган Эзгу сўз, Эзгу фикр ва Эзгу амал йўриқлари ўзаро бирикиб ёнган ўтоға Комила ва Севинчак изланишлари натижасида тўсатдан топилган ва катта шов-шув кўзгаган эди.

– Аммо иш бўри эмаски, ўрмонга қочса, Катинка! Сиз туғилган кун баҳона бир мириқиб яйрасак! Ана, дастурхон мунтазир! – Анушбий одатига кўра тепакалини силай-силай шийпон сари йўналди. – Хўш, барака топкур, Севинчак, сен ҳам қувончимизга шериклаш!..

¹Ўтоға – оташпарастлар ибодатхонасида мангу олов ёнадиган махсус ўчоқ.

Асалдай тотли лутфу эҳсондан янада гул-гул очилган Комила "қариса ҳам қуюлмаган бу одам" деган ўйда чимирилди ва шийпон пешида минғирлаб ивирсиётган ғўлабир кимсага зимдан разм солди. Ҳакка бурунли ғалати нусха думкашак эканини Севинчак дарҳол пайқади ва ичида нимадир кирпи мисоли ағанади. Шифохонада жон талашаётган Заринани эслай-эслай ёғоч курсига чўқар экан, Йўлбарс буржи йўллаган ваҳидан илҳомланган оқбадан париваш кўнгли иқлимини ишғол қилди ва кўҳна дунёда эзгулик бўстонидадан жаҳолат жари кўпроқ учрашини таъкидлаб қўйди.

Тозидек абжир думкашак ўзини хотиржам тутаётган Анушбий имосидан кейин майдон талаб айлаган полвондек шишинди ва косагуллик қилишга киришди. Кичик давра ҳурмати учун эгилиб таъзим қилгач, тўлатиб ўткир май қуйилган гулдор финжонни боши баробар кўтарди, аёлдек нозланиб жилмайди-да, кутилмаган томоша охирини кутаётган Севинчакнинг тумшугига ўнглади. Думкашак Анушбий ва Комила сари юзланган ҳамано Севинчак оқбадан париваш нигоҳидан ажиб маънолар уқиб рағбатланди. Мана энди Анушбий ёқлаган номзодлик диссертацияси аслида отаси Ҳикмат Розик Афросиёбда олиб борган мушқул изланишлар меваси эканини тўла ошқор этиш мавриди келди, ихтиёрида гумону тахминдан бошқа тайинли далили бўлмаса-да, бу хусусда кесиб-кесиб дадил сўйлаши керак.

Қисиниб-қимтиниб ўтирган Комилани мақтовга кўмган ва нутқини "Эрта жами илм аҳли сизга топиниши учун ичамиз" қабилида яқунлаган Анушбий илжайиб жойига кўнғач, Севинчак шердек сапчилаб кўзгалди. Чексиз афсусга кўмилиб, хиёл оқарган лабларини қонатгудек тишлаб, шоду хуррам қарсақ чалган думкашакни ғиппа бўғди ва ҳалиги финжон гирдини аста лабларига тегизди.

– Бир томчиём қолмасин.

– Насибанг ўзингга буюрсин, укажон!

– Борини айтмасангиз, оғзингиздан қуяман!

– Майга секин таъсир қилувчи оғу ара-лаштирдим!

– Ана холос! Хўш, нечун, мулойимхунук ака?!

– Манови бойвачча муносиб сийлайман деб авради!..

Хасу хашаги тамом очилган Анушбий гарангдай талпанглаб шийпондан узоқлашган думкашак ортидан тириклай пўстингни шилмасам ва ичига сомон тикмасам отим ўчсин

маъносида мушт дўлғади. Думкашак тилини ғалати ўйнатиб мазахлар экан, бир кулиб, бир куяётган Севинчак даҳоликка даъвогар зотни илкис тепиб қулатди, додлаб ёлборса ҳам пинак бузмай, қазув чоғида йиғилган шўрхоқ тупроққа бўғзигача кўмди ва қаҳру ғазабини умуман тиёлмай қичқирди.

– Биродар, ҳозироқ барисига иқрор бўлинг, йўқса манови майни ичишга мажбурсиз!..

Афросиёб кўриқбони таъқиби остида чириган увада латтадек титилаётган Анушбий аввал лаб ёрмай ўқрайди, сўнг, "Ҳеч қачон ундай гумроҳлик кўчасига оёғим тегмаган" деб асабий тўнғилладик, баттар жаҳли кўзиган Севинчак илкис том бўйи сапчилади ва тердан ивиб танасига чиппа ёпишган енги калта кўйлаги тугмаларини шошилиб ечди. Финжонда совуқ йилтираётган майни дағ-дағ учаётган Анушбий оғзига қуйиш қасдида эгиларкан, нигоҳи кўйлак кассасидаги конверт қиррасига қадалди ва ундан чиққан бир парча қоғозда битилган сўзлар гўё бирдан даҳшатли ҳасрат алангасига эврила-эврила бутун жону жаҳонини аёвсиз куйдириб қул қилди.

"Азиздан азиз нуридийдам, тунов куни кўнглимни бутунлай тўқиб, андак енгил тортиш илнжиди эдим. Аттангки, ниятим ушалмай доғи аламда азият чекдим. Кўндан буён сени тамомила омаддан қисилган Ҳикмат Розик, кўлёмаси тақдири қизиқтиради. Лекин агар қуриб кетгур муаммо фақат шундан иборат бўлсайди, кўнам эзилмасдим ва охират сафарига хотиржам жўнардим.


Кучу гайратим борида мен ҳам бинойидек мозийшунос эдим ва етарлича қониқишим учун олимлик кифоя эмаслигини тушунардим. Кўп аттангки, аввалги ҳаётимдаги каби, бунисида ҳам тирноқдан қисилдим ва кўпинча ярадор қарчиғайдек бўзлаб ҳамда худога ёлбориб тонг оттирдим. Қаттол мусибат Ҳикмат Розик бўзбола пайтида орттирган оғир дард оқибати эканини билгач, ноилож тақдир ҳукмига бўйсундим. Муолажа режасини тузаётганда у тухмат балосига учраб беш йилга кесилди ва хоки бегона юртда қолди. Мотам либосида тинмай йиғлайвериб букилаёздим ва ёшим қуриди. Ёруғ дунёдан наҳот бефарзанд ўтсам деган аччиқ армон бағримни ёқаётгани боис, охири инону ихтиёримни институт ва кўчада соямга айланган Анушбий илқиға топширдим. Оддий никоҳ тўйидан кейин бир ярим ой аҳилу иноқ яшадик ва у қўққисдан сувга

чўккан тошдек йўқолди. Марҳум Ҳикмат Розик игна билан қудуқ қазигандай қийналиб ёзган, тиши кавагида асраган ва мен учун ҳам қиммати баланд бўлган қўлёмани тунда ўғирлаб қочибди. Асил мақсади худбинлигу нобакорлик экани етти ухлаб тушимга кирибдими дейсан. Чексиз пушаймонда ўртана-ўртана зарчадек саргайдим ва лекин қаники суд айласа!

Валломат тобуткашим, ўша қўлёманда жамланган илмий қарашлардан унумли фойдаланган Анушбий Москвада диссертация ёқлаб, Самарқандга қайтган кунда сен пахмоқ сочи дуркун ўсмир эдинг. Ҳеч қандай бедодлик рўй бермагандек, нокас олимча бетига етти қават чарм қоплаб, атрофимда яна парвона бўлиш учун интилди. Бироқ тутқич бермай, қахру газабимни бағрига найза янглиг санчдим, муҳими, ўла-тирила сени яширдим ва охири асранди ўғлим деб кутулдим.

Эй кўнглим чироги, илму урфон ва ҳақиқат излаб, қабоҳат дунёсида адашган Ҳикмат Розик фамилияси шаънинга ярашади. Аммо томирларинг бўйлаб фидойи инсон тафаккури яратган кашфиётни ўзлаштирган фириб одами қони оқаётганини қандай изоҳлашни билмайман. Қодир эгам илоё ёрлақаб, доим имонинг гавҳарини покиза асрагайсан ва чорасизлик домига илинган мен муштипарни кечиргайсан!.."

Агар ҳозир мўъжиза рўй берса ва шундоқ кўз ўнгида Афросиёб харобаси ўрнида аввалги навқирон шаҳар қад ростласа Севинчак бунчалар ажабланмас ва эсанкираб ёқа ушламас эди. Бехосдан сокин оловланган оқбадан париваш мулойим овозда пичирлаб овулар экан, баттар эзилди ва темир парчаси мисол чўғланган ёноқларини дувиллаб шўртак ёш ювди. Сўнг



кўзлари олдига қора парда тортган ва дилини рутубатга буркаган мактубни аста шиқирлатиб фикимлади ва бир четга иргитди.

Ниманидир пайқаган Комила хатни жавдираб ўқиётганда Севинчак ҳалиги финжонни шийпон устунига уриб синдирди, аллатовур ўксиниб ва инграниб депсингач, оғзини каппа-капта очиб хириллаётган Анушбийни тутқунликдан бўшатди-ю, илонизи сўқмоқ бўйлаб чопа кетди. Ҳадемай исмсиз туйғуларга чулғаниб, эҳромга ўхшаш тепаликка ўрлади ва чор атрофни оқбадан париваш нигоҳи орқали паришон кузата бошлади...



Не қилайин
сенинг била,
ЭЙ ТИЛ...



**Зухриддин
ИСОМИДДИНОВ,**
филология фанлари
номзоди.

1953 йили туғилган.
Тошкент давлат
университети (ҳозирги
ЎзМУ)нинг журналистика
факультетини тамомлаган.
“Туркий эпос ва таржима”
рисоласи чоп этилган. 200
га яқин илмий мақолалар
муаллифи. А.П. Чеховнинг
туркум ҳикояларини ўзбек
тилига таржима қилган.

Давлатли она тилимиз “давлат тили” бўлганидан бери, эҳ-ҳе, қанча-қанча қовун пишиғи ўтди. Ўшандан бери бу масалада амалга оширилган ишлар ҳам бир талай. Дарров бўлмаса ҳам, қимирлаган қир ошар деганидек, рўёбга чиқаётган ишлар кўп. Мен ўзимга таниш бир мисолни айтай: ҳозир юртимизда китобларнинг мутлақ кўпчилиги ўзбек тилида нашр этилади. Ҳолбуки, бундан ўттиз йилча илгари Ўзбекистонда чиқадиган китобларнинг ярмидан кўпроғи русча бўлар, тиражи ҳам ўзбекча китобларга қараганда бир неча баравар ортиқ эди. Ўзбекча бирор асар нари борса 50-60 минг нусхада чиқса, рус тилидаги романлар 120-200 минг нусха чоп этилар, яъни “марказ”ники камдай, Ўзбекистон ҳисобидан ҳам русча китоб нашр этилиб, бошқа ёқларга олиб кетилар, одатий ҳол шу эди.

Бошқа тармоқларни ўзингиз қиёслаб олаверинг.

Ана ўша оғир бир муҳитда она тилимиз бўғилаётганини ўзимиз сезиб-сезмай юра берган эканмиз. Бағрикенг элмиз, биринчи ва иккинчи она тили бор ажойиб халқмиз, деб ўзимизни овулар эдик. Бир ҳикоя ўқиганман. Унинг қаҳрамони бўлган ҳинд йигити Деҳлига келиб, ҳинднинг ҳинд билан инглиз тилида гаплашаётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлиб кетади.

Аммо... бизнинг ҳам шунга етиб қолаёзганимиз сир эмас-ку!

Не қилайин сенинг била, эй тил?

Жиҳатингдан менинг ичим қондур, –

деган эди Бобур мирзо. Ўша замонда ҳам тил борасида қай бир қусурлар бўлгандирки, шоирнинг дили ўртанган. Аммо у даврда одамлар ўз исми-шарифини ўз қўллари билан бошқа тилга мослаб битмаган бўлсалар керак, ҳар ҳолда? Бугун ўзбек тилидаги бир тиббий китобга кўзим тушди. 2005 йили, “Давлат тили ҳақида”ги қонун чиққанидан ўн олти йил кейин чоп этилган рисола экан. Муаллифи икки киши: Шаагзамов билан Гулямова...

Тилбузарлик

Ори рост, она тилимиз бой тил, унинг бугунги тараққиётидан ҳам фахрлансак арзийди. Негаки, жаҳоннинг энг машҳур адиблари ижодига мансуб дурдона асарларни ўз тилимизда ўқиш имкониятига эгамиз. Илм-фаннинг ўнлаб соҳаларига оид билим ҳам ёшлар онгига она тили воситасида жо бўлаяпти.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг "ғалаба рапортлари"га берилмаслик ҳақидаги талабини кенг жамоатчилик, халқимиз мамнуният билан кутиб олди. Таъбир жоиз бўлса, бу талабни бедорлик бонги дейиш мумкин. Биз ҳам шу қабилдаги яшасинчиликдан ўзимизни сал фориг қилиб, тилимизнинг аҳвол-руҳиясига разм соладиган бўлсак, унда бирталай муаммолар тўпланиб қолганини ҳам кўришимиз мумкин. Зотан, тараққиётнинг шартини – ўз ишига танқидий нуқтаи назардан қараб, уни тинимсиз такомиллаштиришдир.

Тилни нима бойитади, яъни ҳар бир миллий тилнинг бойлиги нималарга боғлиқ бўлади? Содда қилиб айтганда, икки нарсага – тилдаги луғат бойлиги ва ифода имкониятларининг кўпчилигига. Бу ҳам нисбий маънода, албатта. Муайян халқ тилининг бойлиги хусусида гап кетганда, ўша тил тараққиётининг айни пайтдаги даражасида жамият ҳаётининг исталган соҳасидаги билимни аниқ ва лўнда ифодалаш имконияти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига қараб ҳукм чиқарса бўлади.

Луғат, яъни сўз хазинасидан фойдаланиш тўғрисида мулоҳаза қилар бўлсак, биласиз, ҳар бир сўзнинг ўзига ярашур юки бор – сўз маъно ташийди. Демак, ҳар бир сўзга ўз ҳолига яраша маъно ортиш керак. Баҳайбат "КамАЗ"га битта ойнаванд жавонни юкласангиз, манзилга боргач, бир арава ўтин тушириб оласиз. Билъакс, ўн қоп шолғом "Нексия"га ортилса, машина абгор бўлади. Сўз ҳам шундай. Буни ҳисобга олмасак, "КамАЗ"-лик чоғи бор сўзлар қуруқ арава опқочгандай шалдираб, маъносиз товушга айланади, бирваракай икки-уч маънога масъул қилинган сўзларнинг эса сўлоғи чиқади.

Ёзувчилар, олимлар, журналистларнинг ижодий фаолияти давомида тилга янги сўз ва ифода шакллари кўп кириб келади. Илмда булар неологизм дейилади. Бироқ ҳар қандай неологизм ҳам тилни бойитиб, ижобий ҳодиса бўлавермайди. Қаламкашлар баъзан сўзнинг туб маъносини билмаслиги ёки ўзи юкламоқчи бўлган янги маънони ифода этадиган бошқа бир сўз борлигидан беҳабар бўлиши ҳам мумкин экан.

Шоирларимиздан бири ёзади:

*Қадим тийин топсак, қувонар эдик,
Ногоҳ хазинага келгандек дучор.
Энди-чи? Миллион-миллион ўптириб,
На номус қиламиз, ва на ундан ор.*

Ўзбек тилида хазинага... дучор келинмайди, дуч келинади! Балого, қирғинга, ёмонликларга дучор келиш деса, бошқа гап. "Дуч" билан "дучор" сўзларидаги шаклий ва маъновий яқинликларни фарқлаш ўрнига уларни қориштириш номақбул неологизмни юзага чиқарган. Ёки шу тўртликдан яна бир мисол: миллионлаб пулни ўмартиш мумкин, ўптириб бўлмайди, тошқин сув эса қирғоқларни ўптиради, ўмармайди! Наинки, халқ тилини халқ шоиридан ҳимоя қилишга тўғри келса?

Ҳозирги кунда сўзларга ўзгача маъно юклаш, сўз биладан деб кўкракка уриш касали авж олди. Нафақат оддий журналистлар, ҳатто ёзувчиларнинг асарларида ҳам галат ифода шакллари бодраб кетди.

"Анча" деган сўз бор. "Хийла", "кўпгина" дегани. Аммо дилидаги туйғулар тўлиб-тошиб кетган палла баъзи қаламкашлар "анча"га қаноат қилмай, унинг маъносини янада орттириш мақсадида "анчайин"ни қўллашадик, бу алдоқчи шаклдир, чунки "анчайин" "анча" дегани эмас. Аксинча, шунинг тескарисини – "шунчаки", "арзимас" деган маъноларни билдиради.

Мисол кўп, мақсад эса уларни келтира бериб, сизни зериктириш эмас.

Сиз айтишингиз мумкин: айрим ҳолатларга қараб хулоса қилманг, деб. Тўғри, аммо ана шунақа "айрим ҳолатлар" йил сайин кўпайиб, тилбузарлик, тил билмаслик оммалашиб бораётган бўлса-чи?

Ўзбек тилидаги ўзбекча эмас гаплар

Телефон жиринглайди. Кўтарасиз. "Дилнозани мумкинми?" деб овоз беради бир қиз. Дилнозани... мумкинми... Бу нима дегани? Ўзбекча қилиб, "чақириб берсангиз" ёки "уйдамиди" деса... айб бўладими? Қариндошлар хайрлашаркан, "Майли, биз томонга ҳам келинглар", деб бир-бирига тайинлайди. Биринчиси русча "ладно" (бўпти)нинг нобот таржимаси. Аслида, "майли" – бирор нимага рухсат беришдир. Ўзбекчада "келинглар" (приходите) эмас, "боринглар", дейилади.

Маҳалла фуқаролари йиғини (сход граждандан махалли)га чиқасиз. Бу ерда сизга эртага келишни тайинлашади: аллақайси иморатнинг очилиш маросими бўларкан, у ҳашар йўли

билан (путь+ём хашара) қурилган экан. Қаранг, маҳалла ўзбекники, ҳашар ўзбекники бўлса-ю, маҳалла идораси деб айтмаймиз, ҳашар қилиб қурилган демаймиз. Шунақа оддий, ўзбекона қилиб айтсак, асакамиз кетади, шекилли.

Тўловлар эса “пул ўтказиш йўли билан” амалга оширилган экан, “пул ўтказиб” десангиз, саводсизга чиқасиз. Чунки унинг гўёки асли “путь+ём перевода денег” экан.

Гап оддий сўзлашув нутқидаги хатолар ҳақидагина эмас. Матбуот тили хийла дудуқ бўлиб қолди, радио ва телевидение вакилларининг нутқидаги сакталиклар эса қонунийдай тус олди. Чунончи, спорт шарҳловчиси тўрт футболчи дейиш ўрнига, “тўрт нафар футболчилар” деб сайрайди. Сабаби, русларда “четверо футболистов” бўлади. “Тўп билан Фарҳод Тожиев” дегани ҳам “с мячом...”нинг ўғирмаси, чамаси, тўп Фарҳод Тожиевда деса, гўё ўхшамай қолади.

“Сен эртага кел, яхшими?” дейди ўртоғингиз (Завтра приходи, хорошо?). Бунинг ўрнига “хўпми” (дурустми, бўптими, тузукми...) деса, нима қилади? “Вилоятимизда бу йил эллик иккита мактаблар таъмирдан чиқарилди”, “Йигирма уч нафар мутахассислар иш билан таъминландилар”, “қарор ижросини таъминлаш”... Буларнинг бари рус тилидан нўноқ таржима, ажабки, биров бунақа “таржимон”нинг мушугини пишт демайди.

“Под руководством”, “под редакцией” каби калималар худди ўшандоқ шаклда “раҳбарлиги остида”, “таҳрири остида” деб ағдариб қўйилади. Ахир, раҳбарлик ёки таҳрирнинг ости бўлмас эди-ку ўзбекчада?! Усти ҳам. “Текширишларни ҳисобга олиш китоби”ни варақланг, дафтар эканини кўрасиз. Рус тилида китобга... ёзиш мумкин, бизда эса китоб ўқилади, дафтарга ёзилади. Бунақа мисоллар урчигандан-урчиб ётибди.

Булар ўзбек тилидаги, аммо ўзбекча бўлмаган ифода шакллари. Ажаб, ўзбек тилида бўлса ҳам айб топаверамизми? Албатта. Чунки “Давлат тили ҳақида”ги қонун чин рўёбга чиқиши учун иш юритиш қоғозларининг матни ўзбек тилида бўлишининг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Бу – ишнинг дастлабки, қуйи босқичи. Улар ўзбек тилидагина эмас, ўзбекча – ўзбек одам она тилида ёзганидай бўлиши ҳам шарт. Бунинг учун Олий Мажлис чиқарадиган (қабул қиладиган эмас!) қонун лойиҳаларидан тортиб, то кўча-кўйдаги эълонларга қадар – бари аввалбошдан ўзбекона ифода тарзига тўлиқ риоя қилган ҳолда тайёрланиши керак.

Бу қай тарзда амалга ошади? Назаримда, бунинг учун бутун юртимизда

Ўзбек тили муҳити юзага келтирилиши керак.

Хўш, “ўзбек тили муҳити” нима дегани?

Буни англаш учун бир-икки таниш манзарани ёдингизга солай. Исталган такси ёки “маршрутка”га чиқинг, дарров магнитофондан ажнабий кўшиқ қўйиб беришади, машинасидаги аудиоускуна гумбур-гумбуридан кўчалар ларзага келадиган йигитлар ҳам асло ўзбекча куй-қўшиқ эшитмайди, уни замонадан орқада қолганлар учун, дейишади. Иккала қулоғига беш-олтитадан зирак тақиб, қолмишига “сотка”нинг шнурини тикиб олган қизлар ўзбекча куй-қўшиқларни тинглаб кетяпти, дейсизми? Ўйлаб қоламан: миллатимнинг кўпчилиги қандай куй-қўшиқларни эшитяпти? Мана шунга қараб халқнинг менталитетини, бу менталитет қаёққа қараб бурилаётганини аниқласа бўлади.

Тошкентнинг Гафур Фулом метро бекати ёнидаги интернет-кафега бир иш билан бош суққан эдим, ортимдан етмишларга яқинлашган опахон кириб келди. Компьютерчи йигитдан бир хат ёзиб, электрон почтадан жўнатиб беришини сўради.

Йигит “Бизда бунақа хизмат йўқ, аммо гап бунда ҳам эмас, одам кўп, шунинг учун иложи йўқ, кечирасиз”, деб шарҳи ҳол қилди. Шундан кейин бу ўзбек кампир “А чег...” дея ўрисчалаб сўроққа тутиб, пайдарпай савол ёғдира бошлади. Вақт кетяпти, десангиз. Охири мен аралашиб, “Опахон, ҳеч жаҳонда ўзбек ўзбекка ўрисча гапирадими, ўзбекча сўрайверинг, галати-ку?” дея танбеҳ берувдим, опа яна ўрисчалаб бир нималар деб тўнғиллади-да, компьютерхонани тарк этди.

Ташқарига чиқсам, ўриндиқ қўйилган экан, ўтирдим. Ёнгинамдаги музқаймоқ дўконининг бозори чаққон. Шим кийган, қорни қопдай осилган кампирлару бўялган тирноқлари бир энлик қизлар яхакижон ялаб ўтмоқдалар. Иккала қўлига биттадан “сотка” ушлаган ўта ишчан қиёфадаги йигитлар ҳам оралаб қолади. Бари ўзбек, барининг гапи ажнабий...

Тавба, дейман ўзимга ўзим. Қаерда яшаяпмиз? Тўғри, “Тил билган – эл билади” деган ажойиб мақолимиз бор. Аммо “эл билиш” учун, аввало, ўз она тилимизни яхши билишимиз, унинг ҳурматини жойига қўйишимиз лозим эмасми?!

...Ўн уч-ўн тўрт ёшларда эдим. Бобом шаҳар четидаги далага қовун-тарвуз эккан, ёзги таътил маҳали куним ўша ёқда ўтарди. Йўлнинг нариги томонида, сал ичкарироқда кўпроқ бошқа миллат вакиллари яшарди. Бир куни шом пайти ўша уйлар томонда шовқин кўтарилди. Кетмонни ташлаб, чоғиб борсам, бир қирғиз аёл билан бир татар хотин айтишиб ётибди. Атроф тўла одам. Текин томоша-да. Нақ бирор соат уришишди. Охири жанжалкашларнинг жағи толди, чарчашди, ҳангоматалаблар ҳам бирин-сирин тарқади. Бу икки “хўроз” аёл ҳам пировардида бир-бирини энг аччиқ қарғишлар билан “сийлаб”, уй-уйига кириб кетди. Қоронғи майдонда бир ўрис кампир ёлғиз қолди. Мен орқароқда турган эдим, кампир пайқамасди. Бояги жанжал оғир таъсир қилди, шекилли, турди-турди, кейин бир уҳ тортиб, “Тавба!” деб қўйди-да, уйига йўл олди.

Бу воқеанинг хотирамда қолганига сабаб, бояги ўрис кампир “Боже мой!” демади, “Господи!” ҳам демади, “Тавба!” деб юрагини бўшатди. Ўзбеклар ичида туғилиб, умри ўзбеклар ичида ўтган бўлса, нима ҳам десин?! У ёғини сўрасангиз, оралари бузилган анови татар хотин билан қирғиз аёл ҳам бир-бирига тушунарли бўлиши учун ўзбекча уришган, иккови ҳам беихтиёр шуни танлаган эди. Ана шу – ўзбек тили муҳитининг бир лавҳаси.

Ўзбек тилида гапириш бошқа-ю, ўзбекча гапириш бошқа, жумланинг сўзи ўзбекча, аммо шакли русча бўлса, энг ёмони мана шу. Шунинг учун ҳам ўзига ўзи “Тавба!” деб айтган ҳов ўша ўрис кампирни мен интернет-кафеда учратганим етмиш яшарли суюғи ўзбек, аммо дили бегоналашиб кетган “узбечка”га қараганда ўзбекроқ деб биламан, миллатим вакили деб санайман.

Бундай муҳитда одамлар она тили стихияси бағрида яшайди, шу тил табиатига мувофиқ фикрлайди ва бир-бирига ўзбекона ибораю ифода-лар билан муомала қилади. Бундай муҳитда тақдим этилаётган ахборотнинг ўзбек тилида бўлиши ёки асл ўзбекча бўлиши эса аллақачон босиб ўтилган босқичга айланади. Бундай муҳитда тил барқ уриб ривожланади, одамлар исталган жойда ўз тилида гапиришдан ийманмайди, ўзгалар тушунармикин деб истиҳола қилмайди, балки ҳузурланиб нутқ ирод этади.

Мақом қайси тилга берилган?

Бу саволни кимга берманг, ҳамма билиттифоқ ўзбек тили давлат тили мақомига эга, деб айтади. Тўғри, шундоқ, аммо бир аммоси бор. Ўзбек тили

дегани катта тушунча. Хоразм шеваси ҳам ўзбек тилига киради, Тошкент лаҳжаси ҳам. Давлат тили деган мақом эса умуман ўзбек тилига эмас, **ўзбек адабий тили**га берилган. Фақат адабий тил давлат тилидир.

Шундай экан, барча давлат ташкилотларида ўзбек тилидагина эмас, адабий тилда иш юритилиши шарт. Наманганлик муаллим наманганча шевада дарс ўта бошласа, тошкентлик актёр саҳнада тошкентча шевада сўзласа, миллий яхлитликка путур етиши турган гап.

Ажабки, илгари – элимиз муте, тилимиз забун бир замонда ҳам адабий тилда сабоқ ўқитилар, санъаткорлар умуммиллий тилда гапирар эди. Ҳозир эса ҳар ким ўз шеваси мақомига йўрғалайдиган бўлиб қолди, шунга яраша, савия ҳам тушиб, мулла билганини ўқийди қабилидаги ҳодисотлар кўпайди. Миллат умумўзбек адабий тилида гапиришга ўта бориши керак. Чунки адабий тил элни бирлаштирувчи куч бўлса, шевага ружу қўйиш эса маҳаллийчиликни кучайтириши тайин.

Яна бир тоифа борки, улар наздида, лотин алифбоси – давлат тили дегани, шекилли. Чунончи, худонинг берган куни қўл телефони-мизга бир неча марта СМС хабар жўнатишади. Ҳар бири икки тилда – аввал русча келади, сўнг ўзбек тилида такрорланади. Аммо рус тилидаги матн ҳам лотин ёзувида битилганки, назаримда, уни ўрис ҳам ўқий олмайди. Ахир, бизга рус тилини ҳам лотин ёзувиге ўтказиш ваколати берилмаган-ку! Нега шунақа қилишади, биласизми? Улар наздида, лотин ёзувида матн тайёрлаш тил ҳақидаги қонунни бажариш бўлса керак. Давлат тили – бошқа-ю, лотин алифбосига ўтиш – бошқа нарса, буни англаш шунчалар қийинми?

* * *

Тил – дилнинг калити. Демак, тилнинг бузилиши миллат тийнатиға ҳам таъсир қилади. Эвоҳки, бунга анча бефарқ, лоқайд муносабат-дамиз, ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, Ўзбекистон – миллий қадриятларимизни асрайдиган, ривожлантирадиган ягона давлат. Ўзбек тили фақат шу заминда униб-ўсиши, нашгу намо топиши мумкин. Буни қонунни бажариш йўсинидагина эмас, чин дилимиздан ҳам эътироф этадиган бўлсак, тил ҳақида қонун чиқариш биланоқ иш битмаслигини тан олишимизга тўғри келади – бутун мамлакатда ўзбек тили муҳитини юзага келтириш керак. Бу муҳитни ҳар куни, ҳар соатда қўриқлаб-асрашимиз, парваришлаб кучайтиришимиз лозим.

Тил ўрганишга кўмаклашувчи

5 та бепул мобил дастур

Олдиндан очигини айтиб қўя қолай: бирор-бир дастур сизни бирпасда таржимонга ёки тил билимдонига айлантириб ташламайди. Булар шунчаки ёрдамчилар, холос. Асосийси – сиздаги қобилият, ғайрат ва интилиш.

Технология ривожлангани сари ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётти, кўп ишларимизни осонлаштиряпти. Тил ўргатишга ихтисослашган дастурлар ҳам худди шундай. Масалан, электрон луғатларда бирор сўзни ёзсангиз, бир зумда маъносини чиқариб беради. Шу сўз қатнашган иборалар маъносини ҳам осонгина билиб оласиз.

Ҳатто бошланғич синф ўқувчилари қўл телефони ишлатаётган бир пайтда унинг фойдали жиҳатларини ўрганиш ва бошқаларга ҳам ўргатиш зарур. Демак, тил ўрганишга кўмаклашувчи машҳур бепул мобил иловалар билан танишамиз. Бу дастурлардан самарали фойдаланиш учун камида рус ёки инглиз тилидан бохабар бўлишингиз керак. Бу тилларни мактаб, коллеждан даврда текин ўрганмаган бўлсангиз, пул тўлаб қўшимча дарсга боришингизга тўғри келади.



Duolingo (Android, iOS, Windows Phone тизимларида ишлайди)


Энг машҳур муаллим-дастурлардан бири. Бу мобил илова ёрдамида дунёнинг жуда кўп тилларини инглиз тили орқали ўрганишингиз мумкин. Инглиз ва олмон тилларини эса рус тили орқали ўрганиш имконига эгасиз. Грамматика қоидаларини ўрганиш, сўз бойлигини ошириш учун турли қизиқарли ўйинлар бор. Дастурга талаффузни яхшилаш учун ҳам кўплаб машқлар киритилган.


Бир пайтнинг ўзида битта профил орқали телефон, планшет ва сайтда Duolingo дан фойдаланиш мумкин.

LinguaLeo (Android, iOS, Windows Phone)

Бу дастур рус тилини биладиганлар учун мўлжалланган. У орқали инглиз тилини ўрганишингиз мумкин. Бошқа кўплаб дастурлар каби ўргатиш услублари, мавзулар ва ўқиш тезлигини ўзингизга мослаб танлайсиз. Аудио ва видео материалларнинг катта захираси бор.

LinguaLeo асосан бошловчилар ва болалар учун қулай. Унинг пулли бўлимлари ҳам бор. Бироқ бепул қисми орқали ҳам кўп имкониятларидан фойдаланиш мумкин.





Memrise (Android, iOS)

Тил ўргатувчи ўйинларга бериб кетиш кутилган натижага олиб келмайди. Тил ўрганиш қатъият, меҳнат ва луғат бойлигини доимий ошириб боришни талаб этади. Гап қурилишини, сўзларнинг талаффузини яхши билиш мумкин, лекин лексикангизни ривожлантирмасангиз, қанотсиз қуш ҳолига тушасиз.

Чет тилини эгаллашнинг энг яхши усуллари-дан бири ўша тилдаги китоблар, мақолаларни ўқишдир. Бироқ тайёргарликсиз кишига бундай мутолаа жуда оғир туюлади. Шунинг учун фақат дастурлар билан чекланиб қолмай, ўрганувчиларнинг даражаларига мослаштирилган китоблар (adapted books)ни ўқиб боринг.



Rosetta Course

(Android, iOS)

Бу илова орқали кўп тилларни ўрганиш мумкин. Гапларнинг грамматик ва лексик қурилишини ўрганишда катта ёрдам беради. Қоидаларни ўқитиш эмас, амалда қўллаш орқали ўргатади.

Бошқа дастурлар каби Rosetta Courseнинг тўлиқ шакли пулли.

BEST OF
2014

iTunes app of the year



Busuu (Android, iOS)

Бу дастур бир неча иловаларни ўз ичига олади. У орқали инглиз, олмон, француз, япон, испан, хитой, португал ва бошқа тилларни ўрганишингиз мумкин. “Сайёҳлар учун инглиз тили” деб аталган илова ҳам бўлиб, у сафарга отланганлар тез фурсатда инглизча сўзлай олишига кўмаклашади.

Дастурдан оффлайн ҳам фойдаланса бўлади. Имкониятларини кенгайтириш учун эса уни сотиб олиш керак.

Бундан ташқари, Android ва iOS тизимларида ишлайдиган ўзбекча-русча, русча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча ва бу учала тилга таржима қилувчи луғат-иловалар ҳам бор. Улар бошловчилар учун анча фойда беради.

Яна бир муҳим гап: агар сиз рўйхатда кўрсатилмаган дастурдан фойдалансангиз ва у сизга қулай бўлса, энг яхши дастур – ана шу. Зарурат туғилса, бошқа мобил иловалар қатори юқорида саналган дастурларни ҳам синаб кўришингиз мумкин.

О. Мадвалиев
тайёрлади.

**САЙЁР**

(Сайёрпўлат Файзуллаев,
1932–2001)

Биринчи китоби – “Қалб ҳарорати”
1960 йили чоп этилган. “Бошсиз
хайкал” (1961), “Фидойингман”
(1962), “Қачон катта бўламан” (1965),
“Бир кеча хаёли” (1965), “Ўттиз ёшим”
(1968), “Хулкар” (1969), “Парвона”
(1970), “Денгиздан томчилар” (1972),
“Йиллаб куйганим” (1973), “Мусаффо
фасл” (1978), “Одам борки...” (1981),
“Болға зарби”, “Анча катта боламан”
(1982), “Чорраҳа” (1985), “Умр қўшиғи”
(1986), “Ҳалоллик ва фаоллик”,
“Уйқудаги тош” (1989) каби шеъррий
тўғламлари чоп этилган.

Сайёрнинг шеърляти инсон
гўзаллиги, бурч, виждон ва имон
тушунчаларини бадий шарҳлаши
билан ажралиб туради. Шоирнинг
“Ҳалоллик ва фаоллик” тўғламига
кирган кўп шеърлари шу жиҳатлари
билан характерлидир. Уларда
инсоннинг Ватан ва халқ олдидаги
муқаддас бурчи, ҳақгўйлик ва
ростгўйлик фазилатлари улуғланади.

Шоир шеърлятида сиёсий лирика
билан бирга муҳаббат лирикаси
муҳим ўрин эгаллайди.

Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Қиз қошидек қора эди тун,
Қайтар эдим дамани кезиб.
Ўзи қушдек қуш қаног сезиб,
Тун қулоғи этарди мафтун:
Тилитклар шириллаши соз,
Беданалар сайраб хуш овоз.
Қаердадур сув шовуллайди,
Қаердадур ит бовуллайди.
Қиз қошидек қора эди тун,
Қайтар эдим дамани кезиб,
Ниманидур юбордим эзиб,
Эшигинди мажос, муқим ун.
Узабгандим эр сарч мен қўл,
Қўлим юлиб шиди бир тун ул.
Бўлса қилми шунга дилрабо,
Тун тунлиши қилар доимо.
Эсим, - дедим, - эзибман, эсим.
Лақнайтладим тунларни текшим.

Сентябр, 1959 йил.

Сайёр


Темирчинини заргар ўғли

Адабиёт кўнгил иши, илҳом самараси. Туйғусиз, илҳомсиз
ёзилган асар чангланмаган гулга ўхшайди – мева тугмайди.
Кўнгил рози бўлган асаргина китобхоннинг кўнглига йўл
топади, китобхоннинг кўнглида мева тугади.

Умрдан бошқа ҳамма нарсанинг қисқа бўлгани яхши. Умр
сал узун бўлса, зарари йўқ.

Улкан сўз санъаткори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор (1907–1968) ижоди XX аср ўзбек адабиётининг шонли саҳифаларини белгилайди. Адиб асарларини ўқиганимизда унинг ҳар бир сўз, жумла устида қаттиқ ишлаганини кўрамиз, англаймиз. Ёзувчининг бу борадаги маҳорати, айниқса, ҳикояларида яққол кўзга ташланади.

Абдулла Қаҳҳор чин маънода ёшларнинг жонқуяр мураббийи бўлган. Адиб асарлари ҳамон ёш ижодкорлар учун маҳорат мактаби бўлиб келмоқда.





Ойбек ва Гафур Гулом билан

Абдулла Қаҳҳор бой тажрибали, бадиий сўз санъатини пухта эгаллаган ёзувчидир. Унинг барча асарларини кинотехниклар кайта эътибор билан севиб ўқийдилар. Унинг тили ва услуби кайта мастерлар даражасида. Хarakterларлари аниқ, бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ойбек

Абдулла Қаҳҳор устоз сифатида талай асл наср ёзувчи ёшларга таълим берди. Лекин мен, ундан ҳам кўпроқ шоирларга устозлигини билман ва бу қаттиққўл ёш адабиётчиларимизнинг чинакам устози билан фахрланаман...

Миртемир



Озод Шарафиддинов билан. 1960 йил

Мен Абдулла Қаҳҳорни энг муътабар устозларимдан деб билман. Муъри, Абдулла Қаҳҳор профессионал танқидчи бўлган эмас, тўрт-бешта мақоласини мустасно қилганда, адабий-танқидий асарлар ҳам ёзмаган. Шундоқ экан, ёзувчи одам танқидчининг устози бўла оладими? Бўлар экан-да!

Абдулла Қаҳҳор том маънода танқид оловларида товланган адиб эди.

Озод ШАРАФИДДИНОВ




Бир гуруҳ театр ходимлари билан. 1950 йил.

Ўзбек насрининг отаси, зукко санъаткор, ҳақсўз ёзувчи, меҳрибон устоз Абдулла Қаҳҳор. У минглаб, ўн минглаб кишиларнинг қалбига ҳаёт чирокини ёқиб кетди. Бу чирок – унинг китоблари, ўқувчилари, шоирлари, дўстлари... Устоз ёқиб кетган чирок ҳеч қачон ўчмайди.

Саид АҲМАД



Дўстлари билан






Шухрат ва Зулфия билан. 1955 йил

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи: "Агар ёзувчинини ахлоқ кодекси тузилса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи ўринга қўяр эдим", дед ўзиан эди. Ўлмас адид умиринини охиригача ўзинини шу эътиқодга содиқ қолди.

Пиримкул ҚОДИРОВ



Абдулла Қаҳҳорнинг тийран фикри, ҳасос талади билан ёзилган ажойиб асарлари узок йиллар кўлдан-кўлга ўтиб ўқилади. Қаҳҳор эратган адабий мактаб авлодан-авлодга эстафета бўлиб ўтади. У тирикчилидаёқ ўлмасликнинг мандатини кўлга олган эди.

Шухрат



Талабалар билан учрашувда

Халқда бир гап бор. Дейдиларки, фарзанд ота-она қарзини узолмайди. Бу қарзни у фақат ўз фарзандларига қайтарини билан узини мумкин. Устоз ва шоирликда ҳам шундай. Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди, ўз умри билан ёшларга қандай муносабатда бўлиш сабабини қолдирди.

Эркин ВОҲИДОВ



Рафиқаси Кибриё Қаҳҳорова билан. 1950 йил.

Устоз Абдулла Қаҳҳор прозализминини энг бақувват чинорларидан бири эди. Лекин айни вақтда у зот шеърининг ҳам юзят нозик тушунарди. Абдулла ака ёшлигида кўлаб, аксар ҳатбий мухаммаслар ёзиб, эълон қилганлигини мен кейинчалик билганман. Мен насрда бирор нарса ёзмаган бўлсам-да, доимо Абдулла Қаҳҳорнинг шоирлигига саналардим. Демак, устоз ва шоирлик ижодий сабақлардан ташқари дунёқарашлар ҳамлоҳанлиги билан ҳам беллиманар экан.

Абдулла ОРИПОВ



Эркин Воҳидов ва Носир Фозилов билан.



ABDULLA QAHHOR
1907-1968

Ғиёсиддин ҲАРАЛОВ
тайёрлади



Талант БЕК

1985 йили туғилган.
“Феруза осмон”, “Илоҳий қўшиқ”, “Мангу афсона” шеърлий тўғламлари нашр этилган.

Юрганмисан...

Юрганмисан, айт, сув ёқалаб,
Ойнинг ойдин ёғдуларида?
Эгатларнинг бошини тараб,
Ётганмисан майса бағрида?

Билармисан юлдузлар – танга?
Тингладингми япроқ товушин.
Ботганида тупроққа, чангга,
Кийганмисан қоқиб ковушинг?

Ичганмисан намхуш ҳаводан,
Димогингни тўлдириб, тўйиб?
Титраб-титраб енгил сабодан,
Кетганмисан дунёни суйиб?

Кетмон чертиб қўйлаганмисан?
Ёнганмисан устингга беда?
Ширин-ширин ўйлаганмисан,
У ҳақида, ўша ҳақида?..

Ойнинг ойдин ёғдуларида

* * *

Бетховендан олар андаза
Супургининг синиқ оҳанги.
Юрагимдек очиқ дераза,
Дарпардада шамоллар жанги.

Оқаверар ариқ жимирлаб,
Толновдалар мастдир қуйига.
Деразага босишади лаб
Тувакгуллар етиб бўйига.

Шеър ёзаман кечалар жўшиб,
Кўзларимда кечади тунлар.
Деразадан таралар қўшиқ –
“Сумбула”ю “Беқасам тўнлар”.

Деразада мангулик чирой,
Деразага урилар қушлар.
Деразадан мўралаган Ой –
Уй супурар сочини ушлаб...

Лифт

Чақирсанг дарров келади,
Бағрига олади сени ҳам,
Дўстларингни ҳам.
Хоҳла, бағрини ўй,
Хоҳла, тепкила,
Бажараверади хизматингни
беминнат,
Қишлоқ боласидай содда,
Қишлоқ боласидай бағрикенг,
Шаҳарга қамалиб қолган бечора...

Сўз экан

Ёздим баёт – сўз экан,
Жами ҳаёт – сўз экан.
Гўзал пари – сўз экан,
Билдим бари – сўз экан.

Елвизак-ай бир майин,
Еллиб ўтар юзимни.
Юмганимча кўзимни,
Сенга шеърлар айтайин.

Муҳаббатга ким доир,
Юлдуз кўкда чегадир.
Ишқдан куйганки – шоир
Мақомига эгадир.

Ёниб турай, кул бўлмай,
Бандасига кул бўлмай.
Ҳар лаҳзасан, ҳар онсан,
Танграм, ўзинг султонсан!

Қулоқ солгил ноламга,
Сўзлар қўшгил жоламга,
Сўзлар бергил боламга,
Сўзлар берсин оламга...

Талпинаман...

Талпинаман,
Адогинг йўқ –
Кўкка туташган.

Бу дунёда тенгсизим,
О, кўзлари денгизим –
Соҳилда қолдим ёлғиз қамишдай...

Шамоллар увиллар.
Ишқ улғайган сари
Бораяпти ичим ҳувиллаб...

Бог ичида...

Бог ичида,
Дарахт тагида
Унутилган қандайдир китоб.
Очиқ ётар,
Ётар беҳуда.
Ҳарфларини эмади офтоб,
Варақларин варақлар шамол,
Ўз-ўзини ўқийди китоб...

Тонг. Аравада...

Тонг.
Аравада қуёшни судраб
келяпти ўтин ортган чол.

Қорнинг оҳангларини
куйлар қадами.

Қуёш чолнинг елкасига
мингашиди.

Бўм-бўш ҳалинчак...

Бўм-бўш ҳалинчак
ёнгоқ дарахтининг бўйнига осилиб
тушгиси келмайди ерга.

Солланади шамол қўлларида
Бўм-бўш ҳалинчак.
Яқинлаштирар кўзларимга сени.

Бўм-бўш ҳалинчак.
Бизни олиб кетолмади осмонларга.

Жин чалган ёнгоқ дарахти қиқирляпти
бахтдан энтикиб...

Иқрорлар

ёхуд бутунлик истаги



Хусан МАҚСУД

1991 йили туғилган.
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университетининг
ўзбек тили ва адабиёти
факультетига тахсил
олган. “Ошиқ шарҳи
ҳоли ифодасида бадиий
санъатларнинг ўрни
(Алишер Навоийнинг
“Гаройиб ус-сигар” девони
мисолида)” рисоласи нашр
қилинган.


Ассалому алайкум, Бобур! Омонмисиз? Рўзгорни ёр дейдилар, шу ёрнинг кенг йўлларида саломат одимляясизми?

Яқинда борганимиз – ўша шеърхонлик кечасида “Фотоаппарат ва мен” деган шеърингизни ўқидингиз. Бундан беш-олти йил аввал сизни айнан шу шеър орқали ғойибдан таниганман. Кейин китобингиз чиқди, анча ютуқларга эришдингиз. Лекин барибир сизни яқиндан билмасдим – шеърларингизни кўп бор ўзингиздан эшитган эсам-да, китоб ҳолида тўлалигича ўқиб чиқмагандим. Шу боис ҳозиргача ёзилган барча машқларингизни ўқиш истаги туғилди...

Сизга бир сирни айтсам: табиатан камгапман. Баъзи ҳолларда айтилиши керак бўлган гапни айтишга нимадир халақит бергандай ўзимни ғалати ҳис қиламан. Буни ўзимча андишага йўяман. Баъзан Сўз, Адабиёт, хусусан, тенгдошлар ижоди ҳақида нималарнидир айтгим келади-ю, андиша курғур тагин шаштни қайтаради (ҳатто булар бора-бора англаб бўлмас оғриқларга эврилди; ёзганларингиз ҳақида гапириб, ора-сирада оғриқларимдан-да сўз очсам, айбга буюрманг). Шундай бўлса-да, баъзи мулоҳазаларни айтишга жазм этдим. Айтажақларимни фақатгина оддий китобхон ва ижодингизни доимий кузатиб борувчи дўстингизнинг фикрлари, деб қабул қилгайсиз.

...Китобингизга кирган аввалги ҳамда сўнгги бир-икки йил ичида интернет сайтлари ва газета-журналларда эълон қилинган шеърларингизни диққат билан ўқидим. Беш йил аввал “Биринчи китобим” лойиҳасида нашр қилинган “Кўзларимдаги дунё” тўгламингиздаги шеърлар билан кейинги ёзилган машқларингизни таққослаб кўрдим: хўш, шоир ўсибдими? Шеърдан-шеърга ўсганингиз яққол сезилма-са-да, лекин сўз танлаш, ифода усулингизда яхшигина сайқалланиш бор. Ўзингизни қийнамасдан ёзасиз, ақл ва туйғунинг омухталиги сезилиб туради.

Ёзганларингизда кўзга ташланиб турадиган бирламчи жиҳат бу – фалсафий мушоҳада юритишга уриниш. Деярли ҳар бир шеърингиз шундай мушоҳадалар замирига қурилган. Ҳақиқатан, айрим шеърларингизда тасвирланаётган воқеликдан яхшигина фалсафий хулосалар чиқарасиз. Ҳолат тасвирини чизишда ҳам оригиналликка интилишингизни таъкидлаш керак. Туйғулари ҳарорати кўнгилга илиқлик олиб қирадиган “Олапар”, “Фотоаппарат ва мен”, “Юборилмаган суратлар” каби қуйма сатрли шеърларингиз борлигини-да кўпчилик яхши билади.



“Бир кўнгил ўстирсанг ичингда...”, “Бир кун йиғламаса аҳли болалар...” деб бошланадиган шеърларингиз пафоси билан бошқа битикларингиздан ажралиб туради. Бир қарашда уларда ўйчанлик ва ҳазинлик бордай туюлса-да, лекин моҳиятан лирик қаҳрамоннинг эртанги кунга, ёруғ келажакка ишончу эътимони сезилади. “Бир кун йиғламаса аҳли болалар...” деб бутун дунёда бошланувчи шеърда мақсад-муддао ҳар бандда такрорланиб келадиган “Бир кун” бирикмаси замирига қурилган: бир кун бўлса ҳам ўқ отилмаса, болалар уйи бўшаб қолса, қанийди мотам бўлмаса, кўнгли борлар бир-бирига етишса, дунё ўзини сал кенгроқ сезса, деб ёруғ кунлар келишига умид қилинади. Бу ишонч ҳар банд охирида такрорланган “Ўша кун келарми, ўша кун борми?” риторик сўроғида янада реаллашади.

Лирик қаҳрамонингиз ўтмишни мушоҳада қиларкан, келажакка умид билан қарайди. У эътиқодда (кенг маънода) собит, замондошларини маънан комил ИНСОН сифатида кўришни орзу қилади. Асосийси, у фикрлашдан, ўз қалбини ўрташдан тўхтамайдиган шахс.

...Биласиз, дурустгина шеърлари билан уч-тўрт марта матбуотда кўриниб, устозлар назарига тушган тенгқурлар орасидаги бир-икки йилни ҳисобга олмасак, салкам ўттизга яқинлашиб қолдик. Айримлари икки-уч тўплам эълон қилишга улгурди. Аммо... ҳали ҳеч биримиз ўз йўлимизни тополмаяпмиз – ижод қолиб, ҳиссиётла-

римизни сўлдирадиган, кўнглимизни хиралаштирадиган майда юмушларга ўралашиб юрибмиз. Буни баъзан тан олгимиз келадий-ю, лекин қайсидир важлар сабаб ўзимизни оқлашга уринамиз: тирикчилик, яшаш ҳам керак-да, деб қўямиз... Таассуфки, шоир айтганидек, бизни майда ташвишлар енгяпти. Энди айтинг: буюк орзулар, улўф ниятлар қўлимизга қалам тутқазмаганмиди?!

Эсингизда бўлса (беш-олти йил аввал), ўзига хос оҳанг ва руҳ билан шеърлар ёза оладиган бир нечта тенгдош йигит-қизлар адабий тўғарақларда қизгин мушоира қилишарди. Кўпчилигимиз уларнинг гўзал шеърларига муҳлис эдик. Баъзилари устозлар меҳрини қозониб улгурган эди. Лекин... Гоҳида ўзимга савол берман: ёниқ шеърлари билан катта умид уйғотган ўша ёшлар ҳозир қаерда? Ўша пайтда ўзлари куйлаган Сўз ва Адабиётга содиқлик туйғулари муваққатмиди?..

Саволлар исканжасидан қутулиб, ўзимча жавоб излайман: наздимда, уларнинг кўпчилиги ўз истеъдодларини асрашга ожизлик қилишди. Баъзилари устоз шоирларнинг мақтовидан талтайишди, бора-бора ўзларидан бошқани тан олмай қўйишди. Рауф Парфи айтганидай, уларни мақтов – ширин оғу ширин ўлдирди. Айримлари минбар шоири бўлиш ҳадисини яхши ўзлаштиришди: баландпарвоз шеърлар айтишни урфга айлантирдилар. Кимнингдир бир неча минг нусхада китоби чиққач, қалам ҳақининг суруридан ҳаволаниб юрди, яна кимдир турли танловларда ғолиб бўлиб, диплому ёрлиқлар олгач, уларнинг орқасидан келадиган имтиёзларга учиб, турли мақомларга йўрғалаб кетди.

Катта ва бутун адабиётни катта ва бутун авлод яратади. Буни ўтган асрнинг етмишинчи йиллари авлоди мисолида кўришимиз мумкин. Энди савол: биз бутун авлод бўлишга интиляп-мизми? Афсуски, йўқ! Чунки боя айтганимдай, кўпчилигимиз ўзимиздан бошқани тан олишни истамай қўйдик. Сочилиб кетган мағлуб лашкарнинг аскарларидай тарқоқ ҳолда фойдасиз тизмалар тизиш билан бандмиз. Ижтимоий ҳаётга, адабий жараёнга шахдам қадам билан кирмаймиз, ўзимизни шоир санаймиз-у, аммо миллат, халқ, ватан олдида наинки шоир, оддий бир юрт фарзанди сифатида арзирли иш қилганимиз йўқ. Ижтимоий тармоқларда бизни кимдир мақтаб қўйса, шу билан ўзимизни катта шоир ҳисоблаб, тагин ҳаволангиз.

Биров айтмайдики, ў, биродар, ҳақиқий ижод ердагиларга керак, пастга тушиб ёз, деб... Биринчи навбатда, ўзимиз шахс сифатида бутун бўлишга интилноғимиз керак, деб ўйлайман. Шундан сўнг ўзимизни миллат тақдирига дахлдор сезган ҳолда, бир мақсад йўлида бирлашмоғимиз лозим. Бутун авлод бўлмасак, миллатни, адабиётни ёруғ келажак сари қандай етаклаймиз!?

Ўзр, мавзудан бироз чиқиб кетдим. Бу мулоҳазалар сизни ҳам ўйлантиришига ишонганим учун арзиҳол қилдим шекилли. Тагин ижодингизга қайтсам. Ижтимоий тармоқда эълон қилинган “Муддао” бадиангизни ўқигандим. Иқтибос келтираман: “Яхши шеър қачон эсда қолади? Менимча, унда ярқ этган воқеа бўлсагина. Ўша воқелик, ўз навбатида, чуқур маъно ташимоғи ҳам лозим. Баланд теракнинг илдизини қурт-қумурсқалар еб битирса-ю, “қарс” этиб ерга қуласса – бизга нима, деймиз. Бироқ, ўша терак бир инсон сиймоси бўлса-ю, ўз хатолари туфайли енгиллиб, ҳаммамизга ибрат мисра бўлиб дунёга келади. Қолган сатрлар ўша мисранинг кучайишига, мавзу моҳиятини чуқурроқ очиб беришига хизмат қилиши керак”. Фикрларингизга қўшиламан. Буларни кўп бор давраларда ҳам айтганингизни эшитганман. Бу мулоҳазалар ўз ижодингизга-да тўла мос келади: ёзганларингизни ўқиган киши шеърларингиз ҳақиқатан битта мисра замирига қурилганини сезади (ҳатто “Кураш” шеърингизда инсоннинг жисман ва маънан йиқилишини дарахтнинг қулашига менгзагансиз).

Тўғри, илҳом ёлқинлари билан аланга олган оний ҳиссиёт – англаб бўлмас ажиб бир туйғу (фикр) шоир хаёли (кўнгли)дан нур тезлигида “йилт” этиб ўтади. Шоир ўша кечинмани қоғозга туширмагунича тинчимайди. Дарҳақиқат, шеърда поэтик мақсад-муддао ўша бир фикр атрофида бирлашиб, унинг моҳияти қолган мисралар кўмагида янада тиниқлашади. “Кураш”, “Кимёгар дўстимнинг ўйлари”, “Танга”, “Битта чолни кўрдим саҳрода...” каби шеърларингизда фикрлар банддан бандга кучайиб боради. Кўринадики, уларни бир нафасда, кўнгил кечинмаларини ақл чиғириғидан ўтказиб қоғозга туширгансиз. Ҳеч қандай ясамалик, зўриқиш йўқ.

Битикларингизни синчковлик билан ўқиб амин бўлдимки, шеърларингиздаги лирик қахрамон шахсиятингиздан узоқ бўлмаган одам. У ҳам худди сиздай ўйчан ва оғир-босиқ инсон; мулоҳазакор, ҳар бир воқеликдан фалса-

фий хулоса чиқара оладиган тийрак назарли шахс. Бу сизнинг ютуғингиз. (Умуман, ижодий ютуқларингиз ҳақида устозлар, тенгдошлар томонидан анча илиқ фикрлар, мақтовларни эшитгансиз. Уларни такрорламоқчи эмасман) Аслида, шоирлик ҳам шу-да: ижодида шахсияти, шахсиятида ижоди кўриниб турган қалам аҳлигина асрлар оша халқ қалбида саодатли яшайди. Тарихга боқинг: ҳазрат Румий, ҳазрат Навоий, Пушкин, Қодирий, Толстой, Ойбек, Шавкат Раҳмон...

Ўша бадиангизда шундай фикрлар ҳам бор эди: “Шеър яхлит бир асар сифатида таассурот қолдирмас, унинг гоёси аввало инсон қалбида акс садо бермас экан, бундай тўқималарнинг бир сатри ҳам яшашига лойиқ эмас, деб ўйлайсан киши”. Сиз ҳақсиз. Эркин Воҳидовнинг “Мажнунтол”, “Севги”, “Юрак ва ақл”, Абдулла Ориповнинг “Муножотни тинглаб”, “Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси...”, “Баҳор”, Рауф Парфининг “Ёмғир ёғар, шифалаб ёғар...”, “Уйғон, эй малагим...”, “Она Туркистон” каби шеърларидаги мисралар шундай куйма ва табиийки, улардаги бирор сўзни бошқасига ўзгартирсангиз бутун бошли шеърнинг поэтик оҳорига путур етади. Демак, уларда мақсад асосий гапни битта мисрада айтиб олиш эмас, балки кўнгиладан кечган дарду ҳасратларни ҳар бир мисра қатига сингдиришга уриниш бор (тасодифни қарангки, устоз шоирлар ушбу гўзал шеърларни айна бизнинг ёшимизда ёзишган. Қайси биримизда шундай битиклар бор?!).

Сизнинг “Фил фалсафаси”, “Каркидон”, “Юк” каби шеърларингиз кишида охириги банддаги фикрни айтиш учунгина ёзилгандай тасаввур уйғотади. Уларда кўпроқ баёнчилик бўй кўрсатади: фақат воқеани тасвирлаш бирламчи бўлиб қолган. Мазкур шеърларни ўқий бошлаган киши яқунда бошқачароқ хулоса кутади (шахсан менда шундай бўлган). Таассуфки, сўнги банддаги хулосавий фикрга чалғиб, бироз суст-кашликка йўл қўйгансиз.

Айрим шеърларингиз баландроқ битикларингиз соясида қолиб кетади: мазмуни бўшроқ. Масалан, “Тақа” шеърингизда теракдан дарвоза ясалгани айтилиб, уни кимдир тепиб ўтгани, яна кимдир таёғи билан туртгани (?), бошқа биров эса тилиб (?) кўргани ҳақида гап боради-да, охири:



У энг гўзал дарвоза эди,
Эндигина ясалган дамлар.
Тақа уни чиндан асради,
Асролмади фақат одамлар, –

деган сатрлар билан тугайди. Мисралар оддий гаплигича қолган, уларда поэтик оҳор, бадий-эстетик юкумлилик етишмайди. Тўғри тушунасиз деган умид билан айтаманки, тўгламингиздаги “Жалолиддин Мангуберди монологи” ва “Қўллар” каби шеърларни ҳам жиддий кўриб чиқиб, қайта ишлаш зарур, деб ўйлайман.

Эсингизда бўлса, бир танқидчи акамиз шеърларингизни эшитгач, улардаги воқеабандликни пайқади чоғи, сиз ҳақда “Келажакда насрга ўтиб кетиши мумкин” деган “башорат” қилди. Яна бир устоз шоир сиз ҳақингизда “Бу йигитнинг шеърларини чет тилларга таржима қилиш ўнғай экан. Сабаби таржима жараёнида ҳис-туйғуларни тўла-тўқис ифодалаш қийин, тасвир, сюжетни эса бошқа тилга ўгириш мумкин” деганди. Бу фикрларда жон бор: ҳақиқатан, деярли барча шеърларингиз сюжет асосига қурилади. Сизда ҳолатдан кўра кўпроқ ҳаракатни тасвирлашга уриниш бор. Буни нуқсонга йўймоқчи эмасман, бундай усул адабиётимиз тарихида кўп учрайди. Лекин шеърда фақат воқеабозликка интилиш шеърхонни зериктириши мумкин. Шу ўринда бадий ижоднинг олтин қондасини эслатгим келди: нима бўлганини эмас, қандай бўлганини тасвирлаш муҳим-ку!

Воқеани келтириб, охирида фалсафий фикр айтиладиган шеърларда туйғуларга эрк бермасдан, ақлга таянилади. Бундай шеър эса фақат интеллектнинг маҳсули бўлиб қолиши мумкин. В. Белинский “М. Лермонтов шеърлари” мақоласида поэзия ҳақида фикр юритар экан, ижоднинг асоси илҳомдир, ақл ва ҳисоб-ки-тобнинг аралашуви эса ижодга душмандир,

дейди. Олим соф кўнгил кечинмаларининг ақл дахл қилмай туриб қоғозга тушини илҳом деяётган бўлса ажабмас. Дарҳақиқат, чин маънодаги шеър, аввало, руҳият тасвири, ҳис-туйғу манзараси билан тўйинган бўлиши керак. Шоир шеърда ақлнинг эмас, кўнгилнинг равишига бўйсунмоғи лозим, назаримда...

Бобур, сиз ҳақда яна бир муҳим гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Одатга кўра, ижодкорнинг даражаси унинг ёзганлари, аниқроғи, қаламга олган мавзусининг бадий салмоғига қараб белгиланади. Лекин аксар ҳолларда шоирнинг позициясини, Сўзга, Адабиётга, қолаверса, башарият учун муқаддас ва азиз бўлган олий туйғуларга эътиқоди ҳамда ихлосини қайсидир мавзуда ёзмаганлиги (аслида, бунга ўзини маънавий ҳақдор деб билмаслиги) билан ҳам англаш мумкиндай гўё.

Айтмоқчиманки, сизнинг Ватан ҳақида “жўшиб” ёзилган “жимжимадор” шеърингиз йўқ. Нуқул ўксиниб, оғриниб, нималардандир безган кўйи онангизни саволларга тутадиган “нолишнома”ларингизни ҳам кўрмаганман. Хатни олмани учун ўзини ҳақоратлангандай сезиб, қиздан арзу дод қилгучи ошиқ дардлари акс этган мисраларингизни-да билмайман. Шу фазилатингиз билан ҳам бошқа тенгдошлардан ажралиб турасиз, десам муболаға бўлмас. Демак, сиз бу мавзуларга мос ўз жозиб сўзингизни ҳали топа олмаганингизни англагансиз. Шунинг учун “киндик қоним тўкилган замин”, “жаннатмакон юрт”, “сени юксакларга кўтараман” деган сийқа мисраларни айтишдан ўзингизни тийяпсиз. Она ҳақида ҳам томоқ йиртиб, ҳар бандда “Она-а” деб ясама соғинч билан шеър ёзишни ҳам эп кўрмаяпсиз (демак, она ҳақда энг гўзал шеърларингиз энди яралади). Севгини қарама-қарши жинс вакиллари-нинг бир-бирига бўлган табиий майли деб тушунмаслигингизни “Танга”, “Овозимни ёзиб олди бир киши...” каби гўзал шеърларингиз исботлаб турибди.

Яхши эсламан: 2012 йили “Ёшлик” журналида устоз Абдулла Орипов сизга ок йўл тилаб, ишонч билдирган эди. Таскин шуки, сиз шу ишонччи оқлаш йўлида илдамляяпсиз.

Қалбингизни асранг. Ёруғ шеърлар яралишида Яратган мададкор бўлсин!



Рустам НАЗАР
(1949 – 2012)

Республика рус тили
ва адабиёти институти
(ҳозирги ЎзДЖТУ)да
таҳсил олди.
“Яшасин қуёшли кун”,
“Рангли фаввора”,
“Мўъжиза” номли шеърӣй
тўпламлари нашр этилган.

Ўзмишидан тонма ҳеч

Дангаса

Мақсадига эришгай
Интилса ким, чопса ким.
Ҳатто қорни ёндирар,
Қаловини
Топса ким.

Жон койитмас дангаса,
Излаш тугул қаловни –
Ўчиради, эриниб,
Ёниб турган
Оловни!

Чақалоқ

Оилада энг кенжа
Укам ҳали чақалоқ,
Бешикда жим ётмайди,
Тинчимайди бақалоқ.

У нимадан безовта,
Нега ҳадеб йиғлайди?
Тушуниксиз ҳолати
Бағримизни тиглайди.

Бу сергалва дунёда
Қўндир тўсиқ ва говлар.
Чўчитарми уни ё
Олдидаги синовлар?

Шоир акам Рустам Назар ҳақида ўйлаганимда боладек беғубор бир инсон кўз олдимга келади. У кишини бир сўз билан “истеъдодли одам эди” деб айтса бўлади. Истеъдодли одам эса бетакрор бўлади. Шу боис ҳам унинг шеърларида руҳан эркинлиги, ўзига хослиги сезилиб туради. Шоирдан фарзандларимиз учун мағзи тўқ шеърлар қолди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин: шоирнинг шеърлари болаларимиз юрагида яшайверади.

Дилшод РАЖАБ,
филология фанлари номзоди

Дунё ва мен

Қолдим анча улгайиб,
Тўлдим саккиз ёшимга.
“Бурнингни арт!” деб энди
Тегинмайди гашимга.

Қора нима? Оқ нима?
Фаҳмига тез етаман.
Боқиб рангин оламга
Сирларин кашф этаман.

Баъзилар-чи, қўл силтар,
Дунё жуда қаримиш.
Унинг ёши миллион
Йиллардан ҳам наримиш.

Кўзойнакли олимлар
Сўзлашади лоф бизга.
Дунё – менинг тенгдошим,
Энди кирди саккизга!

Варрақлар

Парвоз этар варрақлар
Осмон ишқи билан маст.
Қай бирининг авжи зўр,
Қай бирининг машқи наст.

Эй, ўғлон! Сен ҳавойи
Орзулардан ёнма ҳеч.
Қувон юрсанг ҳам ерда,
Ўзлингдан тонма ҳеч.

Варрақларнинг қисмати
Эркисизликдан доғлиқдир.
Парвоз умри ипидан
Тутганларга боғлиқдир.

Тарбия

Менинг отам ажойиб,
Тарбияси қизиқдир.
Ҳар тарафим – чегара,
Ҳар тарафим чизиқдир.

Бундан хафа эмасман,
Қилар ақлу ҳушим жам.
Улар борки, мақсаддан
Чалгимайман сира ҳам.

Отам белги қўйишни
Этганмикин фаромуш –
Учрар очиқ манзиллар,
Тўхтарман жим ва хомуш.

Ҳаётнинг зил юкини
Мен елкамга ортарман.
Чегара йўқ йўлимга,
Ўзим чизиқ тортарман!

Жасорат

Жасоратдан баъзилар
Лоф уришар валдираб.
Аммо хатар тугилса,
Зир қочишар қалтираб.

Йўлашга ҳам чўчишар
Бирор йиртқич ёнига.
Қайси аҳмоқ қасд этгай,
Ахир, ширин жонига?

Аламзада мушт тугиб,
Шум хаёлга толгайлар.
Йўлбарсларнинг ўчини
Мушуклардан олгайлар.

Бувамнинг нақли

Ошса ҳамки етмишдан,
Бувам чаққон ва тетик.
Ишлар уззукун боғда,
Оёғида зил этик.

Меҳр бериб, яшнатиб,
Ардоқлар ҳар дарахтни.
Жини суймас ландовур,
Вужуди шол, карахтни.

Баъзан ҳориб-чарчаса,
Ёстигини тузатиб –
Деймиз: “Энди ётинг-да
Сиз ҳам оёқ узатиб”.

Бувам кулар: “Тирик жон
Лозим меҳнат этмоғи.
Ўзи қариб, заминни
Яшартириб кетмоғи!..”

Кекса чавандоз

Унга ҳариф йўқ эди
Бир замонлар улоқда.
Халойиқнинг олқиши
Янграр ҳамон қулоқда.

Қариликка эгди бош,
Танида йўқ куч, дармон.
Унга энди от тугул,
Эшак минни ҳам армон.

Болалигин эслаб гоҳ,
Кўзида мунг зорланар.
Ҳассасини от қилиб,
Чопай деса... орланар!

Тоб ташламас

асарлар



Абдуқайом ЙЎЛДОШ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

1962 йили туғилган.
Тошкент политехника
институти (ҳозирги
Тошкент давлат техника
университети)ни битирган.
“Сунбуланинг илк шанбаси”,
“Тимсоҳнинг кўз ёшлари”,
“Бир тун ва бир умр”,
“Алвидо, гўзаллик”,
“Банкир”, “Пуанкаре”, “Ҳали
вақт бор” каби китоблари
чоп этилган.

...Кўп нарса қиёсда билинади. Дейлик, тоғнинг нақадар улуғворлигини англаш учун маълум масофадан туриб қаралади.


Кейинги пайтларда касбимиз тақозосига кўра, маълум мажбуриятлар юзасидан ҳам кўглаб қўлёзмаларни ўқишга тўғри келаяпти. Тўғриси, уларни қўлёзма деб аташга ҳам тил бормайди: аксарияти оппоқ, силлиқ қоғозларда, кўзингни қувнатадиган даражада чиройли шрифтларда принтердан чиқарилган, ҳатто айримлари рангли муқовалару суратлар ила безатилган... Тап-тайёр китоб дейсан; шундоқ очасан-у, хатм қилиб кетаверасан. Ўқувчи учун бундан ортиқ бахт борми, бундан ортиқ ҳузур борми...

Таассуфки, бу жараён аксар ҳолларда биз ўйлаган, тасаввур этганчалик силлиқ кечмайди: матндаги дастлабки жумлаларни ўқишинг билан қўл беихтиёр қаламга чўзилади... Бир, икки саҳифадан сўнг бу инжиқликдан чарчайсан, беҳуда совирилаётган вақтингга ачинасан, аммо “Бир нарса чиқиб қолар” деган ожизона умид-илинж билан мутолаани давом эттирасан; ваҳоланки, жуда яхши билиб турасан: “...қўлга олиш билан жозибасига тортиб кетмайдиган адабий асар яхши нарса бўлмайди” (Абдулла Қаҳҳор).

Шундай пайтлари беихтиёр кўнгил ўзинг энг яхши, энг фаройиб деб ҳисоблаган китоблар томон талпинади, маъқули ўшаларни, таъбир жоиз эса, вақт ўтган сайин таъми-шираси ошиб бораётган асарларни яна бир марта шавқ билан ўқиш экан-ку, деган истак етовиди кутубхонангга ошиқасан. Камина қуйида мана шундай лаҳзалар қўлимга оладиган китоблару электрон қўлёзмаларнинг айримларини санаб ўтади.

Абдулла ҚАҲҲОР. “Ҳақ сўзнинг кучи”. **Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат** **нашриёти. 1989 й.**

...Юқори синфларда ўқиб юрган кезларим, журналда бир қиссачам босилиб чиқди-ю, ўз-ўзидан “мактаб классиги”га айландим-қолдим. Хатлар, сал лофи билан айтганда, кунига қоғлаб келади денг. Ўзимча “Ёзиш оппа-осон иш экан-ку! Эҳ-ҳе, мен ҳали...”, дея гўлдайиб ҳам кўяман. Тақдирнинг иноятини қарангки, худди шу маҳаллари қўлимга Абдулла Қаҳҳор асарлари олти жилдлигининг охириги томи тушиб қолди. Ҳамон эсимда, муқоваси қора эди. Китобни бир ўқидим, икки... Мақолалар, суҳбатлар, хатлардан ташкил топган китоб мени осмондан ерга тушириб қўйди, адабиёт косибчилик эмас, ўта мураккаб, машаққатли ҳунар эканлигини англади. Мен шариллатиб



ёзиб ташлаётган кўп машқларим “Бўри тишига сера кислотасининг таъсири” қабилдаги довдираш, тўғрироғи “адабий брак” эканлигини, “ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилмаслигини” тушундим. Мен “ёзилган нарсани ўчириш, китобхонга зарур гагларнигина қолдириш учун истеъдоднинг ўзи кифоя қилмаслигини, инсоф ҳам кераклигини” англаб етдим. Қарасам, ёзганларимда қолдиришдан кўра ўчирилиши керак бўлган жойлари кўпроқ экан...

Қисқаси, бу китоб мен учун ўзига хос адабий курс бўлди. Китобдан олинган узун-узун иқтибосларни ён дафтаримга кўчириб чарчамасдим. Олтинчи жилд узоқ йиллар ёстигим остида сақландиган китоб бўлди. Шунга қарамасдан, роса тарғиб-ташвиқ этганимдан сўнг қизиқиб қолиб, уни олиб кетган бир ҳаваскор танишим қайтариш муддати келганида “йўқотиб кўйдим” деб баҳона қилганида роса қуйганман...

Ниҳоят 1989 йили Абдулла Қаҳҳорнинг мақола ва суҳбатлари беш жилдлик “Асарлар”нинг бешинчи жилдида чоп этилди. Шундан буён бу китобни ёнимдан қўймайман.

Ўйлаб қарасам, Қаҳҳор қаламга олмаган мавзунинг ўзи қолмагандай. Қуни кеча “Ёшлик”чилар “Ўзингиз ёқтирадиган асарлар ҳақида бир нима ёзиб беринг”, деб қолишганида, мен беихтиёр улуг адибимизнинг “Яхши журналнинг қулоғи халқ кўксида бўлиши керак” деган мақоласини эсладим. Ёдингиздадир: “Журналнинг эндиги вазибалари адабиётимиз олдида турган умумий вазибалардан келиб чиқади. Адабиётимиз олдида турган вазибалар эса ҳамон халқ ҳаётини бўямасдан, бузмасдан кўрсатиш, яхши ҳаёт кечириш учун курашда халққа чин кўнгилдан ёрдам бериш бўлиб қолади”. Ҳайратланмай бўладими: худди шу бугун айтилаётгандай туюладиган бу ҳароратли сўзлар 1958 йили қоғозга тушган.

Ўзингиз айтинг, бундай китобни қайта-қайта ўқимай бўладими...



“Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф”.

Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2011 йил


Шап-шап дегунча шафтоли деб қўяқолган маъқул. Биз ҳамиша мулоҳазаларимизни соддароқ, ҳаммабоп-роқ, таъсирчанроқ, мазмунлироқ, иложи бўлса, қуйма фикрларда ифодалашга уринамиз. Бунақа пайтлари бизга дониш аҳлининг асрлар синовидан ўтган ҳикматлари кўмакка келади.

“Қалб кўзи” газетасида эълон қилинаётган мумтоз файласуфларнинг ҳаёти ҳақидаги мақолаларни, афоризмларини имкон даражасида тўглаб бораётгандим. Буни қарангки, уларнинг ҳаммаси жамланиб, китоб ҳолида чоп этилиб қолди.

Милетлик Фалесдан (милоддан аввалги 625–547 йиллар) юнон файласуфи Афлотунгача (милоддан аввалги 428–347 йиллар), хитойлик Мэн-цзидан (милоддан аввалги 372–289 йиллар) буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синогача, нишоптурлик Умар Хайёмдан фарангистонлик Франсуа де Ларошфукогача, инглиз Жон Локкдан олмон Иммануил Кантгача, фаранг Шамфорддан рус Розановгача буюк мутафаккирларнинг энг машҳур, сермазмун, моҳияти чуқур ҳикматлари китобдан ўрин олган.

Донишмандлик, тафаккур ҳеч қачон эскирмайди. Қаранг, бир томонда ҳазрат Сулаймон “Эртанги кун билан мақтанма, чунки у нималарни тақдим этишини билмайсан”, деб турибди. Иккинчи томонда эса пиреналик Биант “Бахтсизликка дош беролмайдиган одам бахтсиздир”, деб уқтирмоқда. Лао Цзи шарқона одоб ила “Билгувчи сўзламайди, сўзлагувчи билмайди”, деса, Демокрит “Нафақат ёвни енгганлар, балки ўз нафси устидан ҳукмронлик қила олганлар ҳам марддирлар”, дея унга жўр бўлаётгандай... Тап-тайёр ҳаётий шиорлар-да.

Хуллас, дунё тафаккур хазинасининг биргина қисмини ўзида жамлаган бу тўглам саҳифаларини чизиб белгилаб, қайта-қайта ўқишга, уқишга арзийдиган китобдир.



Баҳодир Йўлдошев. Суҳбатлар, мақолалар, эсдаликлар.

“San’at” журнали нашриёти. Тошкент, 2015 йил.

Театрни яхши кўраман. Маҳмудхўжа Бехбудий бобомиз “ибратхона” деб атаган театрни. Янглишмасам, Белинский ҳам “Театрга чопинг, театр остонасида вафот этинг”, деб ёзган.

Ибратхонага эҳтиром ва маълум тайёргарлик билан кирилади. Ибратхонадан қалбга боғлиқ недир таассурот олиб чиқмаслик эса, Ҳазратнинг машҳур таъбири ила айтганда, ҳаммомдан нопок чиқмоқдай гап.

Театрни яхши кўраман. Театрга бориш ҳақиқий байрамга айланишини, залга ҳаяжон ва эҳтиром билан қадам қўйишни, сахнадаги қахрамоннинг дарди менинг дардимга айланишини, у билан қўшилишиб кулишни, йиғлашни истайман.

Шукрки, юртимизда шундай театр, шундай асарларни сахнага олиб чиқадиган режиссёр бор. Биламан, бу соҳада билимим камроқ, лекин мен бу театрни, унда ўйнаётган актёрларни, режиссёрни тушунишга ҳаракат қиламан. Бу китоб менга ана шу ишимда қўл келади.

“Режиссёрлик театри ҳали вужудга келганича йўқ...”, “Театр – менинг инсофим, диёнатим, имоним...”, “Ҳамлет – менинг дўстим. Мен ҳар тонг унинг ёди билан уйғонаман, у билан бирга дунёдан нафратланаман ва у билан бирга шу дунёни севаман...”, “Юздан ортиқ спектакль қўйганман... Лекин шундан тўрт-бештасигина менинг асарларим. Булар – “Қароқчилар”, “Рўйхатларда йўқ”, “Бўронларда бордек ҳаловат”, “Қора камар”, “Келинлар қўзғолони...”, “Текисликдан кўра тоғда юриш осонроқ. Одатда, йўл юрилганда, у агар текис, равон бўлса, одам ухлаб қолиши мумкин...”, “Одамга қанча эркинлик берманг, ўзи истамаса, йўлини топмаса, у ҳеч қачон озод бўлолмайди...”, “Мен ўйлайманки, ўзбекларнинг биринчи драматурги – Навоий. Алишер Навоийнинг ҳар битта шеърдан спектакль яратса бўлади. Яхши етук, чиройли спектакль ёки фильм яратса бўлади...”, “Театрларимиз ўз томошабинининг савиясидан ҳам орқада қолди. У томошабин талабларига жавоб бериш даражасида эмас...”, “Бугун касбини тирикчилик ўтказиш воситасига айлантирган актёрга қандай қилиб Робия, Шайх Санъон ёки бошқа улуг инсонларнинг ролини ишониб топшириш мумкин...”, “Асл театр тарбия кўрган, ўқимишли, санъатни тушуниб қадрлайдиганлар учун муҳимроқ...”, “Армон битта – яхши спектакль қўйиш...”, “Хиёнатлар ичида энг оғири касбга қилинган хиёнат деб биламан...”, “Ҳақиқий инсон исён билан яшайди. Лекин бу исён биринчи навбатда одамнинг ўзига қаратилган, ўзига қарши бўлади...”, “Актёрнинг ўзи кам дунёда...”, “Энг ёмони китоб чиқаришга кўп интилиш...”, “Нима учун сахна баландроқда жойлашган? Фақат томошабиннинг яхши кўриши учун эмас, балки бу – сахнадаги актёр савияси, дунёқараши баландроқ бўлишининг рамзий белгиси. Ўшандагина у етакчилик қила олади...”. Булар ҳаммаси Баҳодир Йўлдошевнинг айтганлари. Мен бу фикрларни қайта-қайта ўқийман, яна театрни, сахна ижодкорларини тушунишга ҳаракат қиламан. Балки бу қўлимдан келмас. Нима қипти? Баҳодир ака айтганидай, “Премьера куни спектакль... ўлади”. Демак, репетиция жараёни муҳим. Камина учун эса театрни англашга уриниш жараёни аҳамиятлироқдек...

Йоханн Вольфганг ГЁТЕ. Фауст.

**“Янги аср авлоди”, Тошкент, 2015
йил.**

Дунёнинг энг сирли тилсимоти бўлган Инсон қалби учун кураш бу қадар маҳорат билан акс эттирилган асар жаҳон адабиёти дурдоналари ичида ҳам кам топилса керак. “Фауст” бир қараганда эзгулик ва ёвузлик, адолат ва қабохат, оқ ва қора рангларнинг ўзаро кураши иншосидек таассурот қолдиради. Аммо саҳифадан саҳифага ўтган сайин қаҳрамонларнинг мураккаб тақдири, феъл-атвори, борлиққа, дунёга муносабати, кенг кўламли зиддиятлар сизни ўзига мафтун эта боради. Ҳаттоки “... ҳаргиз ёмонлик тилаб – Яхшилик қилгувчи кучнинг бир қисми” бўлган Мефистофель ҳам қоп-қора бўлиб эмас, ранглар талошида кўрина бошлайди. Унинг ёддан чиқмас пичинглари-чи. Дейлик: “Ажабо, парвоз қилмоқчи бўласан-у, бошинг айланиб қолишидан қўрқасан...”

Муҳаббат асираси Маргарита-чи? Ўз ошиғига етиш ниятида онасига уйқу дори бериб ўлдирган, акаси Валентиннинг бево-сита қотилига айланган, ўзи дунёга келтирган фарзандини сувга отган бу шўрлик жувон энг шафқатсиз жазоларга мустаҳиқ! Аммо у ҳаётининг сўнгги онларида тавба қилади ва... кечирилади...

Асарнинг бундай қалбингизни ларзага соладиган кўпдан-кўп ўринларини қайта-қайта ўқийверасиз, ўқийверасиз...

Ёдимда, “Фауст” илк бор нашр этилган йиллари бир самарқандлик математик акамиз дostonдан узун-узун шеърларни ёддан ўқиб, ҳаммамизни ҳайрон қолдирганди. Кейинроқ ўйлаб кўрсам, бунинг сабаби Гёте қаҳрамонларининг – таржимон маҳорати сабабли, албатта – соф ўзбекча гапираётгани экан. Ўзингиз мана бундай ўзбекона мисраларга эътибор беринг: “Жилванинг умридур бир лаҳза фақат, Авлодларга қолур ҳақиқий санъат”. Ёки: “Гап кўп бўлаверсин, фикр шарт эмас. Халойиқни ҳанг-манг қилолсангиз бас”. Ёки: “Сизга нур керакми – мана чироқлар, Қанча керак бўлса аяманг, ёқинг”. Ёхуд мана бу жумлалар тагига бугунги кунимизнинг шоири ҳам жон-жон деб

имзо қўйган бўларди деб ўйлайман: “Инсон табиати уйқуга мойил...”, “Чинакам иқтидор йўқ бўлган жойда Пешона теридан қанчалик, фойда?!”

Мана бу мисралар-чи:

*Гоҳ илҳом забт этса қўнгилар кунжин
Учармиз чулганиб мовий туманга.
Лекин елкамизга осилган хуржун
Дарҳол олиб тушар бизни тубанга.*

Албатта, “Фауст”дек мураккаб асарни ўзим қандай тушунишга уринишим ҳақида узоқ гапиришим мумкин. Аммо бундай жўн мулоҳазаларга вақт сарфлагандан кўра асарнинг ўзини ўқиб қўя қолган маъқулроқ-ов...



Бертольд БРЕХТ. “Галилей ҳаёти”. Пьеса

Аввалига бу драманинг Таганкадаги театрда 1966 йили қўйилган сахна кўринишини томоша қилдим. Бош ролни Владимир Висоцкий ижро этган экан. Томошадан кейин матн билан шомасдан танишиш истаги туғилганди, бахтимга асар интернетда бор экан.

Дарвоқе, 1956 йилги Германия премьерасидан сўнг артистлар ҳаяжонга тушган томошабинлар талабига кўра сахнага олтиш марта(!) таъзимга чиққани, олмон танқидчилари эса “Спектакль немис театрида бурилиш ясади”, деб ёзганидан бохабар эдим, албатта.

Яхши асар барча замонлар учун долзарб аҳамият касб этиши оддий аксиомага айланиб улгурган ҳақиқат. Биз бундай воқеликни мазкур пьеса қисматида ҳам кўрамиз.

Ёзувчилар башоратгўй бўлишади. Муҳожирликда, Данияда 1938-1939 йиллари қогозга

тушган бу асар тез орада... атом физикаси билан боғлиқ равишда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Пьесада тарихий фактларга суянилган: XVII асрда Италияда яшаган Галилео Галилей кардинал-инквизитор талабига кўра, тўғрироғи, қийноқ асбоблари намоиш этилганидан сўнг ўз илмий қарашларидан воз кечади. Бироқ олим тадқиқотларини яширинча давом эттираверади: “У барибир айланаверади!” Ниҳоят 28 йиллик изланишлар натижаси бўлган қўлёмасини мамлакатдан яширинча олиб чиқиб кетишни шогирдидан илтимос қилади.

Айрим мутахассислар ёзувчи бу асари билан тамаддуннинг техноцентриқ ривожланишини ёқламоқда, деган хулосага келишди. Тез орада атом бомбасининг яратилиши, ҳатто унинг инсониятга қарши қўлланилиши бу фикрни тасдиқлагандек бўлди. Бироқ бошқа мутахассислар илм-фан тараққиёти йўлида Галилей тутган айёрони йўлни маъқуллашди.

Бу мунозаралардан қатъи назар, асар, энг аввало, бадий жиҳатлари, образларнинг пишиқ-пухталиги билан эътиборни тортади. Бир мисол. Устозидан ҳафсаласи пир бўлган шогирд Андреа газаб билан: “Ўз қаҳрамонлари йўқ мамлакат бахтсиздир!” дейди. Бу эътирозга Галилей хотиржамлик билан, донишмандларча жавоб қайтаради: “Йўқ! Қаҳрамонларга эҳтиёжи бор мамлакат бахтсиздир!”.

Умуман, пьесада Брехтга хос топқирлик, фикрни тўлақонли асослаб бериш истеъдоди ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Қаҳрамонларнинг мана бу гапларига эътибор беринг: “Тўсиқлар кўпайганида икки нуқта орасидаги энг яқин масофа эгри чизиқ ҳам бўлиши мумкин...”, “Ҳамма нарсага ҳам зўрлик билан эришиб бўлмайди. Зўрлик мутлоқ ҳукмдор куч эмас...”, “Ҳақиқатни билмаслик аҳмоқлик, холос. Бироқ уни била туриб, ёлғон деганлар жиноятчилардир...”, “Ҳадеб фақат қирғоқ бўйидагина чўмилавермасдан, қачондир очиқ денгизга ҳам чиқиш керак...”, Ва ниҳоят бутун асардан “қизил ип” бўлиб ўтган ғоя: “Мушоҳада юритмоқ бу – инсониятга ато этилган энг буюк неъматлардан биридир!”

Ҳа, бундай асар устида ҳар қанча мушоҳада юритсангиз арзийди...



Фёдор Михайлович ДОСТОЕВСКИЙ. “Ака-ука Карамазовлар”.

Кундалигимга ёзиб қўйган эканман:

“Бу романни ўқиш оғир.

Бироқ ўқимаслик ҳам мумкин эмас.

Ҳар гал тез тугаб қолганига афсусланган кўйи китобнинг сўнгги саҳифасини ёпарканман, мана шу асарни Инсон боласи ёзганига ишонгим келмайди...”

Афсуски, кичкина бир мақолачага катта роман-дан олинган катта таассуротларни ҳаттоки мухта-сар тарзда ҳам жойлаб бўлмайди.

Мен ўзим романнинг иккинчи қисмидаги “Буюк инквизитор” бобини қайта-қайта ўқийман. Бобда эзгулик ва ёвузлик, яратгувчи ва йўқ қил-гувчи, оқ ва қора куч ўртасида баҳс кетади. Назаримда, романнинг энг юксак, инсоннинг онг-шуури, ақли бовар қилмас юксакликдаги чўққиси мана шу мулоқотда акс этган.

“Буюк инквизитор”ни ўқиб чиқиб, унинг таъси-рида юрган чоғларим беихтиёр инсоният тарихи-даги энг ёвуз, энг қонхўр диктаторлар, монархлар, подшолар, императорлар, қироллар худди тўқсон ёшли мутаассиб кардинал каби фикр юритгандек туюлаверди. Зеро, уларнинг ҳеч бири “Ўзим учун қон тўкаятман” ёхуд “Эрмак учун минг-минглаб одамларни ўлдираятман”, демайди, балки ўз ёвузлигини сохта шиорлар ортига яширади. Энг ёмони – аксар ҳолларда улар ўзларининг гагла-рига ишонадилар ҳам. Ишонч аралашган жоҳиллик эса ваҳшийлик туғдиради.


Достоевский даҳоси бу ҳодисотни қанчалар теран англаган, қанчалар чуқур тушунган ва шун-чалар шафқатсизлик ҳамда қатъият билан китоб саҳифаларига кўчирган.

Наҳот ошқозон дарди, бир бурда нон қайғуси бани башар минглаб йиллар давомида амал қилиб келган инсоний муносабатларни хазондек супуриб ташлай олади?

Бу-ку давлат миқёсидаги “Буюк инквизитор”лик эди. Бу ҳол кичикроқ миқёсда, алоҳида олинган худудда, дейлик, бирор жамоада ёинки оилада қай шаклда пайдо бўлиши мумкин? “Оила” ёки “Жамоа манфаатлари”ни ўзига байроқ қилиб кўтариб олган “Буюк инквизитор” қандай воситаларни ишга солган бўларди?.. Жамиятда “Буюк инквизитор”ликка қарши куч қандай шаклланади? Оломон онги, тафаккури қай йўсинда ўзгаради? Бу жараён тадри-жий равишда рўй берадимми ёки инқилобий тарзда?

Саволлар, саволлар...

Биттагина боби шунча ўй-мулоҳаза туғдирган йирик роман ҳақида узоқ гапириш мумкин...



Николай Васильевич ГОГОЛЬ. Қадимги замон помещчиклари.

Рости, қисса мазмунини бировга гапириб беришга қийналасиз. Ҳа, ана, Малороссиянинг олис бир хуторида ошани ошаган, ёшини яшаган чол-кампир умрларининг сўнгги йилларини ўтказишмоқда. Ҳа, ана, улар бир-бирларига ўлар-дай меҳрибон. Айниқса, кампир чолига.

Ҳа, ана, Афанасий Иванович Товстогуб бироз хўра, овқат ейишни хуш кўради. Пульхерия Ивановна Товстогубиха эса ўта содда, ҳатто айтиш мумкинки, сал лақмароқдай.

Бироқ... асарни ўқий бошлайсиз ва, ишончим комилки, то сўнгги нуқтасига қадар бош кўтарол-майсиз. Бу фавқуллодда гўзал қисса...

Ҳамиша бир-бирига “сиз”лаб мурожаат қила-диган, фарзандсиз, узун кун-тунларини тўкин дастурхон бошида ўтказётган, келган меҳмондан айланиб-ўргиладиган чол-кампир.

Барака меҳрдан туғилади, деганлари рост шекилли. Чол-капир истиқомат қилаётган кўрғон ҳам тўкин-сочинликнинг тимсолига айланади гўё: омборлар донга тўлган, товуклар саноксиз тухум қилган, ўрмон гуллаб-яшнаган, хуллас, ҳамма ёқ “сен же, мен же”.

Бироқ кутилмаганда кампир хасталаниб, вафот этади. Орадан қисқагина фурсат ўтар-ўтмас эса кўрғон таназзулга юз тутади: чорва қаровсиз, егуликлар ўғирланган, омбор хувиллаб ётибди... Ёзувчи бу вайронагарчиликни кўриб ҳайратга тушади. Абгор аҳволда қолган бемор қариянинг васияти эса “Мени Пульхерия Ивановнанинг ёнига қўйинг” бўлади...

Ёзувчининг сеҳрли тили мўъжизалар яра-тади. Бир ҳолатнинг ўзини ўқш асносида йиғлай туриб кулиш ва, аксинча, кулиб туриб йиғлаш мумкинлигига айнан шу асар мутолаасида яна бир бор иқрор бўласиз. Бизга шундай сеҳрли асар қолдирган Гоголь даҳосига шарафлар бўлсин!..

Исажон СУЛТОН. Боғи Эрам. Қисса ва ҳикоялар.

“Шарқ” НМАК, Тошкент,
2015 йил.

Исажон бало. Қўлидан кўп нарса келади. Сўзларни зўриқмасдан, дид билан, битта-битта-лаб териб чиқадики, ўқий туриб ақлингиз шошади. Буюм камдай, сизни тамомила мағлуб этмоқ қасдидами, муаллифи сизга камтарона жилмайиб қараб тургандай туюладиган асарларни ич-ичидан ёритиб турган ёғдулар талоши кўринадиди; булар иқтидор, маҳорат, самимият ва, шубҳасиз, улкан дард ҳосилаларидир... Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шу китобни ўқиб чиқиш кифоя.

Тўтламда камина алоҳида иштиёқ ва изтироб билан қайта-қайта ўқийдиган бир ҳикоя бор. Бу “Ота қасидаси”.

Ҳикояда бир қарашда оддийгина воқеа қаламга олинади. Кечки пайт. Ёмғир шивалаб ёғиб турибди. Чироқлар ёғдусида товланаётган ресторан эшигида икки “бақувват дарбон” турибди.

Ёмғирда “анчайин ивиган”, “дўппи кийган” бир киши шу дарбонлар ёнига келиб, ичкарига кириб, юз-қўлимни ювиб чиқсам майлими, деб сўрайди.

Табиийки, тажрибали, ўз ишининг усталари бўлган дарбонлар бир қарашдаёқ бу “юпунгина одам”нинг ресторан мижози эмаслигини “аниқ-равшан” англаб олишади ва “қош чимириб, бош чайқашади”.

Қаранг, шундан кейин ҳам “у одам иккиланиб бироз турди. Кейин, ёмғир томчилаётган қизил йўлакдан қаддини букканча” кетди. Шу билан ҳикоя тугайди гўё.

Ўйланиб қоласиз. Нега “у одам” рад жавобини олганидан кейин ҳам “иккиланиб бироз турди”; нега шоша-пиша қайрилиб кетавермади; илло, сал эътироз билдиргудай бўлса, бу шафқатсиз “бақувват дарбонлар” унинг қўлларини қайирганча, катта йўлга диконглатиб судраб олиб чиқиб ташлашлари, ҳатто бир қоғ пахтадай иргитиб юборишлари аён-ку? Ё бир-икки сўм чойчақа бермоқчи бўлдимикин? Э, йўқ, “юпунгина одам”нинг ҳар чақаси ҳисобда бўлади, инчунун, у пулини аяб ишлатади, тежаб ишлатади. Йўқса, нечун у “қизил йўлакдан қаддини букканча” кетди? Бир лаънати бадрафхонани ундан қизганлардан ранжидими? Дили озор чекдими? Қимматбаҳо



либосларда, қиммат аробада келганида мана шу одамтан дарбонлар эшик тавақаларини кенг очиб, ҳаттоки эгилиб, таъзим ҳам қилиб туришларини ўйлаб эзилдими?..

Шундай бўлгани эҳтимолга яқинроқ. Илло зар ёқали дарбонлар менсимаган, ҳаттоки ижирғаниб қараган бу зот ҳазрати Инсон эди, Ота эди! (Ахир, ҳаммамизнинг ёдимизда бор: “Инсон ёнингда-ку, у менинг кўшним...” Абдулла Орипов)

Бу онасига буюк муҳаббат, эҳтиромлар ила “Сен бўлмасайдинг, мен ҳеч ким эдим”, дейдиган, “ақли тўлишгач, онасининг оёқларини ювиб, кўнгли тусаган нарсаларни олиб келиб, оғзига овқат тутиб ёнида ўтирган” Инсон эди.

Бу ўз волидасига “Мени деб Худодан ҳам кўрқмасмидинг, она?.. Арзимаган сифатларимга суюниб, мен билан мақтанишингни ҳам билмасмидим? Бўй-бастимга қараб суюнганларинг-чи?.. Ўзинг емай менга едирганларинг, ичмай менга ичирганларинг, ахир, ўзинг бир тишламгина есанг бўлмасмиди, онам?..” деб турган Фарзанд эди.

Бу “Ҳаётнинг олатасирларида озорлансам, райҳонлар иси анқиган, гуллар очилган, сувлар сепилган ҳовлимга киришим билан бари эсимдан чиқиб кетар, ёш оиланинг маликаси жилмайиб кутиб олар эди...” деб турган Эр эди.

Бу “Бу ёруғ оламда шунча йил яшасам-да, қанчалар ажойиб мўъжиза эканингга маҳлиё эсам, нима қилай?.. Жужуқлигингда сени “ой қизим” деб суйган бўлсам, кейинроқ “она қизим” деб суяр бўлдим...” деб турган Ота эди.

Бу шундоқ Инсон эди...

Инсоннинг “кўнглини буздилар”, энди ким унинг “хотирини шод” айлағай? Ким?.. Сизми, менми, уми?..

Не тонгики, бу саволнинг жавоби ҳикояда бор. Келинг, жимгина ўқийлик, жимгина уқайлик: “Энди сизу бизнинг қилар ишимиз – эшик оғзидан турган, муҳташам отелнинг муҳташам кийимли малайларига мана шу гапларни етказиб кўйишдан иборат, холос.

Яна, агар кўчада кийимлари хийла уринган, ўз хаёллари оғушида кетиб бораётган, сочлари барвақт оқарган ўрта яшар бир кишини кўриб қолсангиз, Яратган Эгамдан нигоҳингизга теранлик, қалбингизга тиниқлик сўраб илтижо қилинг!

Ахир, у – Отадир!”

Кнут ҲАМСУН. Эсселар

Норвегия ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати Кнут Ҳамсун (1859–1952 йиллар) қаҳрамонларини Достоевский қаҳрамонларига ўхшатишади. Билмадим, балки адашаётгандирман, аммо “Мистериялар”, “Пан”, “Гланнинг ўлими”, “Ишқ гадолари” асарларида бу ўхшашлик унча кўзга чалинмагандай туюлди.

Бироқ ёзувчининг эсселари бошқа гап. “Ғайри шуурий руҳий ҳаёт ҳақида”, “Секинроқ шошил”, “Психологик адабиёт” деб номланган бадиаларни ўқиб, юқоридаги фикр ҳақиқатлигига ишонч ҳосил қилдим.

“Одамлар Тангрини унутиб қўйишди. Қудратли доллар унинг ўрнини босолмайди. Техник ихтиролар эса руҳий эҳтиёжларни қондиrolмайди. Натижа – боши берк кўча”, дея шафқатсизлик билан ёзади Ҳамсун “Секинроқ шошил” эссесида. Худди шу бадиадаги “Шарқ халқларини фавқулодда ахлоқий донишмандлик ажратиб туради”, дея эътироф этиши ёзувчи машриқ адабиёти билан яқиндан таниш бўлганлигини кўрсатади.

Адиб бадиасида “Тараққиёт ўзи нима?” деган саволни ўртага ташлайди ва унга ўзи жавоб қайтаради: “Тараққиёт инсон танасига осойишталик, кўнглига эса хотиржамлик ато этишдир. Тараққиёт халқ фаровонлигидир”.

“Одамлар ўзгардимми, бу адабиётда ҳам акс этиши керак”, дейди Ҳамсун “Психологик адабиёт” бадиасида.

Энди эсселардан бирида қаламга олинган, тасвирнинг Достоевскийга хослиги (достоевскийчилик хасталиги) билан ҳам ўқувчини ларзага соладиган бир воқеа хусусида.


...Тонг. Ёзувчи қаламқаш дўсти билан кўча айланмоқда. Улар ёзувчининг уйига қўшни ҳовлида беш-олти ёшли болакай бобосини от қилиб минаётганини кўриб қолишади. Болакайнинг қўлида қамчи, “от”ни аямай савалайди. Чарчоқдан оёқ-қўли қалтираётган бобо эса ўзига азоб беришаётганидан мамнундай...

Ҳамсуннинг дўсти хитоб қилади:

– О, нақадар бахтиёр кексалик!

Ёзувчи унга эътироз билдиради:

– Аслида бу қийналаётганидан бахтиёр чол. У менинг қўшним. Қизининг қўлида, ярим оч ҳолида яшайди. Егани – қаттиқ нон. Бугун тонгда у қизи ўзининг ўғли, яъни манави болакай учун яшириб қўйган пишлоқни ўғирлаб еди... Мана энди виждон азобини сал босиш учун ўзини қийноқларга маҳкум этмоқда...



Улуғ ёзувчи мана шу хусусий ҳодисадан умумий хулоса чиқаради: “Бу қария инсон меҳрининг тажассумига айланган тип ҳам, характер ҳам эмас; муайян вазиятда ўзига хослиги, қалб ҳолати акс этган индивид. Унинг бутун вужуди руҳий зўриқишда... Демак, невараси билан ўйнаётган чолни кўрганим заҳоти уни кўнгилчан ғамхўрга чиқарарканман, гап унинг қалбидаги эмас, менинг қалбимдаги содда болакай ҳақида кетаётган бўлади...”

Балки шу сабабдир, Ҳамсун умумий типлар яратаётган ёзувчилар асарларига ишонқирамай қарайди, уларнинг қаҳрамонларини бир ракурсда, тор аспектда яратилган образлар деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, айнан ўша қаҳрамонларда ҳам қаламга олинмаган, ёритилмаган ўзгача феъл-атворлар бўлиши аниқ. Шу сабабли “типик” қаҳрамонлар ёзувчини сира қаноатлантирмайди (қаранг-а, социалистик реализмнинг гўри ўша пайтлариёқ қазиб қўйилган экан).

Шу йўсинда мулоҳаза юритаётган ёзувчи фаройиб хулосага келади: “Психолог (демак, ёзувчи) ўз персонажи қалбини ёритиши ва сўроққа тутиши лозим”. Ҳамсун бир умр мана шу ақидага амал қилиб яшади. Унинг асарларининг, қаҳрамонларининг умри боқийлиги сабаби ҳам шунда бўлса керак...

Иродадан яралган жон



Шахло ҚУРБОНОВА
(1977–2014)

Шахло тақдир тақозоси билан 11-12 ёшларида қандли диабетнинг оғир турига дучор бўлди. У бедаво дардга чалинганига қарамасдан мактабни аъло баҳоларга тугаллади. Ота касби мусаввирликка ихлос қўйиб, дастлаб собиқ Бенков номидаги санъат коллежини, кейинчалик эса Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтини ҳам битирди. У ажойиб расмлар чизди, санъат коллежида ёшларга сабоқ берди. Аниқроқ айтганда, айрим тўрт мучаси соғ инсонлардан кўра самаралироқ меҳнат қилди. Шахло санъатнинг рассомчилик тури билан кифояланиб қолмай, бир қатор гўзал ва дардли шеърлар ёзди. Мен бу қизимизни ижодкор сифатида бадиий жиҳатдан пухта, зўр шеърлар ёзди, дея олмайман. Муҳими, ўз шеърларида ҳиссиёт ва дардларини ўзига хос ифодалашга ҳаракат қилди.

Бу ибратли ҳаёт йўли ҳар биримизни мулоҳаза қилишга, умримизнинг омонатлигию шу берилган фурсатда яхши ишлар қилишга, асосийси, инсон бўлиб яшашга даъват этиши билан қимматли, деб ўйлайман.

Абдумажид АЗИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Синган чизиқлар

Минг бора тикилгин, минг бора қара,
Синган чизиқларни кўра олмасан.
Сувратига эмас, сийратга қара,
Шунда ҳақиқатни кўриб толмасан.

Отам ва онаизорим

Ҳар гал игна санчилганда танамга,
Гўё ханжар урилади онамга.
Ҳар гал дарддан чекканимда оҳ, фигон,
Отам азоб тортар менинг ўрнимга.

Улар юзларида табассум кўрсам,
Фарзандлар қатори хизматда турсам,
Қарзим узиларми ёруғ дунёда,
Ота-онам изин кўзимга суртсам.

Яхшиямки баҳор келди

Баҳор гули ифорлари димогимни қитиқлар,
Кўзларимнинг жилосини эслатади шудринглар.
Сенинг босган изларингдан унди тикан, чағирлар,
Сендан қолган хотирани ювиб кетди ёмғирлар.

Баҳор сувин симириб, ёмғир куйин чаламан,
Шамол билан қувлашиб, ёзни тутиб оламан.
Кузда маҳзун барглари кўксим билан тўсаман,
Совуқ қишнинг қаҳрини меҳрим билан кесаман.

Юракдаги бўшлиқларга тўлиб кетди лолалар,
Ўтиб кетган қаҳратонда қолиб кетди нолалар,
Яхшиямки, баҳор келди, янги бўлди япроқлар,
Сендан қолган эски дардни кўмди сахий тупроқлар.

Икки кўтб

Ҳикоя

Жувон дераза олдида музтаргина турибди. Нигоҳи дераза кўзларига шитир-шитир урилиб, сирганиб-сирганиб тушаётган томчиларга қадалган.

Алланечук товуш таралади. Юракни ўртаб юборгудек аламли товуш. Гўёки ёмғир фиғон чекаётгандай, нола қилиб йиғлаётгандай.

“Бу қандай сир бўлди?” – ёмғир манзарасига қараб жувоннинг юраги ҳаприқади.

Деразадан нарёғи оппоқ туман, одамни ром этгулик ҳеч вақо йўқ. Бироқ ана шу туман бағрини ёриб, ёптирилиб урилаётган ёмғир жувоннинг нигоҳига ришта улаган.

Йўлакдаги эшик очилиб-ёпилди. Оёқ товушининг “дўп-дўп”и, кейин йўғон овозда кимнингдир йўталгани эшитилди.

Жувон сергак тортиб йўлакга шошиб чиқди.

Шахвари. Кўлида қагпайган елимхалта. Афт-ангори бир аҳволда, ивиб кетибди.

Жувоннинг эрига раҳми келди: “Шамоллаб қолмасин, бояқиш”.

– Ёмғир ёғишни туш кўрибманми, кўққисдан ура кетса де, палакат..

– Ундай деманг, – жувоннинг кўнглида уйғонган меҳр ўрнини алланечук оғриниш эгаллади, – ундай деманг!

Йигит анграйиб қолди. Севинчи ичига сиғмаётган рафиқасининг фавқулудда тўнини тескари кийиши таажжубга солди.

Жувон тумшайиб, ичкари кирди. Тагин дераза олдида силжиб борди. Маъюсхол ёмғирни томоша қила бошлади.

Чордевор ҳаммомнинг эшиги товуш берди.

Йигит шалаббоси чиққан кийим-бошини жон-жаҳд-ла ўнг-чагга айлангириб, сиқди. Тоғорага шариллаб сув тўкилди. Ёмғир суви.

Йигит суви сизиб олинган энгил-бошини шундайгина дорга ёйиб қўймади. Бир-икки сира илиқ сувга чайиб олди. Шундан кейин дорда кийимларининг ҳовури кўтарилди.

Жувоннинг кўзларида ёш балқиди. Деразага термула туриб йиғлаб юборди. Товуш чиқармаслик учун лабларини қимтиб олди.



Умид АЛИ

1978 йили туғилган.

Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Дилмоҳим”, “Кўкка йўл”, “Салом, ширин туйғулар” шеърый ва насрий китоблари чоп этилган.

“Гофил у, фирт жоҳил... – койиган бўлди эрини. – Шугинани ҳақорат қилса-я, бефаҳм...”

Дераза сувга бўккан, ҳануз “кўзёш” тўкяпти.

“Ахир... ахир чора тополмай, ўзини шу ерга уряпти, нола қиляпти-ку, бу одам бўлса... эҳ...”

Жувон энди ҳовучи билан юзини яширди.

Йигит газ плитаси мурватини буради. Гугурт қақиб, олов ёқди. Қўлларини гуриллаб ёнаётган оловга қалади.

Хур-хур ёнаётган оловдан завқ туйди. Кўзлари яшнаб кетди унинг. Сезилар-сезилмас жилмайди.

Олов шуъласи йигитнинг бор вужуди узра таралди. Сўнг бу қалби... руҳига ўтди.

Туйқус ёмғир тинди.

Туман чок-чокидан сўкилиб, пора-пора бўлди. Атроф тиниқлашди.

Рўпарадаги баланд уйлар, икки-уч терак бўйли катак-катак бинолар шундайгина кўз олдида ястаниб турди.

Мусаффо осмон тагин бўй берди. Тип-тиниқ.

Жувон дераза кўзларида илиниб қолган томчиларга ғарибгина боқди. “Шар-шарр”, “шитир-шитир”ларга ўрганган қулоқ ён-верга сер солди.

Йўқ, томчи товушлари батамом тинган; тева-ракни энди еру осмонга бўйлагулик “ку-ку”, “чирқ-чирқ”...лар эгаллаганди.

Йигитнинг чехраси ёришди. Ҳануз дераза олдида қозикдай қадалиб турган жувон томон йўналди.

Йигит дабдурустдан парипайкарининг нозиккина елкаларини кучиб олди.

– Ана, офтоб ҳам чикди, – астойдил шодланди йигит.

– Ёмғир... – қолган гапти бўғзида қолди жувоннинг.

– Қўйсанг-чи, офтобни қара, яшнатганини қара, олам нурга тўлди-ку...

Жувон индамади. Енгилгина бош ирғаб тасдиқлаган бўлди-ю, ичикди.

Ёмғирни қўмсади.

Тунда момақалди роқ гумбурлади. Яшин чақди. Сўнг тева-ракни “шитир-шитир” товушлар боса кетди.

Йигит бошини кўрпага бурқаб олди.

Жувон тўшакдан сирғалиб чикди. Дераза олдига шошилди.

Илҳом париси

Ҳикоя

Илҳамгина ётоқ. Оппоқ жилдли кўрпа-ёстиқ тўшалган симтўр каравот, қўш тортмали стол ва суюнчиғи бор стул, икки тоқчасида ҳам катта-кичик китоблар зич тизилган қаҳваранг жавон. Хона одмигина жиҳозланганига қарамай, кишини ўзига жалб этади. Тўшак гўё ўн йилдан бери ҳеч ким ётмаганидан дарак беради. Стол устидаги тунчироқ, қаламдон, ўчирғич ва бошқа майда-чуйда ўқув қуроллари сақланадиган ўртача катталикдаги цилиндр кути, устма-уст терилган китоб ва дафтарлар нақ натюртмортни эслатади. Фақат битта буюмгина ажралиб, стол чеккасида “аразлагандай” турибди. Мана шу нарса дарров диққатингизни ўғирлайди. Қизиқсиниб қўлга оласиз, жилдига юрак тасвири туширилган бежиримгина ёндафтарча. Шу дам нимадир рўй беради: вужудингизда бир нималар ўрмалайди. Бир кафтча келмайдиган шу дафтар сеҳрлаб, сизни ўз домига тортиб кетади. Беихтиёр варақлашга тушасиз:

Биринчи варақ. Юракка қадалган камон ўқи расми. Юракнинг нариги тарафини ёриб чиққан учидан тўқ қизил қон томчиляпти.

Иккинчи варақ. Саҳифани бор бўйича энлаган улкан юрак. Тарс ёрилган.

Учинчи варақ. Юрак “дук-дук” этипти: гоҳ таранглашиб, гоҳ ичга ботяпти.

Тўртинчи варақ. Камондан ўқ узишга шайланаётган қанотли гўдак. У осмон ва ер оралиғида муаллақ туриб, ўлжани нишонга оляпти.

Бешинчи варақ. Юрак занжирлаб ташланган, занжирнинг уч-кети кўринмайди.

Олтинчи варақ. Юрак кўксидан ўтирилган, ковак. Ичи зим-зиё тун.

Еттинчи варақ. Иккита юрак қўшув белгиси орасида турибди. “=”дан сўнг ҳайбатли сўроқ белгиси бор.

Саккизинчи варақ. Юракка гулчамбар илиб қўйилган. Чамбардаги гуллар ранг-баранг.

Тўққизинчи варақ. Осмондан гуллар уваланиб, ёмғирдай севалаб тушяпти. Гулёмғир остидаги юрак гулюралка айланган.

Ўнинчи варақ. Қўш юрак. Бири иккинчисининг бағрига ботган.

Ўн биринчи варақ. Сон-саноксиз митти юраклар. Жуфт-жуфт бўлиб, бош-адоғи кўринмас нурли йўл узра кетиб боришяпти.


Ўн иккинчи варақ. Юракда кўз тасвири бор. Одам сингари оғиз, қўл-оёқ, қошлар ва бошқа аъзоларга ҳам эга.

Ўн учинчи варақ. Юрак тимқора кўз ойнак таққан.

Ўн тўртинчи варақ. Юрак қўлида тўппонча. Қоқ кўкрагига қадаб, тепкини босишга шайланаяпти.

Ўн бешинчи варақ. Мана шу ерда чизмалар тўхтаган. Кейинги варақлар қордай оқариб турибди. Фалати рамзлар, ғам ва қайғу, севинч ва шодлик кайфияти, ҳажр ва васл ҳислари, изтироб-аламлар ранги сингган бу тасвирлар ғайришуурий ўй-хаёлларга етаклайди.

Дафтарни ёпиб, оҳиста жойига қўясиз. Шу асно эшик “ғийқ” очилиб, ичкарига бир ўспирин йигитча кириб келади. Чамалайсиз, нари борса ёши ўн тўрт-ўн беш атрофида. У кела солиб, стулга ўрнашади. Тунчироқни ёқади. Хонага гира-шира нур таралади.



Донг қотасиз: “Қоронғида расмларни қандай кўрдим?”. Ҳайратдан ёқа ушлайсиз: у сизни кўрмаяпти. Сиз унга кўринмаяпсиз. Ажабо?!

Йигитча дафтарни қўлига олади. Филофдан қалам, ўчирғич олиб, иш бошлайди. Сиз унга яқин сурилиб келасиз, ордидан нафас чиқармай, жим кузатасиз.

Мана, у расм чизаяпти, бироқ чизмаси сизга кўринмаяпти. Кимнинг, ниманинг сувратини ишляпти – номаълум. Лекин сиз мана шу тиришқоқ йигитчани аниқ-тиниқ кўриб турибсиз. Ҳатто ҳар лаҳзада олиб-чиқараётган майин

нафасини, уриб турган юраги зарбларини, вужудию қалбининг ҳароратини илғамокдасиз. Гўё ғайритабиий шуур сизга унинг бутун борлиғи ҳақида киши билмас ахборот етказиб тургандек.

Ниҳоят, йигитча юмушини бажариб, дафтарни ёпади. Кўзларини ишқалайди, эсноқ тутуди. Нигоҳи билагидаги соатга тушади.

Вақт алламаҳал бўлган. Ҳозир одамлар донг қотиб ухляпти. Йигитча чироқни ўчиради-да, тўшакка сурилиб боради. Шитир-шитир ечинди, кўрпа бурчини кўтариб, орасига секин киради...

Сиз тагин қизиқиб, дафтарни қўлга оласиз. Варақлайсиз...

Мана, ўша ўн бешинчи варақ. Ҳеч қаери қимтилмаган, гард тегмаган юрак. Осмону фалакда парвоз қиляпти. Ордидан сон-саноксиз йўқ қанот битган юраклар... Қоронғи тунда шуъла таратиб учишяпти.

Ҳайратга чўмасиз. Муҳаббат. Сиз бу ўспириннинг қалбига солган завқ-шавқ, сурур ўз кучини кўрсатганидан ўзингиз ҳайрон қоласиз.

Шундай хулоса ясайсиз: илҳом ўз номи билан илҳом-да?!

Навоий ЛУҒАТИ

Алишер Навоий асарларини ўқирканмиз, она тилимизнинг қанчалик бойлигини, қамрови ва имконияти кенглигини туямиз. Ҳатто бугун ифода-далашга қийналиб юрган миз айрим тушунча ва жиҳозларнинг соф туркона номларини учрати-б, кўнглимиз ҳайрат ва қувончга тўлади. Ушбу рукн 1972 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Навоий асарлари луғати” китоби асосида тайёрланди ва иложи борида туркий (ёки туркийлашган) сўзлар танлаб олинди. Ўқинг, бу сўзларнинг бугунги шакли ва маъно товланишлари билан қиёсланг, тилимизнинг рангин жилоларидан баҳраманд бўлинг.

Аёлғу – мусиқа асбобларидан бири; ўлан, ашула, ялла, куй, оҳанг, таъсирли кўшиқ

Аёқ(ғ) – коса, пиёла, қадаҳ

Алиқ – ем-хашак

Арбоқ – авроқ, авраш

Ариғ – покиза, соф

Арғадол – тоғ этакларидаги пастак тепалар, дара; пастқам ерлар, пистирма.

Асиғ – фойда, баҳра.

Ахтаци – отбоқар, отга қаровчи

Бадшеърлик – ўз шеърини ёмон айтиш, ижод сустиги

Басма – читгарларнинг читга гул босадиган қолипи

Бедав – чопқир от

Бекач – қиз бола

Бергу – солиқ, бериладиган

Бер(и)к – қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ; яширин, махфий, хилват.

Бибак – кўз қорачиғи

Бийиз – бигиз

Би(й)ламак – қайрамоқ, ўткирламоқ

Билов – қайроқ тош

Билтак – дудук, тутилиб гапирадиган

Бичак – игна, сўзан

Бовурчи – ошпаз

Божин – Пекин шаҳри

Бойир – қир, тепа, баландлик ер

Бойри – синашта; эски, қадимий

Бойғизи – қуруқ мақтанчоқ, ҳовлиқма

Болчоқ – даста, балдоқ

Боре – ҳеч бўлмаса; энди

Ботлиғ – тезлик

Боғий – биргалашиб, биргаликда

Боғиш – чодир остонаси

Булғоқ – тўпалон, ғавғо: фитна

Бурно – илгари, бурун

Бусмоқ – писмоқ; тузоқ қурмоқ, яширинмоқ

Бўктар – темир

ҳалқачалардан тикилган уруш кийими

Бўртоғ – бўртмали, паст-

баланд, уқур-чуқур, нотекис ер

Бўхсамоқ – эзилмоқ, қийналмоқ

Вода – уруғ, насаб; бирор нарсанинг асли

Гугирд – гугурт

Дабқур, допқур – карра, марта

Дадақ, додақ – чўри, қул аёл

Дегул – эмас

Дой – лой, пахса, пахса девор.

Долбой – ов қушини

қўлга келтириш учун

кўрсатиладиган гўшт

Долдо – орқа, орқа жой, пана жой; таянч

Доримоқ – пайдо бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; йўлиқмоқ

Доруға – шаҳарда тартиб сақловчи маъмур, шаҳар бошлиғи

Доғи – тағин, яна.

Дўлашмоқ – ўралишмоқ, айланишмоқ

Дўлту – сиртлон



Гемерда

романтика қолмади

Можор очерки

Добшинада бозор бўлган кунлари Карханиха камтир черков ёнида рўмолча сотиб ўтиради. Яқин-атрофда Юраш юрганини кўриб қолса, ўша заҳоти мовий ҳошияли қизил рўмолчаларини қутисига беркитади.

Нега дейсизми? Сабаби бор. Беш йил олдин Юраш Маруша Пухаловага худди шундай рўмолча сотиб олганди. Гарчи тўрт йилдан кўпроқ қизнинг кўнглини овлаб юрган бўлса-да, уйланмади.

Шундан буён Юрашнинг бу хил рўмолчаларни кўргани кўзи йўқ. Доим жанжал кўтаради:

– Нега бундай рўмолчаларни сотяпсан, камтир?

Беш йил олдин ҳам Добшинада бозор бўлди. Юраш бу ерга Маруша билан бирга келди, унга рўмолча олиб бериб, шаҳар қовоқхонасида меҳмон қилди, қайтишда эса (Гнилсагача тўрт соатлик йўл бор-да) муҳаббат изҳор этди.



Ярослав ҲАШЕК
(1883–1923)

Чех сатирик ёзувчиси. 1500 яқин ҳикояси бор. Илк китоби – “Май қичқириқлари” шеърӣй тўплами 1903 йили дўсти Ладислав Гаек билан ҳаммуаллифликда нашр этилган. “Азамат аскар Швейкнинг бошидан кечирганлари” романи билан шуҳрат қозонган.

Ориф ТОЛИБ
таржимаси

Эскартма:
Гемер - Шимоли-шарқий Словакия
(ҳозирги Юқори Венгрия)даги
округ номи.

Ушбу ажойиб кун оқшомга яқин икки жандарм Юрашни Спешка Нова Весга – судга олиб кетди. Сабаби – ўрмонда рухсатсиз ов қилган ва ҳукумат одамларига очикчасига қаршилиқ кўрсатган.

Бечора Юраш! У Марушани уйига кузатиб қўйган ва хурсандчиликдан Радикникида анча-мунча отган эди. Шу ерда граф Андраши ўрмонга овга чиққани ҳақида эшитиб қолди.

– Менинг графдан нима камим бор? – деди у севги ва ичкиликдан боши айланаркан. Қийшиқ ўриндикдан шарт турди-да, уйига жўнади. Мархум отасининг қўшоғизини олиб, ўрмонга равона бўлди.

Водийдаги дарё ёқалаб кетаркан, ўрмончи Пехурага дуч келди.

– Йўлдан қоч, Пехура, – деб маслаҳат берди у дастлаб мулойимлик билан.

Қуролини ўқламай кетаётган ўрмончи Пехура куртқасининг чўнтагидаги узун пичоққа қўл чўзди.

– Ўзи эплотмади, кейин жандармларни жўнатди, – деб ҳикоя қилди Юраш кейинчалик. – Пехурадан пичоқни олиб қўйдим, ичагини бошига сават қилишимни айтган эдим, тиз чўкиб қолди. Ердан чиқдим, осмондан тушдим – жандармлар пайдо бўлди... Шундан кейин...

Бир сўз билан айтганда, суд Юрашни олти ой қамоққа ҳукм қилди.

Жазонинг тўртинчи ойида Юрашнинг бўлмасига Оравес исмли бир йигитча келди. У Предная Гутадаги қишлоқ оқсоқолига: “Дарёга иргитаман!” деб таҳдид қилгани учун бир ҳафтага қамалган эди.

– Гнилсада жуда ғаройиб ишлар бўляпти-да, – деди Оравес биринчи кун. Сўнг катта чиқиб, уйқуга кетди.

Кейинги кун Юрашга ўгирилиб:

– Маруша ҳам... – деди.

Ниҳоят учинчи кун гапини тугаллади:

– Маруша эрга тегяпти.

Юраш дўтпослашидан қўрқиб, Оравес бу гапни назоратчи овқат олиб келган пайтда айтди.

Лекин барибир интизомий жазо тариқасида Юрашни тўртинчи бўлмага олиб ўтишди, бир неча кун қора карцерда ўтириб чиқди. Чунки интизом низомида ёзиб қўйилган:

“а) агар маҳбус бошқа бир маҳбусга зўравонлик қиладиган бўлса, у...”

Марушага келсак, ҳақиқатан ҳам, эрга тегиш тадоригида эди. Юрашни жандармлар олиб кетганини эшитиб, қиз ўша куннинг ўзидаёқ қаллиғи

муҳаббат изҳор қилган тонгни ва у олиб берган мовий ҳошияли қизил рўмолчани унутди. Отасига эса:

– Юраш – ғирт безори. Унга теккан қизнинг шўрвасига шўр тўкилади, – деди.

Кейинги якшанба Маруша Васкога фотиҳа қилинди.

Васконинг катта тегирмони бор эди. Мовий куртқасига эса оғир кумуш тугмалар қадалганди. Юраш бўлса каталакдеккина уйда яшар, конга пистакўмир ташиб тирикчилик қилар, мовий куртка ўрнига тўқа тақилган кўйлак киярди. Устига устак, ярамас ва безори эди.

Икки ҳафтадан сўнг Васко Пухалаларникига Марушанинг қўлини сўраб келди. Пухалалар оиласининг улуғи тўйга розилик берди. Бироқ эртаси кун Васко бели оғриётганини айтиб, узр-маъзур қилди. Юрашнинг дўстлари тегирмонда пойлаб турган экан, тутиб, адабини беришибди.

Буни эшитган долинкалик ўрмон мудири бир гал Добшина нотариусига:

– Халқимиз жуда романтик-да, – деди завқ билан.

Юраш қамоқдан чиққач, романтика устига романтика қўшилди.

Юраш Васконинг тегирмони атрофида изғиб юрганини ҳамма кўрди.

– Энг қизиқ воқеалар ҳали олдинда, – деди ўрмон мудири Добшина чойхонасида шаҳар нотариусига.

Ҳақиқатан ҳам, ўта ғаройиб воқеалар содир бўлди.

Юраш тегирмон ёнидаги ўрмон ичида ётиб, Васкони диққат билан пойлай бошлади.

– Бўлди, чиқ энди, ҳов, эрка! – деб бақирди Юраш тегирмончига. – Сен билан гаплашиб олишим керак!

Деразада Васконинг эзгин қиёфаси намоён бўлди.

– Эй, чиқасанми-йўқми? – деб яна бақирди Юраш.

Васко эҳтиёткорлик билан деразани очди:

– Юраш, оғайни, аччиғинг чиқмасин...

– Эшикни оч! – деб бақирди Юраш. – Сен билан бир масалани ҳал қилишимиз керак.

– Юрашжон, – деди Васко, – очолмайман, мени урасан.

Юраш деразага яқин келди-да:

– Охирги марта сўрайман, ичкарига кири-тасанми-йўқми? – деди бутун ўрмонни бошига кўтариб.

Васко оёғини зўрға судраб келиб, дарвозани очди ва Юрашни ичкарига киритди.

– Яхши, – деди Юраш ва хонага йўл олди. Кетидан Васко эргашди. Иккалалариям ўтиришди.

– Юрашжон, аччиғинг чиқмасин, дўст. Балки ичарсан? – титроқ овозда сўради Васко.

– Ичаман, нега ичмаслигим керак, – деб рози бўлди Юраш. – Мен сен билан нима ҳақида гаплашмоқчилигимни биласанми?

– Аччиғинг чиқмасин, ошна, – деди Васко. – Бунақа бўлганидан ўзим ҳам хурсанд эмасман. Қиз дегани дарахт япроғига ўхшайди. Бугун бу ерда, эртага у ерда.

– Васко, вино олиб кел, – деб маслаҳат берди Юраш. – Кейин одамларни дераза ёнидан ҳайдаб юбор.

Шу пайт қишлоқнинг салкам ярми учрашув нима билан якунланишини кутиб турарди.

Кўп ўтмай Васко вино кўтариб келди, қуйди, иккалалари ҳам ичишди.

– Яхши вино, – деди у. – Яграда сотиб олганман. Нордон ҳам эмас, ширин ҳам эмас.

– Жим бўл! – деди Юраш. – Сенинг ёнингга нимага келганимни биласанми?

– Қадрдоним, ошнажоним, – деб гап бошлади Васко, – қўй энди шу гапларни. Биз ҳаминиша дўст эдик... Тушун, у менга ёқди, мен ҳам унга...

– Мен бу ҳақда сўраётганим йўқ! – бақирди Юраш. – Яқинроқ ўтир, винудан куй! Бунча эшикка қагишяпсан?

Юраш қадаҳни бўшатди-да, Васкога оҳиста деди:

– Марушага олиб берган рўмолчам менга икки гульденга тушган эди. Васко, менга шу пулни тўла, кейин – орамиз очик...

– Кўрдингми, оғайни, – деди бироздан сўнг Юраш пулни ўнгиган белбоғига жойлар экан, – биз ҳаминиша дўст эдик, бундан кейин ҳам дўст бўлиб қоламиз...

– Гемерда романтика қолмади, – деб гап бошлади эртаси куни долинкалик ўрмон мудури Добшина чойхонасида ва воқеани бир бошидан сўзлай кетди.



Қашқадарё шевасига хос сўзлар

Гуммик

совлиқ сутини эммагани боис ўсишдан қолган қўзи.

Дўржи

кўтарасига, ҳаммасини бирданига савдо қилиш, олиш.

Дўкан

уй-рўзғор буюмларига ясалган согни учун тутунга тоблайдиган тандир.

Кўнарғи

сутни уютиш учун қўшиладиган қатик. “Оқлиқ” ҳам деб айтилади.

Кўкцирноқ

зиқна, хасис киши.

Куя

ичи қора одам.

Мукки

қўнжи калта этик.

Наймим

гишиқ-пухта киши.

Тўдакаш

кўтқарида тўда ичидан улоқни ҳалол айириб чиқувчи чавандоз.

Чаккагир (четкир)

Тўдакаш ҳалол айириб чиққан улоқни илиб кетиш учун четда пойлаб турадиган чавандоз.

Чибич

эчки сути камлиги боис ўсишдан қолган улоқ.

Эн

чорва молларининг қулоғини кесиб, тешиб белги қўйиш.

Ўла(ҳа)т

ер майдони суғориладиган, сувот текисликдаги жой, қишлоқ.

Шардоз

жуволдиз тешигидан ўтадиган йўғон иг.

Дилрабо ЧОРШАНБИЕВА,

ЎзМУ талабаси



**Гулзорой
АБДУВОСИЕВА**

1996 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университетига
тахсил олмоқда. “Қуёшдан
ранг олганман”, “Баҳор
чертди юрак торимни”
шеърини тўпламлари чоп
этилган.

Ватан

Бобо қуёш сийлаган замин,
Паҳлавонлар улғайган тупроқ,
Бахтга ошно огушингда ҳар
Гулу райҳон, гиёҳу япроқ,

Нур эмади бағрингдан юлдуз,
Жамолингдан хижолатда ой.
Тандирингда пишган кулчадан
Қиёс олган офтоб, ҳойнаҳой.

Отажоним меҳридасан жам,
Онажоним кулгусидасан.
Бутун олам юзига боқиб
Ўхшашингни тополмам, Ватан.

Қучогингда ҳайқириб оққан
Анҳорлардек жўшар танда қон.
Юрагимнинг овозидасан,
Мангу бор бўл, Ватан – онажон!

Бобо қуёш сийлаган замин


Согинч

Юрагимда тугён урган ҳисларим,
Она юртим томон қоқингиз қанот.
Қўҳна Сурхонимда қолган изларим:
Бир гўзал хотира, согинч умрбод.

Тандирдан нон узган онам юзидан
Ўтиб қўярканман, қуяр дудогим.
Қирқкокил сингиллар ҳалинчак учар,
Ёдимга солади болалик чоғим.

Булбуллар куйидан уйғонар Сурхон,
Сангардак шовваси шеъримга гултож.
Моможон, мен яна савол берайин,
Хотира сандигинг қизганмасдан оч.

Бахтдан гувиллайди Сурхон қучоғи,
Тоғлар саф-саф турар бағрини очиб.
Мен эса ҳисларим, эй она диёр,
Йўлларингда гулдек боряпман сочиб...



120
Абдулхамид Чўлпон (1897–1938)

530
Убайдий (Убайдиллахон; 1487–1539)

810
Мавлоно Жалолиддин Румий (1207–1273)

230
Амирий (Умархон, 1787–1822)

770
Паҳлавон Маҳмуд (1247–1326)

190
Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827–1900) 9 ноябрь

110
Абдулла Қаҳҳор (1907–1968) 17 сентябрь
Миркарим Осим (1907–1984)
Қуддус Муҳаммадий (1907–1997) 25 октябрь

580
Давлатшоҳ Самарқандий (1436/37–1495)

150
Ҳазиний (1867–1923)



130
Ғози Юнус (1887–1942)

100
Шароф Рашидов (1917–1983) 6 ноябрь
Назармат (1917–2009) 7 ноябрь

Адабий тақвим

350
Жонатан Свифт (1667–1745; Ирландия) 30 ноябрь

300
Ҳорас Уолпол (1717–1797; Англия) 24 сентябрь

200
Константин Аксаков (1817–1860; Россия) 10 апрель
Алексей Толстой (1817–1875; Россия) 24 август
Ҳенри Торо (1817–1862; АҚШ) 12 июль
Теодор Шторм (1817–1888; Германия) 17 сентябрь



150
Жон Голсуорси (1867–1933; Англия) 14 август
Луижи Пиранделло (1867–1936; Италия) 28 июнь

110
Лидия Чуковская (1907–1996; Россия) 24 март
Ясуси Иноуэ (1907–1991; Япония) 6 май
Андрей Некрасов (1907–1987; Россия) 22 июн
Роберт Ҳайнлайн (1907–1988; АҚШ) 7 июль
Астрид Линдгрэн (1907–2002; Швеция) 14 ноябрь
Ҳариванш Рай Баччан (1907–2003) 27 ноябрь
Алберто Моравиа (1907–1990; Италия) 28 ноябрь

100
Энтони Бёржесс (1917–1993; Англия) 25 февраль
Жек Кёрби (1917–1994; АҚШ) 28 август
Артур Кларк (1917–2008; Англия) 16 декабрь
Маргарете Нойман (1917–2002; Германия) 19 февраль
Ҳенрих Бёлл (1917–1985; Германия) 21 декабрь
Қайсин Қулиев (1917–1985; Қабардин-Болқор Республикаси) 1 ноябрь

Агар ўрганишни истамасанг...



Бернард Шоу ҳикматларидан

Болаларни тўғри тарбиялаш учун ота-оналар фарзандларига аслидагидай қўриниши керак.

Агар сизда битта олма, менда битта олма бўлса ва биз уларни алишсак, ҳар иккимизда биттадан олма қолади. Агар менда битта ғоя, сизда битта ғоя бўлса ва биз уларни алишсак, икковимизда ҳам иккитадан ғоя бўлади.

Дунё ишламай пул топишни истайдиган бекорчилар, бойимасдан ишлашга тайёр нодонларга тўлиб ётибди.

Ёшлигимда ёзганларим тўқис эмаслигидан жаҳлим чиқарди. Ўзимнинг биринчи қадамларимни бошқаларнинг сўнгги қадамлари билан солиштирар ва, табиийки, катта фарқни кўриб қайғуга тушардим.

Бахт ортидан қувиб, уни топган одам бурни устида турган кўзойнагини қидириб, сўнг топиб севинган кампирга ўхшайди.

Энг муҳими – қалбингда тартиб ўрнатиш. Учта нарсага амал қиламиз: нолимаймиз, айбламаймиз, ўзимизни оқлашга уринмаймиз.

Ҳамма нарсага улгурадиган одамлар ҳеч қачон дангасалик қилмайдилар, керакли шарт-шароитни қидирадилар. Агар шароит йўқ бўлса, ўзлари яратадилар.

Ёлғончига берилган жазо унга бошқалар ишонмай қўйгани эмас, у бошқаларга ортиқ ишона олмаслигидир.

Жамиятга оптимистлар ҳам, пессимистлар ҳам ҳисса қўшади. Оптимист самолётни ўйлаб топган бўлса, пессимист парашютни ихтиро қилган.

Бахтни ишлаб чиқармай туриб истеъмол қилишга ҳаққимиз йўқ.

Зарбанга жавоб бермаган одамдан кўрқ: у сени ҳеч қачон кечирмайди, кечириш учун ўзига ўзи изн бермайди.

Тасаввур ижоднинг бошланишидир. Истаганингизни тасаввур қиласиз; тасаввур қилганингизни истайсиз; ва ниҳоят, истаганингизни яратасиз.

Одамларнинг 2 фоизи – ўйлайди, 3 фоизи – ўйляпман деб ўйлайди, қолган 95 фоиз учун эса ўйлагандан ўлган афзал.

Агар ўрганишни истамасанг, ҳаёт ҳеч нарсани ўргатмайди.

Эркакларни севинг. Сизнинг севингиз улар учун жуда зарур. Ҳатто улар буни ҳеч қачон тан олмасалар ҳам. Ҳар қандай буюк эркакнинг ортида унга ишонган ва чинакамига севган аёл бор.

Идеал эркак ўз аёлини идеал деб ҳисобловчи эркақдир.

Унвонлар мамлакат учун катта хизмат қилган одамлар ҳақида халқни хабардор қилиш учун ўйлаб топилган.

Эркак ёки аёлнинг тарбияланганлик даражаси жанжал пайтида яққол намоён бўлади.

Одам мамлакат ва инсоният учун қилиши мумкин бўлган энг катта хизмат – болаларини тарбиялашидир.

Оптимистларнинг орзулари ушалади. Пессимистларнинг кўрқувлари.

Эркак ва аёлнинг дўстлиги бу – ё собиқ, ё бўлажак хушторларнинг муносабатидир.

Соғлом одам умуртқаси борлигини билмаганидек, соғлом миллат ҳам миллатчиликни билмайди.

Имонсиз одамлар замонавий жамиятда ахлоқсиз ва пулга муҳтож аёлдан ҳам хавфлироқдир.


Ғазабга минган ҳар дақиқангизда бахтнинг олтмиш сониясини бой берасиз.

Ҳислар одамни фикрлашга мажбур қилади, лекин фикрлар ҳеч қачон ҳис қилишга мажбур этолмайди.

Фаолият – билимга ягона йўл.

Ҳаёт ўзингни топишдан эмас, ўзингни яратишингдан иборат.

Омад ВАЛИЕВ
таржималари.



Биттагина ёзувчи бор эди...

Тула губернияси
Ёзувчилар уюшмасининг
инқилобдан кейинги
йиғилишида сўз олган
нотиқ гуруҳ билан бир
маълумотга урғу беради:

– Инқилобгача бизда
биттагина ёзувчи бор
эди. Ҳозир улар мингдан
ортиқ!

Шу пайт залдаги-
лардан бири лукма
ташлайди:

– Ўша биттагина
ёзувчи ким эди?

Бу сафар нотиқнинг
овозидаги салобат бирда-
нига йўқолади:

– Лев Толстой.



Юксак эҳтиром

Ҳейнрих Ҳейне оғир хаста бўлганида ҳам
такаллуф билан сўзлашни тарк этмаган. Бир
гал қаттиқ оғриб, тўшакка миҳланиб қолганида
эски таниши шоирни йўқлаб келади. Бу пайтда
хизматкор аёллар Ҳейнени чойшабга солиб,
кароватга олиб ўтишаётган эди. Дўстига бундай
ноқулай ҳолатда кўринган шоир вазиятни шун-
дай лутф билан “қоғозга ўрайди”:

– Кўряпсизми, ошна, аёллар мени ҳалиям
қўлларида кўтариб юришади.




Ҳаммаси аён бўлиб қолди...

Детектив асарлари билан дунёга машҳур
Артур Конан Дойл бир куни йирик банкир-
ларга телеграмма жўнатади. Ёзувчининг ҳазил
хабарномаси қисқагина эди: “Ҳаммаси аён
бўлиб қолди. Тезда яширининг”. Эртаси куни
хабар жўнатилган 12 нафар банкирнинг бар-
часи Лондондан жуфтақни ростлайди...

Нега мен тирикман?

Бир куни таҳририятнинг Марк
Твен ишлайдиган бўлимига ўрта-
миёна муаллифнинг бир даста
бемаза шеъри келиб тушади.
Уларга “Нега мен тирикман?” деган
умумий сарлавҳа қўйилган эди.
Ёзувчи қўлёмани эгасига қайтарар
экан, сарлавҳа остига шундай изоҳ
ёзиб қўяди: “Чунки сиз таҳрири-
ятга шеърларингизни ўзингиз олиб
келмадингиз, почта орқали юбор-
дингиз”.



Шахсий китобларни асраш учун

Таниқли француз ёзувчиси, адабиёт йўналишида Нобель
мукофоти совриндори Анатол Франс ўткир фикрлари, лутфлари,
кинояли-қулгили сўзлари билан ҳам шуҳрат қозонган. Жумладан,
унинг шахсий китобларни асраш ҳақидаги ушбу тавсияси эъти-
борга молик:

“Китобларингизни ҳеч кимга берманг. Акс ҳолда, уларни қай-
тиб кўрмайсиз. Масалан, менинг кутубхонамда бировлардан ўқиб
туриш учун олинган китобларгина қолган, холос”.



Орифжон МАДВАЛИЕВ
тайёрлади.